

АБДУВАЛИ БЕРДИАЛИЕВ

**ЎЗБЕК СИНХРОН
СОЦИОЛИНГВИСТИКАСИ**

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 9

Бердиалиев Абдували

ЎЗБЕК СИНХРОН

СОЦИОЛИНГВИСТИКАСИ

*Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология
факультетларининг ўзбек тили ва адабиёти бакалаври ва
магистратура йўналиши учун дарслик-қўлланма*

Т О Ш К Е Н Т -- 2 0 1 9

ББК

Бердиалиев Абдували. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўзбек тили ва адабиёти бакалаври ва магистратура йўналиши учун дарслик-қўлланма. Тошкентд, 2019.

Дарслик-.....йиғилиши қарори билан нашрга рухсат этилган.

Масъул муъаррир: филология фанлари доктори,
профессор

Тақризчилар: филология фанлари номзоди,
Доцент.....
филология фанлари номзоди,
доцент.....

Дарслик-қўлланмада тил жамоасининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ нолисоний хусусиятларнинг тил структурасига таъсири масалалари ўрганган. Тил контакти, тил вазияти, икки тиллилик, қўп тиллилик ва уларнинг ижтимоий асослари ҳақида маълумот берилган. Четдан сўз олиш ва уларнинг сабаблари кўрсатилган.

Дарслик-қўлланма ўзбек тили ва адабиёти бакалаври ва магистратураси йўналишидаги талабаларга мўлжалланган бўлса-да, ундан аспирантлар, илмий ходимлар, педагогик йўналишидаги коллеж, академлицей, гимназиялар ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, ўрта умумтаълим мактаблари ўзбек тили ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари кўзда тутилган.

Т о ш к е н т 2 0 1 9

С ўз б о ш и

Тилшунослик филология илмининг илмий-назарий асосини ташкил қилувчи ижтимоий фандир. У дастлаб тил қурилишини ўрганувчи фан сифатида пайдо бўлган. Асрлар оша бу фаннинг ўрганиш объекти, предмети ўзгариб келаётир. Эрамиздан олдин У-1У асрларда қадимги Ҳиндистонда унинг «пойдевори» тикланган бўлса, ХХ1 асрга қадар бу фаннинг мундарижаси неча бор ўзгарди, кенгайди. Ниҳоят, ХХ асрнинг биринчи чораги охири ва унинг кейинги чоракларида тилшунослик жаҳон миқёсида мустақил фан сифатида ривожланди.

Таълимнинг барча босқичларида тилнинг ички қурилиши билан боғлиқ масалалари ўрганилди ва бу анъанавий тилшунослик сифатида баъоланди ҳамда кадрланди.

Эндиликда, айни мана шу замонда тилшунослик фани «ичдан болалади». Унинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгидан-янги тармоқлари («гўдақлари») пайдо бўла бошлади. Тилшунослик ихтиёрида **интралингвистика, психоллингвистика, менталлингвистика, этнолингвистика, паралингвистика, энерголингвистика, лингвосинергетика** ва яна бошқа-бошқа номлар билан аталувчи ўзича мустақил оралиқ тармоқлар пайдо бўлди.

Социоллингвистика--тил илмининг макролингвистика, яъни ташқи тилшунослик деб аталувчи кенг тармоқли соъалари таркибига кирувчи мустақил йўналишлардан бири.

Бу йўналиш тилнинг ички қурилишини ўрганувчи интралингвистика билан унинг халқ тарихи, турмуш тарзи, диний ва маънавий эътиқодини ўрганувчи жамиятшунослик фани оралиғида пайдо бўлган. Шу боис социоллингвистика том маънодаги соф тилшунослик ҳам, ижтимоий фанларнинг асосини ташкил қилувчи фалсафа ҳам эмас. Тилшуносликнинг замонавий бу тармоғи **и ж т и м о и й т и л ш у н о с л и к** дир, яъни социоллингвистикадир.

Социоллингвистика, дарњақикат, янги тармоқ. У тилнинг, аниқроғи, тил қурилишининг тил жамоасининг тарихи, касб-кори, интилиши, бошқа тил жамоалари билан алоқаси ва уларга муносабати, қизиқиши, турмуш тарзи, адабиёти, маданияти, маънавияти, диний эътиқоди ва бошқа бир қатор хусусиятлари билан бевосита ёхуд билвосита боғлиқ томонларини ўрганувчи янги фандир.

Университет ёхуд педагогика олий ўқув юртларида таъсил олган ва олаётган ҳар бир киши ўз тилининг шу тил жамоаси мансуб бўлган ижтимоий муъит билан боғлиқ томонларини билмасдан туриб, ўз она тилининг ижтимоий мавқеи ва нуфузи билан чин маънода таниш бўла олмайди. Шу боис социоллингвистика шахсни ҳар томонлама барқомал ва мукамал зиёли бўлишида муҳим роль ўйнайди. Бу фаннинг аҳамияти ҳам асосан ана шу мақсадни кўзда тутганлигида намоён бўлади.

Дарслик-кўлланма уч қисмдан иборат. Биринчи қисм «Социолингвистиканинг умумий масалалари» деб номланган. Бу қисмда социолингвистиканинг ўқув предмети мақомидаги мустақил фан эканлиги, турлари, асосий тушунчалари ҳақида маълумот берилган.

Иккинчи қисм «Ўзбек социолингвистикаси масалалари» деб номланган. Унда ўзбек тилининг тарихи, ўзбек тил жамоасининг бошқа тил жамоалари билан ھудудий ва ноҳудудий алоқалари, шу асосда вужудга келган ўзбек тил контактлари, ўзбек ва бошқа тиллар билингвизми (икки тиллиги), полилингвизми (кўп тиллиги), уларнинг нолисоний (экстралингвистик) асослари ва шулар билан боғлиқ ўзбек тил вазияти хусусида сўз юритилади. Бошқа тиллардан лисоний бирликлар (асосан, луғавий бирлик—сўзлар) ўзлашиши ва уларнинг нолисоний манба ва асослари ҳақида маълумот берилади.

Дарслик-кўлланманинг **учинчи қисмида** социолингвистик тадқиқот методлари масаласида фикр юритилади: социолингвистикага доир ашёвий материал йиғиш усуллари; йиғилган материални илмий таълил қилиш йўллари ҳақида маълумот берилади.

Мазкур кўлланма социолингвистиканинг рус тилшунослигида амалга оширилган масалаларини ўрганиш, унинг интралингвистика билан боғлиқ томонларини ўзбек тилига татбиқ этиш, шунингдек, ўзбек тилшунослигида «социолингвистика» атамасидан фойдаланилмай амалга оширилган ишлар билан танишиш ва улардаги фикрларни ўрганиш асосида яратилди.

Хуллас, «Ўзбек синхрон социолингвистикаси» номи билан аталган бу дарслик-кўлланма ўзбек тилшунослигида амалга оширилган илк тажриба ھисобланади. Шу боис унинг мундарижасида социолингвистикага алоқадор барча тушунчаларни қамралган дейиш қийин. Шунингдек, дарслик-кўлланма ўзбек тилшунослигида социолингвистикага доир дастлабки яхлит иш бўлганлиги учун, уни баъзи жузъий камчиликлардан холи деб ҳам бўлмайти. Бироқ шунга умид қиламизки, тил илмининг зукко мутахассислари, касбига фидойи ўқитувчи ва синчков талабалар дарслик-кўлланма билан танишиб, унинг ижобий ва айрим кемтик томонлари ҳақида ўз фикрларини билдирадилар. Таклиф ва истаклар унинг навбатдаги нашрида ھисобга олинади.

М у а л л и ф

К И Р И Ш

«Бизнинг кўп миллатли Ватанимизнинг яхши фуқароси бўлмоқ учун ўз она тилини, ўз миллий маданиятини севиш ва билиш жуда муҳимдир. Киши ўз туғилган уйини қандай севса, она тилини ҳам шундай севмоғи зарур...»

*(А.А.Леонтьев, филология ва психология
фанлари доктори, профессор).*

Социолингвистика – тилнинг ички қурилишини ўрганувчи лингвистика (интралингвистика) ва жамиятшунослик фанлари оралиғида вужудга келган янги фан. Шунинг учун бу **фан** тил қурилишининг ижтимоий томонини ўрганади.

«**Фан**» атамаси қадимда кенг маънода ишлатилган. У «санъат» ва унинг турларига нисбатан ҳам қўлланган.

Социолингвистикада «**фан**» ва «**санъат**» тушунчалари ва уларнинг ўзаро муносабати, бу икки тушунчага жамиятнинг муносабати, уларнинг тилга муносабати масалалари ҳам ўрганилади. «**Фан**», «**санъат**» араб тилидан ўзлашган: «**фан**» рус тилидаги «**наука**» атамасининг, «**санъат**» эса, «**искусство**» атамасининг ўзбек тилидаги маънодош муқобилларидир.

Умумфан тарихида «**фан**» маъносидаги «**наука**» билан «санъат» маъносидаги «**искусство**» айна бир тушунча сифатида фарқланмаган. Худди шунингдек, антик даврда «**скульптор**» сўзи «**найкалтарош**»дан ташқари, умуман нунаармандларга нисбатан ҳам ишлатилган.

Кенг маънода қўлланиш «софист» сўзига ҳам хос бўлган. Хусусан, Қадимги Грецияда «софист» сўзи «донишманд» маъносидан ташқари, «**дурадгор-уста**», «**бўёқчи**» (маляр), «**ўймакор уста**» (гончар) маъноларида ҳам ишлатилган.

Қадимги француз ёзма манбаларида эътироф этилишича, «фан» маъносидаги «**наука**» ва «санъат» маъносидаги «**искусство**» сўзлари ХУ1 асрга қадар «**билим**» маъносидаги синоним сўзлар сифатида ишлатилган. Кейинчалик уларнинг биринчиси (наука) назарий билимга, иккинчиси (искусство) амалий билимга нисбатланиб, фарқланган. «Санъат» маъносидаги «искусство» бора-бора «қўл нунари» маъносида расмийлашиб, «нунаар» маъносидаги «ремесла» сўзининг маънодош муқобилига айланган.

Эрамининг Х111 асрида яшаган Брунетто Латинга қарашли машҳур «**Билимлар муъжизаси**» («**Сокровищнице знаний**»)да ҳам «фан» маъносидаги «наука» ва «санъат» маъносидаги «искусство» атамалари, юқорида айтилганидек, «билим» («знание») маъносида ишлатилган. Италиян найкалтароши Леон-Баттиста Альберти (ХУ аср) ва Леонардо да Винчи «фан» маъносидаги «наука» атамаси остида тасвирий санъатни, хусусан, «живопись»ни ҳам тушунган. «Наука» атамасининг бу тарзда тушунилиши Уйғониш даврида ҳам ўзгармаган. Бу даврга келиб, «фан» маъносидаги «наука» сўзи техника ва унинг турларига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган.

Хуллас, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, социолингвистикага лингвистика ва жамиятшунослик фанларини туташтирувчи алоҳида фан сифатида қараш хато саналмайди.

Университет ва педагогика олий ўқув юртлиари филология факультетларида лингвистик фанлар талабаларни касбий соҳа бўйича мутахассис сифатида тайёрлайдиган асосий ўқув предмети саналади. Уларда лингвистика кенг қамровли фан сифатида ўқитилади. Талаба бу фаннинг интралингвистика деб номланувчи соҳаси бўйича юқори маълумотли мутахассис бўлиб етишади. Олий ўқув юрти таъсидан кейин бўлажак педагог-лингвист ўрта умумтаълим мактабларида, гимназия ва педагогик йўналишдаги касб-нунаар

коллежларида фаолият юритганда, у ўқувчиларига асосан она тилининг интралингвистика соҳаси бўйича таълим беради.

Интралингвистика тил фанининг тилнинг лисоний қурилишини ўрганувчи тармоғидир. Тилнинг, у қайси тил оиласига мансуб бўлишидан қатъий назар, унинг фонетик-фонологик, морфем ва сўз ясалиши, луғавий, грамматик қурилиши ва услубий-прагматик имкониятлари ҳақида интралингвистика назарий маълумот беради. Хуллас, интралингвистика талабани муайян бир тилнинг лисоний қурилиши бўйича мутахассис қилиб тайёрлайди. Чунончи, рус филологияси факультетида таъсил олган талаба рус тили бўйича, тожик филологияси факультетида таъсил олган талаба тожик тили бўйича, ўзбек филологияси факультетида таъсил олган талаба ўзбек тили бўйича мутахассис бўлиб етишади, улар рус тилшуноси, тожик тилшуноси, ўзбек тилшуноси каби номлар билан аталадилар.

Тил—дилнинг таржимони. Тил орқали кишилар бир-бирлари билан фикрлашадилар, дўстлашадилар, иноқлашадилар. Шундай бўлса-да, тил—мураккаб ھодиса. Унинг ўз ички қурилиши билан боғлиқ бўлмаган ноинтралингвистик (нолисоний) томонлари ҳам бор. Бу томонлар ҳам лингвистика фани доирасида алоҳида-алоҳида ўқув предметлари сифатида ўқитилади. Тилнинг ана шу «ташқи» томонларидан бири—бу социоллингвистика ўрганадиган объектдир.

Тил—ижтимоий ھодиса. Унинг пайдо бўлиши ҳам, ривож топиши ҳам, муайян даврда бажарадиган вазифаси ҳам, тил жамоасининг этник қатламларига муносабати ҳам, қардош ва қардош бўлмаган бошқа тиллар билан муносабати ҳам ва бошқа-бошқалар тилнинг ижтимоийлигига дахлдор тушунчалардир. Тил билан алоқадор бу хусусиятларнинг барчаси лингвистика фанининг социоллингвистика деб аталувчи тармоғида ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, социоллингвистика—бу социал, яъни ижтимоий тилшуносликдир.

Социоллингвистика лингвистика циклидаги фанларнинг энг янгиси, маъжозий ибора билан айтганда, лингвистиканинг «чақалоғи». Шу боис бу фаннинг барча томонидан бир хил тан олинган мундарижаси ҳам йўқ. Социоллингвистикани муштарак мундарижада ўргатадиган дарслик ҳам, ўқув қўлланмаси ҳам ھозирча мавжуд эмас. Тўлақонли даражада бўлмаса-да, борлари ҳам рус тили социоллингвистикаси масалаларига бағишланган. Уларда социоллингвистиканинг умумназарий масалалари ҳам бор, албатта. Бироқ бу мураккаб соҳанинг айрим муҳим тушунчалари шарҳи ва талқинида ھозирча бир хиллик йўқ.

Ўзбек тилшунослигида, гарчи «социоллингвистика» атамаси доирасида қаралмаган бўлса-да, брошюра, мақола, рисола характеридаги баъзи ишлар йўқ эмас. Социоллингвистиканинг фалсафа фанига қарашли томонлари бўйича қатта ишлар ҳам қилинган. Масалан, Ўзбекистонда проф К.Хоназаровнинг йирик ҳажмдаги ишларида «коммунизм даври»га ҳос келажак тили ҳақида кўп нарсалар айтилган, бироқ уларнинг барчаси Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсати, мафқураси таъсирида ёзилган таги пуч хомхаёллардан иборат бўлган. Шунингдек, Ғ.Абдураҳмонов,

Ф.Абдуллаев сингари профессорларнинг социолингвистиканинг лингвистик аспекти нуқтаи назаридан ёзилган брошюралари, мақолалари ҳам мавжудки, унда ўзбек тилининг сўнги йиллар тараққиёт тақдири рус тилининг таъсири билан боғланган. Ҳимоя қилинган бир қатор диссертациялар ва ёзилган монографияларда ҳам рус тилининг даврнинг «қудратли тил»лигига имтиёзли урғу берилади. Ҳозирги вақтда у «иш»ларнинг илмий ва амалий аҳамияти пучга чиққан.

Рус тилининг оламшумул мавқеини ерга урмай, ўз она тили – ўзбек тилининг том маънода улуғлигига ишора билан ёзилган социолингвистик руҳдаги ишлар ҳам йўқ эмас, албатта. Бундай ишлар орасида марҳум доцент Ирисали Тошалиев қаламига мансуб «**Ахборий мулоқот маданиятининг социолингвистик тавсифи**» деб номланган ўқув қўлланмаси ниҳоятда чуқур илмий мушоъада билан холисона ёзилганлиги жиҳатидан алоҳида аҳамият ва қимматга эга. Бироқ бу асар, афсуски, олим вафотидан кейин унинг хотирасига бағишлаб чоп этилган «**Умр мазмуни**» (Тошкент, 2015) китобидан муносиб ўрин олган.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейинги баъзи ишларда ўзбек тилининг софлиги учун кураш тенденцияси кўзга яққол ташланади. Уларда ўзбек тилига сингишиб, ўзиники бўлиб кетган рус сўзларини туркий, арабча ва форсча муқобиллар билан алмаштириш таклифлари устуворлик қилади.

Хуллас, айтилган бу фикрлар социолингвистиканинг муайян бир мамлакатнинг сиёсий тузуми ва унинг мафкурасига хизмат қилувчи синфий фан тармоғи эканлигига далолатдир.

Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факультетларида социолингвистикага дахлдор айрим тушунчалар «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик», «Қиёсий тилшунослик», «Лингвистик таълимот тарихи» сингари бир қатор мустақил предметларнинг «Тил ва жамият» деб номланувчи бобида қисман ёритилган бўлса-да, у ўз мундарижасига эга алоҳида ва мустақил лингвистик фан сифатида ўқитилмас эди. Шунинг учун ҳам социолингвистика олий ўқув юртлари ўқув режасидан четда қолиб келарди. Россия ва ривожланган бошқа мамлактларнинг марказий шаъарлари олий ўқув юртларида социолингвистика махсус курс сифатида тажриба қилинаар эди. Кейинчалик у шу олий ўқув юртлари филология факультетлари ўқув режасига мустақил фан сифатида киритилган. Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари олий ўқув юртлари, жумладан, академик Б.Гафуров номидаги Хужанд давлат университети филологик йўналишдаги факультетларининг ўқув режасига мустақил лингвистик фан сифатида киритилганига ҳали ўн йил бўлган эмас.

Социолингвистика – тилшуносликнинг кам ўрганилган алоҳида тармоғи. Бу тармоқ фанда ҳозирча ўз мустақил ўрнига эга бўлмаган бошқа бир қатор йўналишлар билан ҳам боғланади. Шулардан бири **синергетика** ва унинг тилшуносликка алоқадор **лингвосинергетика** йўналишидир. Бу йўналиш тилнинг системалилигига зид нотайин чизиқли (муайян тизимга эга бўлмаган) носистем томонларини ўрганеди. **Синергетика** ва унинг методлари **диалектика** ва унинг методларига қарама-қарши йўналиш

сифатида пайдо бўлган замонавий умумфан тушунчасидир. Синергетиканинг тилшунослик билан алоқадор томонлари социолингвистик характер касб этади.

Синергетика замонамиз фани оламида ўзига хос илмий мажмуадир (парадигмадир). Унинг тилшуносликка, айниқса, социолингвистикага ҳам кириб келиши кутилмаган муъим ижобий воқеа саналади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Социолингвистика – тилшунослик
циклидаги мустақил фан сифатида**

1-§. Тилшуносликнинг тил нақидаги фан эканлиги

Инсониятни кўршаб турган объектив борлик, унинг нарса-ҳодисалари, шунингдек, шу нарса-ҳодисалараро турлича табиий-мантикий алоқа ва муносабатлар бўлмаганда эди, бирорта фаннинг бўлиши ҳам мумкин эмасди. Фанлар, табиийми, ижтимоийми, ундан катъий назар, инсон онги ва шуурининг маъсулидир.

Инсон шуури борлик нарса-ҳодисалари ва улараро ҳар хил табиий, нотабиий муносабатларни мавъумлаштирган ҳолда хотирада шакллантиради. Ўрни келганда, уларни нутқ органларини ишга солган ҳолда, лисоний сатъга олиб чиқади. Бу масалага тил фани нуктаи назаридан ёндошадиган бўлсак, масалан, *осмон*, *ер*, *сув* десак, муайян бир товушлар бирикмасидан таркиб топган шу сўзлар табиатдаги «осмон», «ер» ёки «сув»нинг ўзи эмас. Бироқ айни шу товуш бирикмалари айтилганда, эшитилганда, хотирамизда объектив борликнинг шу сўзлар маъноси билангина боғлиқ образлари тикланади; «дарахт», ёки «тош», «тоғ» ёки «дарё» тушунчалари сўз маъноларининг онгдаги «из»ларидир.

Шунингдек, объектив борликнинг лисоний жабъага олиб чиқилган нарса-ҳодисалари, уларнинг белги-хусусиялари ва ўзаро муносабатлари хотирада алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки умумлашган, мавъумлашган тарзда «муърланади». Масалан, «**дарахт**» сўзи табиатнинг шу ҳодисасини, қаерда, қанақа бўлишидан катъий назар, хотирада бир умумий тушунча сифатида инъикос этади. Аслида эса, дарахтнинг мевали, мевасиз, кўп йиллик, бир йиллик, хонакилашган ва ёввойи ва Ҳ.К. турлари, уларнинг миқдори сон-саноксиз. Хил ва турлари, миқдори сон-саноксиз «**дарахт**» инсон хотирасида атиги **битта «из»** сифатида мавжуд бўлади. Ана шу «из» «дарахт» сўзининг тимсол сифатидаги маъносидир.

Хотирадаги тимсол сифатидаги «из» -- маънонинг ҳам турлари кўп. Сўз бошқа сўз билан кўшилиб, сўз бирикмаси ёхуд гап ҳосил қилади. Сўз бирикмасининг ҳам, гапнинг ҳам маъноси бўлади. Бу маънолар сўз маъносига асосланган ва икки ёки ундан ортиқ сўз маъноларининг ўзаро муносабатида кўзга ташланувчи мураккаб маънолардир. Бу маънолар сўзнинг «сиртки» томони билан боғлиқ бўлади.

Сўзнинг ўз таркиби билан боғлиқ «ички» маънолари ҳам мавжуд. Бу маъно ўзак ва кўшимчалар маъноси бўлиб, мавъумликнинг юқори босқичида туради. Масалан, *Кучча дарахтдан дарахтга учди* гапида лисоний мавъумликнинг бир неча босқичига алоқадор маъно мавжуд.

Тилшунослик фани лисоний бирликларни, уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганувчи фандир. У ижтимоий фанлар гуруҳига қиради. Шунингдек, тилшунослик фанининг аниқ фанларга ўхшаш томони ҳам йўқ эмас.

2-§. Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги

Тил ҳам табиат ва жамиятдаги бошқа ҳодисалар сингари пайдо бўлган. Тилнинг пайдо бўлиши жамиятнинг пайдо бўлиши билан мутаносиб боғлиқ.

Шу боис тилни жамиятдан, жамиятни тилдан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Тилнинг ривожланиши ҳам жамиятнинг ривожланиши билан боғлиқ. Зеро, жамиятнинг серқирра ҳаёти унинг тилида инъикос этади. Тил – жамият кўзгуси деб бежиз айтилмаган. Жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш энг аввало тилда ўз ифодасига эга бўлади. Бироқ, қанчалик боғлиқ бўлмасин, тил ва жамият ўзаро фарқ қилади. Фарқ шундаки, тил жамиятга қарашли, унинг ижтимоий «мулки» ҳисобланади. Масалан, ўзбек тили ўзбек халқи(миллати)га қарашли бўлса, тожик тили тожик халқи(миллати)га қарашлидир. Ўзбек тили ўзбек миллатига қарашли бўлгани учун, ўзбек тили, тожик тили тожик миллатига қарашли бўлгани учун, тожик тили дейилишининг боиси шунда.

Тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши масалалари билан марксизм-ленинизм классиклари ҳам алоҳида шугулланганлар ва ўз таълимотларини яратганлар. Бу таълимотга кўра ҳам, тил ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида қайд этилади. Хусусан, К. Маркс ва Ф.Энгельслар тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақида қимматли фикрлар билдиради. Улар тилнинг ижтимоий моҳиятини шахснинг ижтимоий фаолияти билан боғлайдилар. Чунончи, К.Маркс шундай ёзади: «Инсон фаолияти алоҳида олинган индивидларга хос мавҳумлик эмас, балки у барча ижтимоий муносабатлар мажмуасидир». Уларнинг таълимотича, инсон ижтимоий тараққиётлар маъсули бўлар экан, тил ҳам, ўз табиатига кўра, ижтимоий тараққиётлар туфайли шаклланган ижтимоий ҳодисадир.

Фанда тилнинг ижтимоий томонини инкор этмаган ҳолда, унга индивидуал-психик ҳодиса сифатида ҳам қаралган. Масалан, Бодуэн де Куртенэ, тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини инкор этмаган ҳолда, уни айрим шахсларнинг нутқ фаолияти билан боғланувчи индивидуал ҳодиса сифатида талқин этган. У «**индивидуал тил—бу реал воқелиқдир**» деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, индивидуал тил—бу нутқдир. Нутққа индивидуаллик хос бўлади. Бодуэн тилнинг ижтимоийлигини шахснинг ижтимоийлиги билан боғлайди. У шахсга, яъни тил соҳибига индивидуал ҳодиса деб қарайди. Шунинг учун ҳам Бодуэн концепциясида тил: а) **индивидуал** ва б) **ўта нодир** ижтимоий ҳодисадир. Бодуэн де Куртенэнинг тил ҳақидаги қарашларидан ҳам бу ҳодисанинг кўп қиррали мураккаб ҳодиса эканлигини пайқаш мумкин.

Тил ижтимоий тушунча сифатида ижтимоий ҳодисалар сирасидаги энг мураккаб ҳодисадир. Унинг мураккаблиги зиммасидаги вазифаларнинг ҳар хиллиги ва кўплиги билан белгиланади. Тилнинг энг муҳим ва етакчи вазифаси алоқа-аралашув воситаси эканлигидир. Алоҳида олинган ҳар бир тил шу тил мансуб бўлган этник жамоа учун алоқа воситаси ҳисобланади.

Кишилар бир-бирлари билан тил воситасида ўзаро муносабатга киришадилар, фикр алмашадилар. Тилнинг бу вазифасини фан тили билан **коммуникатив вазифа** дейилади.

Булардан ташқари, тилнинг яқинлаштирувчилик (консолидирующие), бирлаштирувчилик ҳамда ажратувчилик вазифалари ҳам мавжуд, Масалан,

Ўзбек тили ўзбек миллатининг алоқа воситасидир. У бошқа туркий тилда гаплашувчи тил жамоалари билан ўзбек халқини бир муштарак тил уюшмаси (оиласи) доирасида яқинлаштиради. Шунингдек, қарлук, чигил ва қипчоқ лаъжаларининг тил жамоаларини, уларга қарашли турли хил шеваларда гаплашувчи сон-саноксиз кичик тил жамоаларини бир йирик этник гуруҳ доирасида бирлаштиради. Ўз ўрнида, бу тил ўзига хос фонетик, луғавий ва грамматик қурилиши билан шу тил жамоасини бошқа тил жамоасидан, масалан, тожик, арман, рус тил жамоаларидан ажратади.

Тилнинг пайдо бўлиши масаласи ҳам, тилнинг ўзи каби, ижтимоий ҳодисадир. Унинг пайдо бўлиш асослари хусусида турлича қарашлар мавжуд. Ибтидоий тилнинг қачон, қаерда пайдо бўлганлиги, қайси этник жамоага қарашли бўлганлигини фан ҳозирча аниқ айта олмайди. Шунингдек, дастлабки тилнинг интралингвистик қурилиши масаласида ҳам аниқ илмий маълумот йўқ.

Тил ўзига хос ижтимоий моҳият ва вазифага эга. Тилнинг моҳияти ва вазифаси ранг-баранг бўлиб, унинг ижтимоий мавқеи ва қўлами билан белгиланади. Шу боис ҳам тил бошқа ижтимоий ҳодисалардан фарқланувчи ўзига хос ҳодисадир.

Тилнинг ижтимоий моҳияти чексиз. Унинг юқорида айтилганлардан ташқари, яна бир қатор муҳим ва аҳамиятли хусусиятлари мавжуд. Улардан бири тилнинг маърифий аҳамиятидир. Тилнинг маърифий аҳамияти шундаки, тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган билим оммалашиб, унинг кўпчилик томонидан ривожлантирилишига имкон туғилади. Ундан ташқари, тил туфайли инсониятнинг билими, бой тажрибаси авлоддан авлодга оғзаки ва ёзма шаклларда қолдирилади. Натижада янги авлод ўтган авлоднинг--ўз аجدодларининг ишини ҳеч қийналмасдан давом эттиради.

Тил илм олишда замон ва макон ғовини ўртадан кўтаради. Тил туфайли кишилиқ жамияти энг қадимги маълумотларга эга бўлади, ҳатто келгусига доир маълумотларни ҳам олади. Коинотнинг ҳамма еридаги маълумотлар инсониятга тил орқали маълум бўлади. Буларнинг барчаси ижтимоий характердаги тилнинг ижтимоий «амаллари»дир.

3-§. Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилиш асослари

Юқорида ҳам айтилганидек, тилнинг пайдо бўлиши жамиятнинг пайдо бўлиши билан узвий, чамбарчас боғлиқ. Жамият ва унинг эътиёжи учун хизмат қиладиган барча реал ва нореал ҳодисалар ижтимоийлик белгисига эга бўлади. Шулар сирасида онг ҳам, тил ҳам бор, албатта. Табиат ва жамиятдаги мавжуд барча ҳодиса ва тушунчалар онгда инъикос этади. Шу жумладан, тил ва унинг бирликлари ҳам онгда мавжуд бўлади. Тил ва унинг бирликларига психик ҳодиса сифатида қаралишининг боиси ҳам ана шундан. Табиат ва жамиятдаги инсон эътиёжи учун хизмат қиладиган барча нарса-ҳодисалар ижтимоий фанлар томонидан ўрганилади. Ижтимоий

фанлар тарих, адабиётшунослик, фалсафа, психология, педагогика, экономика, жамиятшунослик сингари бир қатор фанларни ўз ичига олади. Шу жумладан, лингвистика, яъни тилшунослик ҳам ижтимоий фанларга киради. Тилшунослик фани табиий тилни ўрганади. Табиий тил инсон тилидир. Тил кишилараро алоқа-аралашув воситаси бўлганлиги учун, ижтимоий ھодисадир. Айти ўринда, тилнинг ижтимоий ھодиса эканлиги унинг табиий ھодисага алоқадор томонини ҳам инкор этмайди, албатта. Чунки тилнинг товуш тили эканлиги, товушларнинг инсон организмнинг ўпка, ھаво йўллари, ھикилдоқ, тил, лаб, бурун ва оғиз бўшлиғи каби аъзолари фаолияти билан алоқадорлиги унинг табиий томонидир. Тилнинг нутқ жараёнида, алоқа воситасига айланишида инсон организмнинг бу аъзолари биргаликда ھаракатга келади.

Тилнинг ижтимоий ھодисалик томони унинг вазифаси билан боғлиқ. Тилнинг вазифаси ижтимоий вазифадир. Чунки инсоннинг фикр узатиши, фикр қабул қилиши, ички рухий ھолатининг воқеланиши—барча-барчаси тил орқали амалга ошади. Шуларнинг барчаси тилнинг ижтимоий ھодиса сифатида ўрганилиши учун асосдир.

4-§. Тилни ўрганиш оиладан бошланади

Ҳа, тилни ўрганиш оиладан бошланади. Оила жамиятнинг, муайян тил жамоасининг бошланғич ячейкаси дир. Оила инсон боласи ўрганиши учунгина хос бўлган лисоний манбагина эмас, балки табиатдаги барча жонзодлар ва уларнинг зурриётларининг «тил» ўрганишидаги дастлабки манба ҳамдир. Бироқ жонзодлар «жамияти»нинг энг кичик ячейкасини «оила» эмас, «уя», «ин» атамалари билан номланади. «**Қуш уясида кўрганини қилади**» мақоли ھاётни чуқур ва мукамал ўрганган донишманд халқимиз томонидан беасос айтилмаган. Қарға ини қарғанинг, булбулнинг ини булбулнинг «оиласи» дир. Қарға боласининг ўз ини-оиласида илк бор эшитган «тили» «**ғақ-ғақ**» бўлса, булбулники – «**чаъ-чаъ**». Булбул инидан ھеч вақт «**ғақ-ғақ**» эшитилмагани каби, қарға уясида ҳам «**чаъ-чаъ**» эшитилмайди. Наинки қуш ва бошқа жонзодлар, балки инсон боласи ҳам шундай. Боланинг тарбиясида, тил тарбиясида оила мутлақ ھал қилувчи аҳамиятга эга. Бунга қўъна тарихда ишонарли далиллар анча. Қайковуснинг ўз авлодларига қилган насиҳатларидан бирида шундай маънони ўқиш мумкин: «*Агар янги туғилган гўдакни одамлардан алоҳида жойда гапирмасдан боқиб, тарбияланса, у тилсиз кимса бўлиб улғаяди*».

Бу ھолатларнинг ھاқиқат эканлигига ишониш ва ишонтириш учун тарихда кўплаб тажрибалар ўтказилган. Шулардан бири 1705-йили Парижда нашр этилган ва таржимаси «**Мўғуллар империясининг умумий тарихи**» деб номланган китобда **Акбаршоъ** томонидан ўтказилган бир тажриба ھاқида ривоят қилинади. Акбаршоъни туғилганидан бошлаб оиладан ажратиб «тарбияланган» боланинг қайси тилда гапириши масаласи қизиқтиради. Ана шу мақсадда шоъ янги туғилган ўн икки гўдакни

оиласидан, онасидан ажратиб, **Аградан** олти мил узоқликда махсус тайёрланган жойдаги ўн икки соқов энага тарбиясига топширади. Болалар ўн икки ёшгача шу ерда соқов энагалар кўлида тарбияланади. Уларнинг қайси миллат тилида гапиришларини билиш учун турли мамлакатлардан нар хил тил жамоасига мансуб донишмандлар чақирилади. Бироқ кузатишдан маълум бўладики, болалар энагаларидан ўрганган имо-ишоралардан бошқа нарсани билмаганлар.

Шунга ўхшаш воқеа бош қаърамони **Тарзан** бўлган «**Мутлақ њукмронлик**» фильмида ҳам мавжуд. Англиялик эр-хотин кема њалокатидан омон қолгач, уларнинг њаёти жунглида давом этади. Шу ерда улар фарзандли бўладилар. Бироқ ота маймунлар њужумидан, она эса касалланиб вафот этади. Чақалоқ маймунлар кўлида «маймунона» тарбиялана бошлайди. Инсоний њаракат ва инсоний «тил»дан мутлақо четда бўлади. Одамлар даврасига тушганда, у инсоний њаётга кўника олмайди, атиги уч-тўрт инглизча сўз ўрганиб-ўрганмай, яна маймунлар њузурига қочиб кетади...

Оилада боланинг «тили» онанинг юрак кўридан чиққан «тили»ни мурғак қалби билан эшитишдан бошланади. Дастлабки бу сеърли тил – **Она алласи!** Олимлар томонидан олиб борилган кузатишлардан маълум бўлишича, гўдак лексикасидаги дастлабки луғавий бирлик *ота* ва *она* экан. Боланинг ярим ёшлиги атрофида ўрганган 10-12 та сўзи – уни кўршаган нарса-њодисаларга тақлидан пайдо қилган маъносиз товушлар комплекси бўларкан. Бола мияси биологик ривожлана бориб, унда сўз маъноларини фарқлаш малакаси пайдо бўла бошлайди. Бола 2 ёшга етганда, унинг лексиконида она тилининг тахминан 300, 3 ёшга етганда, 1000, 4 ёшга етганда, 2000 атрофида луғавий бирлиги шаклланар экан.

Хуллас, боланинг дастлабки илк тил малакаси, дунёни ўз она тили воситасида миллий њис этиши оиладан бошланади. Немис донишманди Вильгельм фон Гумбольдт тўғри айтган: «**Тилларнинг турли хиллиги товушларнинг турли хиллиги билан эмас, дунёни кўриш ва сезишдаги нар хиллик биландир**». Дарњақикат, нар бир этник жамоа дунёни она тили воситасида ўзича њис қилади. Шу боис ҳам нар бир миллатнинг, халқнинг дунёни идрок этиши нар хил бўлиб, ўзаро фарқ қилади. Бу фарқ, энг аввало, улар тилининг нар хиллигидадир. Зеро, тил дунёни кўриш, билиш, идрок этиш воситаси характеридаги руњий, эстетик њодиса њисобланади.

Инсон боласининг бошқа иккинчи тилни билиши мањалладан, боғчадан сўнгра мактабдан бошланади. Мањаллада нар хил этник жамоага мансуб ањоли вакиллари яшаса, бола ўша этник жамоа болалари билан бирга ўйнаб, уларнинг тилини тез ўрганади, натижада унинг нутқий фаолиятида икки ва кўп тиллилик малакаси шаклланади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида ўзининг ёройиб глоттогония назарияси билан машњур бўлган академик Н.Я.Маррнинг болалигини эслаш кифоя. У ўсган мањаллада рус, турк, татар, грузин, арман ва б.этник гуруњларга мансуб ањоли вакиллари яшашган. Олим ёшлигиданоқ шу этник гуруњлар тилини бевосита ўрганган. Бу унинг

кейинги касбий фаолиятида кўл келган. У 40 дан ортиқ тилни ҳам амалий, ҳам назарий билган полиглот бўлган.

Мактаб ёшигача бўлган болалар икки тиллилиги «табиий» бўлиб, катта ёшдагиларникидан фарқ қилади. Болаликда шаклланган икки тиллилик тилнинг грамматик қонун-қоидалари таъсирдан холи бўлади. Шуниси ҳам борки, оила ва маъаллада шаклланган икки тиллилик хотирада узоқ, ھатто умрбод сақланади.

Бошқа иккинчи ва ھ.к тилларни бевосита ўрганиш кўп миллатли шароитда болалар боғчасида ривож топиб, мустаھкамланади. Мактаб таълимида эса, у иккинчи тилни илмий-меъерий режада ўрганади. Шу тарзда икки ва кўп тиллилик такомиллашиб, шахс билингв ва полилингва айланади. Буларнинг барчасида **она тили** пойдевор (фундамент) бўлиб хизмат қилади. Она тилини яхши ва мукамал билмаган, унинг лисоний қонун-қоидаларини меъерий ўзлаштирмаган одам иккинчи ва учинчи тилни ўрганишда қийинчилик сезади, баъзан уни ўргана олмайди. Чунки ўзга тилни ўрганишда уни она тили ва унинг қонун-қоидаларига қиёслаш муھим омилардан ھисобланади. Масалан, ўрта умумтаълимда чет тили ҳам ўқув режасидаги асосий предметлардан бири ھисобланади. Таълим жараёнида бола (ўқувчи) ўз она тили грамматик қонун-қоидаларини бошланғич синфдан бошлаб назарий ва амалий планларда ўргана бошлайди. Чет тилини ўрганишдаги дастлабки мақсад ўқувчи хотирасида ўша тилнинг минимум лўғат бойлигини шакллантиришга қаратилади. Бу мақсад чет тили сўзларига она тилидан муносиб лўғавий муқобилларни топиш йўли билан амалга оширилади. Ўқувчида ўрганилаётган чет тилининг минимум лўғат бойлиги шакллангач, унинг грамматик қонун-қоидалари ھақида маълумот беришга ўтилади. Бу жараён ҳам ўқувчининг она тили грамматик қонун-қоидалари заминида унга қиёсан амалга ошади. Чунки ўқувчида ўз тилининг грамматик қонун-қоидалари бўйича меъерий билим шаклланмаса, у ўзга тилнинг грамматик қонун-қоидаларини ўзлаштира олмайди.

Тилни билиш ва ўрганиш оила, маъалла, таълим масканлари ва уларнинг босқичлари билан мутаносиб боғлиқ бўлиши тилнинг ижтимоий ھодиса эканлигини исботловчи яна бир далилдир.

5-§. Тил – семиотик ھодиса сифатида

Тил инсонга хос, унинг коммуникатив эътиёжи учун хизмат қилувчи ھодисадир. Коммуникатив эътиёж учун хизмат қилиши тилнинг чин маънодаги табиатини белгилай олмайди. Бу унинг вазифаларидан биридир, холос. Ҳар бир ھодиса унинг ўзига хос хусусияти билан тавсифланади. Тилнинг ҳам ижтимоий ھодисаларнинг бошқаларидан фарқловчи ўз хусусияти мавжуд. Бу унинг семиотикага алоқадор томонидир. Семиотика ҳам фан. Бу фан ишораларни (рамзларни) ўрганади. Демак, семиотиканинг фан сифатида ўрганадиган асосий бирлиги—бу ишора, рамздор, Уни «белги»

њам дейилади. **Ишора, рамз, белги** – семиотика ўрганадиган айни бир њодисанинг дублет характеридаги атамаларидир.

Тилнинг ишоралик хусусияти фанда француз ва швейцар тилшуноси Фердинанд де Соссюр томонидан расмийлаштирилган. Ишора деганда, сезги органларимиз томонидан тасаввур этиладиган (кўринадиган, эшитиладиган, тери сезгиси орќали њис этиладиган) ва ниманидир англатадиган образлар, тимсоллар тушунилади. Ишора ниманидир ёдга солувчи, эслатувчи «сигнал»дир. Шунинг учун ишорада тасаввур этиладиган «шаклий» ва англашиладиган «маъно» томони бўлади. Бу икки томон ўзаро диалектик алоќада иш кўради.

Тилдаги сўзлар њам, морфемалар њам, сўз бирикмалари њам ишораларга ўхшайди. Товуш ва товушлар бирикмасидан иборат бўлиши тилнинг сўз, морфема, сўз бирикмаси ва гап сингари бирликларининг шаклий томони саналса, ниманидир билдириши маъно томони саналади. Бу икки томон бир бутунликда тил бирликларининг моњиятини, амалини белгилайди. Тилни унинг юќорида саналган бирликлари ташќил ќилар экан, уларга хос шаклий ва маъновий томонлар тилнинг ўзига њам тегишли њусусиятдир. Шу асосда тилни семиотикага алоќадор њодиса деб ќаралади. Шу ўринда рус тилшуноси В.А.Звегинцевнинг тилга берган куйидаги таърифини келтириш маќсадга мувофиќдир. Унинг эътироф этишича, тил ишоралар тизими, бир ишорадан бошќа ишораларнинг њосил бўлиши кунун-ќоидаларини ўз ичига олган мураккаб системадир. Хуллас, тил ишоралар тизимидан ташќил топганлиги жињатидан семиотикага алоќадор ижтимоий њодисадир.

6-§. Социолингвистиканинг лингвистик тармоќ сифатида пайдо бўлиш асослари

Тил ички ва ташќи томонлара эга мураккаб њодисадир. Унинг ички томонини соф лингвистика фани ўрганади. Уни интралингвистика ёки имманент тилшунослик дейилади. Тил ва унинг кўрилиши билан алоќадор барча хусусиятлар тилнинг ички томонидир. Тилнинг тил жамоаси, жамият билан алоќадор томонлари унинг ташќи томони саналади. Тилнинг ташќи томонига унинг нолисоний жињатлари киради ва ташќи тилшунослик томонидан ўрганилади. Ташќи тилшуносликни макролингвистика ёхуд экстралингвистика њам дейилади.

Социолингвистика ташќи тилшуносликка (макролингвистика ёки экстралингвистикага) ќарашли мустаќил тармоќлардан биридир. Ташќи тилшуносликнинг, социолингвистикадан ташќари, психолингвистика, менталингвистика ва этнолингвистика деб аталувчи бошќа тармоќлари њам бор.

Социолингвистика лингвистиканинг алоњида, мустаќил тармоѓи сифатида шаклланишига ќадар унга алоќадор масалалар «Умумий тилшунослик»нинг «Тил ва жамият» деб номланган баъсида (бўлимида) ўрганилар эди.

Социолингвистикага тилшунослик циклидаги алоҳида предмет сифатида ёндошув ўтган асрнинг 70-йилларидан кейин бошланди. Бу даврда дунёнинг бир неча мамлакатларида социолингвистика масалаларига бағишланган бир қатор халқаро анжуманлар ўтказилди. 1972-йилда Болоньёда бўлиб ўтган XI халқаро лингвистик, 1974-йилда Торонтода ўтказилган У111 умумжаъон социологик, 1977-йилда Венада ўтказилган XII халқаро лингвистик конгресслар кун тартибининг асосини социолингвистик муаммолар ташкил этганди.

Собиқ Шўролар даврида социолингвистиканинг бир қатор назарий ва амалий масалаларига бағишланган монография ва ўқув кўлланмалари нашр этилди. Хусусан, В.А.Аврорининг 1975-йили Ленинграднинг «Наука» нашриётида «Проблемы изучения функциональной стороны языка. К вопросу о предмете социолингвистики»; Л.Б. Николскийнинг 1976-йили Москвада нашр этилган «Синхронная социолингвистика. Теория и проблемы»; А.Д. Швейцернинг «Современная социолингвистика. Теория, проблема, методы» (Москва, 1976), Ю.Д. Дешериевнинг 1977-йили Москванинг «Наука» матбаасида нашр этилган «Социальная лингвистика. К основам общей теории» номли асарлари шулар жумласига киради.

Нашр этилган юқоридаги монографияларнинг назарий масалаларига асосланган ҳолда, университет ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун дарслик ва ўқув кўлланмалари ҳам ёзилиб, чоп этилди. А.Д.Швейцер ва Л.Б.Николскийларнинг «Введение в социолингвистику» (-Москва: «Высшая школа», 1978); В.Д.Бондалетовнинг «Социальная лингвистика» (-М.: «Просвещение», 1987) сингари китоблари ана шундай тавсифга эга. Булардан ташқари, Р.А.Будаговнинг «Человек и его язык» (-М: МГУ, 1976), «Что такое развитие и совершенствование языка?»(-М.: «Наука», 1977), «Язык—реальность—язык» (-М.: «Наука», 1983); Г.В. Степановнинг «Типология языковых состояний и ситуаций в странах романской речи» (-М.: «Наука», 1976); М.И.Исаевнинг «Языковое строительство в СССР» (-М.: «Наука», 1979); В.К Журавлёвнинг «Внешние и внутренние факторы языковой эволюции» (-М.: «Наука», 1981); П.Ф.Филиннинг «Очерки по теории языкознания» (-М.: «Наука», 1982) номли асарларида ҳам социолингвистиканинг баъзи муҳим масалалари ёритилган. СССР Фанлар академияси Тилшунослик институти томонидан «Влияние социальных факторов на функционирование и развитие языка» номи билан нашр этилган монографик мажмуада (-М., 1988) ҳам бу муҳим тармоқнинг замонавий долзарб масалалари ҳақида сўз юритилади.

СССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўйича илмий информация тарқатувчи Институти (**Институт научной информации по общественным наукам**) 1973-йилдан «СССРда ижтимоий фанлар» («Общественные науки в СССР») номи билан **Рефератив журнал** нашр эта бошлаган. Унинг **6-серияси** тилшунослик масалаларига бағишланган. Рефератив журналнинг баъсларидан бири **социолингвистика** бўлиб, унда мамлакат(СССР)да амалга оширилган социолингвистик тадқиқотлар обзори бериб борилар эди.

Социоллингвистика тилшунослик фани циклидаги мустақил предмет сифатида университет ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқув режасига ҳам киритила бошланди. Бу предмет дастлаб дунёнинг ривожланган мамлакатлари олий ўқув юртларида ўқитилган бўлса, кейинчалик, хусусан, асримизнинг биринчи ўн йили ичида дунёнинг бошқа мамлакатлари, шу жумладан, бизнинг Республикамизнинг филологик ихтисос берадиган олий ўқув юртлари ўқув режасига ҳам киритилди.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, социоллингвистика--тилшунослик фани доирасидаги энг «ёш» предмет. Уни тилшуносликнинг «чақалоқ набираси» дейиш мумкин. Шу боис бу фаннинг стабиллашган муштарак дастури ҳам, дарслиги ҳам яратилмаган. Чунки социоллингвистиканинг мустақил фан сифатидаги масалаларида ھозирча бир хиллик йўқ. Шунга қарамай, олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабаларига унинг алоҳида фан сифатидаги вазифаси ва моҳияти, асосий тушунчалари бўйича муқимлашган маълумотлар бериш кўзда тутилади.

7-§. Тилшуносликда социоллингвистик йўналишнинг пайдо бўлиши

Юқорида ҳам айтилганидек, социоллингвистика--тилшуносликнинг энг ёш тармоғи. Бу тармоқни номловчи атама, яъни **социоллингвистика** термин сифатида ўтган асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Уни 1952-йили Америка тадқиқотчиси Х.Карри тавсия этган.

Социоллингвистика тилшуносликнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланга қадар унинг объекти масаласида ھар хил қарашлар ھуқм сурди. Чунки социоллингвистиканинг асосий масалалари жамият ва унинг сиёсий ҳамда иқтисодий шарт-шароитлари билан боғланади. Бир мамлакат жамияти бошқа мамлакат жамиятидан фарқланувчи ўз давлати, унинг сиёсий тузуми ва мафқурасига эга бўлади. Шу сабабли социоллингвистикага турли жамиятда турлича тус берилади. Зеро, социоллингвистика ўрганадиган асосий масалалар синфий ва мафқуравий характерга эга бўлади. Шўролар даврида социоллингвистиканинг асосий масалаларига марксча-ленинча диалектика нуқтаи назаридан ёндошилган. Унинг масалалари моҳиятан Шўролар давлатининг мафқурасига мослаштирилган ھолда талқин этилган. Социоллингвистика тил фанининг Коммунистик партиянинг сиёсий қарашлари таъсиридаги тармоғи сифатида қаралган. Шу боис социоллингвистиканинг объекти масаласида номуштарак ھар хилликлар ھуқм сурган.

О.С.Ахманованинг «Лингвистик атамалар луғати»да («Словарь лингвистических терминов». –М., 1969) тилшуносликдаги бу ёш тармоқ «**социологик лингвистика**» ва «**социоллингвистика**» атамалари билан номланиб, икки хил талқин этилган, Чунончи:

1) тилшуносликнинг тил билан жамият ва унинг ھаётида содир бўлувчи қонуний ўзгаришлар алоқасини ўрганувчи тармоғи;

2) тилшуносликнинг тилнинг ʼудудий шакллари, яъни тилларнинг ижтимоий фарқланишини ʼрганувчи тармоғи.

Социолингвистикага берилган ушбу талқиннинг ʼзиданоқ унинг объекти масаласидаги ноаниқликни сезса бўлади. Айниқса, социолингвистиканинг лугатда қайд этилган иккинчи талқинида унинг объектига дахлсиз бошқа нарса ʼақида гапирилган. Негаки тилнинг худудий шакллари лаъжа ва шева атамалари англатадиган лисоний тушунчалар саналиб, тилшунослик циклига қарашли **д и л е к т о л о г и я** нинг ʼрганиш объекти саналади. Тўғри. социололингвистиканинг диалектология ʼрганадиган ʼудудий тиллар билан ʼам алоқаси бор, албатта. Бироқ социолингвистикада умумхалқ тилининг ʼудудий шакллари эмас, балки ʼудудий шева ва лаъжаларнинг умумхалқ адабий тили билан муносабатдошлиги масалалари ʼрганилади.

Хуллас, социолингвистиканинг тил илмидаги «чақалоқ» тармоқ эканлиги унинг объектини белгилаш масаласидаги ʼар хилликлар билан ʼам далилланади.

8-ʼ. Социолингвистиканинг асосий масалалари ва тушунчалари

Социолингвистика объектига дахлдор тушунчалардан бири «**тил жамоаси**»дир. «**Тил жамоаси**» деганда маълум бир тилда сўзлашувчи, унга эгалик қилувчи омма тушунилади.

Бу атама кенг ва тор маъноларда ишлатилади. У тор маънода муайян бир давлат ёхуд миллатни ʼз ичига олади.. «Тил жамоаси»ни бу тарзда тушуниш хорижий, аниқроғи, ғарб социолингвистлари учун хос. «Тил жамоаси» атамаси кенг маънода турли хил ʼудудий гуруҳларни, аниқроғи, лаъжа ва шевада гаплашувчиларни, касб-ʼунар эгаларини, арго ва жаргонда мулоқот қилувчилар гуруҳини, илм-фан соъаси соъибларини ʼам англатади.

«Тил жамоаси»нинг кенг маънода тушунилиши социолингвистиканинг ʼрганиш объекти саналади.

Бир давлат ёки мамлакатда бири бошқасидан лисони ёхуд унинг айрим унсурлари тизими фарқ қилувчи бир неча тил жамоалари бўлиши мумкин. Масалан, бизнинг Республика--кўп миллатли мамлакат. Унда тожик, ʼзбек, рус, қирғиз ва ʼ.к. миллатларга хос тил жамоалари мавжуд. Шулардан тожик тил жамоаси етакчи ʼисобланади. Чунки бу тил жамоаси Тожикистон давлатининг «миллий»лик моъиятини ʼзида акс эттиради.

ʼар бир тил жамоаси ʼзининг ягона ижтимоий-коммуникатив тизими ёхуд тагтизимларига эга бўлади.

Социолингвистика, юқорида ʼам айтилганидек, тилшунослик ва жамиятшунослик оралиғида пайдо бўлган фаннинг мустақил соъасидир. ʼар бир мустақил фаннинг «мустақиллиги»ни белгиловчи бир қатор муаммолари бўлади. Бундай муаммолар социолингвистикада ʼам мавжуд. Уларга, шу соъа мутахассисларининг фикрига кўра, қуйидагилар қиради.

1. Тил қурилишининг ижтимоий шарт-шароитлар билан муносабати, муайян ижтимоий шароитда тилнинг жамиятга, жамиятнинг тилга таъсири масаласини ўрганиш.
2. Тилнинг ижтимоий функцияси, унинг тил тараққиётининг муайян босқичларидаги ҳолати ва конкрет функцияга киришуви.
3. Тилнинг вазифавий кўринишлари, адабий тил ва унинг ноадабий шакллари, оддий сўзлашув шакли, ھудудий ва ижтимоий лаъжалар (диалектлар), шунингдек, тилнинг бошқа вазифавий шаклларини ўрганиш.
4. Тил вазифавий тармоқларининг асосий типлари: ижтимоий, услубий-вазифавий, ھудудий типлар; бундай тармоқланишнинг ижтимоий-лисоний асослари; унинг ижтимоий кўлами ва нутқ ситуацияси (вазияти).
5. Ижтимоий-коммуникатив тизим ва унинг узвий қисмлари (компонентлари). Тил вазиятининг социолингвистика объектларидан бири эканлиги. Билингвизм (икки тиллилик), полилингвизм (кўп тиллилик) ва диглоссия ҳодисалари.
6. Тил тараққиётининг ижтимоий шартланиши. Ҳар хил ижтимоий-тарихий формацияларда тилнинг ижтимоий типлари (тилнинг уруғ тили, қабилла тили, элат ва халқ тили, миллий тил, миллатлараро тил, воситачи тил, койне сингари шакллари).

9-§. Тил контакти ҳақида маълумот

Социолингвистика ўрганадиган асосий масалалардан бири «тил контакти» тушунчасидир. Контакт лотинча «**contactiss**» сўзидан олинган, «**бевосита алоқа**», «**бевосита боғланиш**» маъноларини билдиради.

«Тил контакти» атамаси фанга француз тилшуноси Андре Мартине томонидан олиб кирилган. Уриэл Вайнрайх уни социолингвистик тушунча атамаси сифатида оммалаштирган. Тил контакти тилнинг амали билан боғлиқ тушунчадир.

Тил контактининг тилнинг амали билан боғлиқлиги шундаки, у нутқий жараёнда содир бўлади. Маълумки, нутқий жараённинг асосини мулоқот ташкил қилади. Мулоқот икки шахс ўртасидаги фикр алмашинувдир. Мулоқот жараёнининг иштирокчиларидан бирини сўзловчи, иккинчисини тингловчи дейилади.

Сўзловчи фан тили билан **адресант**, тингловчи эса **адресат** дейилади. Фикр сўзловчи-адресант томонидан тил ашёлари воситасида узатилади. У (фикр) тингловчи-адресат томонидан қабул қилинади. Ана шу жараённи мулоқот дейилади. Бу жараён индивидуал-психик характерда бўлади. Тилнинг психик ҳодиса характери ҳам нутқ, нутқ фаолияти орқали белгиланади.

Сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресат бир тил жамоаси вакиллари бўлса, мулоқотда тил контакти бўлмайди. Мулоқотнинг тил контактига асосланиши учун сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресат ҳар хил тил жамоаларига қарашли бўлиши шарт. Бундан ташқари, тингловчи-адресант тингловчи-адресат мансуб бўлган, тингловчи-адресат сўзловчи-адресант мансуб бўлган

жамоанинг тилини билиши, албатта, зарур. Акс Ҳолда, тил контакти вужудга келмайди. Масалан, тожик тил жамоасига мансуб бирор-бир шахс билан ўзбек тил жамоасига мансуб бирор-бир шахс мулоқотга киришадиган бўлса, мулоқот воситаси вазифасини ё ўзбек тили, ё тожик тили бажариши керак. Шунинг учун сўзловчи-адресант ўзбек тил жамоасига мансуб бўлса, у тожик тилидан ҳам яхши хабардор бўлиши керак. Сўзловчи-адресант тожик тил жамоасига мансуб бўлса, у ўзбек тилини ҳам яхши билиши керак. Шунинг учун мулоқот тил контактига асосланиши учун, мулоқотга киришувчи шахслар ўз тилидан ташқари, мулоқот воситасига айланувчи ўзга тилни ҳам билиши зарур. Мулоқот воситаси вазифасини бажарган тилни **контакт тил** дейилади. Тожик ва ўзбек тил жамоаларига мансуб икки шахснинг мулоқоти ўзбек тилида олиб борилса, ўзбек тили **контакт тил** Ҳисобланади; тожик тилида олиб борилса, тожик тили **контакт тил** вазифасини бажаради.

Борди-ю, сўзловчи-адресант тингловчи-адресатга қарашли бўлган, тингловчи-адресат сўзловчи-адресантга қарашли бўлган жамоанинг тилини билмаса, унда мулоқот воситаси вазифаси учинчи бошқа бир тил зиммасига юкланади. Мулоқот воситаси вазифасини бажарган ва сўзловчи-адресант ҳам, тингловчи-адресат ҳам мансуб бўлмаган учинчи бошқа тилни **воситачи тил** дейилади. Масалан, тожик ва ўзбек тил жамоаларига мансуб икки шахснинг мулоқоти рус ёки инглиз тилида амалга ошса, рус ёки инглиз тили **воситачи тил** Ҳисобланади.

Тил контакти учун икки ёки уч Ҳар хил тил жамоасининг бир умумий Ҳудудда яшаши шарт эмас. Икки ёки уч тил жамоаларининг бир умумий Ҳудудда яшашига асосланган тил контакти бевосита амалга ошади. Ўзаро Ҳудудий яқин бўлмаган тил жамоалари орасидаги тил контакти одатда ўрта, ўрта махсус ва олий таълим жараёнларида ўқувчи ва студентларнинг бирор-бир чет тилни ўрганиши орқали вужудга келади. Масалан, турли босқичдаги таълим масканларида ўқувчи ёки талабаларнинг инглиз, немис, француз, испан, араб ёки хитой тилларидан бирини ўрганиш орқали вужудга келган тил контакти ана шундай характер касб этади. Яна: ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган кўп миқдордаги сўзлар эвазига ўзбек-араб тил контакти вужудга келган. Бу тил контакти ҳам диний таълим ва форс-тожик тили воситасида пайдо бўлган.

Тиллар контакти туфайли **субстрат** деб аталувчи лисоний вазият пайдо бўлиши мумкин. Бу атама латин тилига қарашли бўлиб, «**таг**» маъносидаги «**sub**» ва «**қатлам**» маъносидаги «**stratum**» сўзларидан ташкил топган. Субстрат туфайли бир тил бошқа бир тил томонидан «зўровонлик билан» сиқиб чиқарилади. Бу жараён кўпроқ ижтимоий мавқеда фарқ қилувчи икки этник жамоа муносабатида рўй беради: ижтимоий мавқеи устун аъоли тили ё ижтимоий мавқе тобе этник жамоанинг, ё ижтимоий мавқеи тобе этник жамоа тили ижтимоий мавқеи устун этник жамоа тили томонидан «чекланади». Бунда «ғолиб» этник жамоа тили «мағлуб» этник жамоанинг ҳам асосий тилига айланади.

10-§. Тил контакти тушунчасининг кенг ва тор

маънолардаги талқини

«Тил контакти» социолингвистиканинг асосий тушунчаси сифатида тор ва кенг маънолардаги талқинга эга. Тил контакти атамаси кенг маънода уқилганда, мулоқот воситаси вазифасини икки мустақил тилдан ташқари, бир тил доирасидаги икки шева ҳам бажаради. Яъни сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресатлар умумхалқ тилининг ҳар хил шевасига мансуб шахслар бўлади. Масалан, ўзбек тилининг «ж»ловчи шевасига мансуб шахс билан унинг «й»ловчи шевасига мансуб шахснинг ўзаро мулоқотига ё «ж»ловчи шева, ёки «й»ловчи шева материаллари восита вазифасини бажариши мумкин. Мулоқот «ж»ловчи шевада амалга ошса, «ж»ловчи шева **контакт шева** ҳисобланади; «й»ловчи шевада амалга ошса, **контакт шева** вазифаси «й»ловчи шева зиммасига тушади. Бундан ташқари, шахснинг адабий тил, ё шу адабий тилга қарашли бирор-бир шева воситасидаги мулоқоти ҳам кенг маънодаги тил контактига мисол бўлади.

«Тил контакти» атамаси тор маънода қаралганда, мулоқотнинг икки ҳар хил миллий тил амалидаги шакли тушунилади.

Социолингвистика учун «тил контакти» тушунчасининг тор маънодаги шакли кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. Чунки бу жараёнда шевалар эмас, балки миллий тиллар алоқага киришади. Бир миллий тил иккинчи миллий тилга нимаси биландир таъсир қилади. Бу жараён фонетик, луғавий ва грамматик қурилишда фарқ қилувчи бирор-бир тилнинг лисоний воситалари воситасида амалга ошади. «Контакт»нинг бир тил доирасидаги шевалараро амалга ошишида «таъсирдошлик» бир тил доирасидаги лисоний унсурлар билан чекланади.

11-§. Тил контактининг турлари

Турли тилларнинг мулоқот воситасига айланиши билан боғлиқ хусусиятлар ҳам мураккаб социолингвистик ҳодисалар ҳисобланади. Бу жараёнда бир тил иккинчи тилга (*ёхуд «контактлашаётган» ҳар икки тил ўзаро*) турли даражада таъсир қилади. Шу боис тиллар контакти туфайли турли характердаги натижалар кўзга ташланади. Бу хусусият асосида тиллар контактининг ҳар хил тур ва қўринишлари белгиланади.

Социолингвистик характердаги илмий манбаларда тил контактининг икки асосий тури қайд этилади:

1) проксимал тил контакти;

2) дисталь тил контакти.

1. Проксимал тил контакти.

Тил контактининг проксимал шакли одатда этник жиҳатдан фарқ қилувчи ҳар хил тил жамоаларини уюштирган қўп миллатли мамлакат ёки давлатларда амал қилади. Бундай мамлакат ёхуд давлатларда икки тиллилик(билингвизм) ёхуд қўп тиллилик (полилингвизм) шароити ҳукм

суради. Проксимал тил контактида фонетик, луғавий ва грамматик тизими фарқ қилувчи икки ёки ундан ортиқ тил вакиллари ўз она тили билан бир қаторда, қўшни бошқа этник жамоанинг тилини ҳам ўзлаштирган бўлади. Мулоқот шахсининг ўз она тили ва ўзга тил воситасида амалга ошаверади. Проксимал тил контактига Тожикистондаги ўзбек ва тожик, тожик ва ўзбек, рус ва тожик, тожик ва рус, ўзбек ва рус, рус ва ўзбек, шунингдек, шу характердаги бошқа икки тилликларга асосланган мулоқот шакллари мисол бўла олади.

Проксимал тил контакти туфайли бир тилдан бошқа тилга лисоний бирликлар ўзлашишидан ташқари, бир тилнинг таъсирида бошқа тилнинг фонетик, грамматик қурилишида модификациялашиш ҳолати содир бўлиши, ҳатто сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янги тил тизими вужудга келиши мумкин.

2. Дисталь тил контакти.

Тил контактининг дисталь шакли одатда ўзаро ҳудуддош бўлмаган этник жамоаларининг тиллари муносабатига асосланади. Тил контактининг бу шакли турли этник жамоа тилларининг бевосита алоқада бўлмаган ҳолатларида амал қилади. Шунинг учун дисталь тил контакти бир тиллилик шароити учун хос хусусиятдир. Бу жараёнда бир тилдан бошқа тилга лисоний бирликлар (одатда сўзлар) ўзлашади, холос. Масалан, ўзбек ва араб, ўзбек ва хитой, ўзбек ва мўғул тиллари муносабатида тил контактининг дисталь шакли амал қилган. Чунки ўзбек тили луғат таркибида хитой, мўғул, араб тилига хос луғавий ўзлашмалар учрайди. Айниқса, араб луғавий ўзлашмалари ўзбек тили лексикасида катта салмоқли қатламни ташкил қилади. Уларнинг қўпи ҳозирги ўзбек тилининг ўз лисоний мулкига айланган.

Араб луғавий ўзлашмалари ўзбек тили сўз ясалиши жараёнларида ҳам фаол иштирок этиб, ўзбек тили луғат таркибининг бойишига иккинчи марта самарали хизмат қилаётир. Бироқ Ўзбекистонда ёки иккинчи маҳаллий аҳолиси ўзбеклар бўлган Тожикистон, Қирғизистон ёки Қозоқистонда «ўзбек ва араб» ёки «араб ва ўзбек» икки тиллиги мавжуд эмас. Бундай характердаги икки тиллиликка имкон яратувчи тил вазияти ҳам йўқ.

Тил контактининг бу икки туридан ташқари, унинг замон ва макон умумийлигига қўра фарқланувчи яна икки тури ҳам мавжуд. Улар:

- а) бевосита тил контакти;
- б) билвосита тил контакти.

1. Бевосита тил контакти.

Бевосита тил контакти ҳар хил тил жамоасига мансуб шахсларнинг юзма-юз мулоқотига асосланади. Юзма-юз мулоқот жараёнида амалга ошган мулоқот макон ва замон умумийлигига эга бўлади: адресант ва адресант юзма-юз мулоқотда бўлади. Бевосита тил контакти фақат нутқнинг оғзаки шаклига асосланади.

2. Билвосита тил контакти.

Билвосита тил контактида ҳар хил тил жамоасига мансуб икки шахсининг мулоқоти ё телефон, ё интернетга қўшилган компьютер воситасида амалга

ошади. Бунда мулоқотга киришаётган шахслардан бирининг тили контакт тил вазифасини бажаради. Мулоқотга киришаётган шахслар макон умумийлигига эга бўлмайди.

Билвосита тил контакти икки шаклда амалга ошади:

а) оғзаки;

б) ёзма.

Билвосита контактнинг оғзаки шакли телефон ёки интернет тармоғи орқали амалга ошади. Ёзма шакли эса, мактуб, телеграмма, телефакс, интернетдаги «билдириш»(сообщение) воситаларида амалга ошади. Ёзма мулоқотда адресант (ёзувчи) ўз мақсадини батафсил билдирмоқчи бўлса, мактубдан фойдаланади. Шунчаки хабар характерида бўлса, у телеграмма, факс ёки телефон воситасида амалга оширилади.

Ўзирги вақтда билвосита мулоқотнинг оғзаки шакли фаолроқ бўлиб, асосан мобиль телефонларидан кенг кўламда фойдаланилади. Бунда восита тил вазифасини мулоқотга киришаётган шахслардан бири мансуб бўлган тил бажариши мумкин.

12-§. Тил контакти туфайли вужудга келувчи социолингвистик ھодисалар

Турли этник жамоа тилларининг коммуникация жараёнидаги навбатманавбат амали тил контактига шарт-шароит яратар экан, бунинг оқибатида этник жамоа тилларида ھар хил сифат ўзгаришлари вужудга келади. Этник жамоа тилларида юз берувчи бундай сифат ўзгаришлари социолингвистика ўрганадиган муھим масалалардан бири ھисобланади. Лисоний контактлашув натижасида муносабатдош тиллар ўзаро узоқлашиши ёки яқинлашиши мумкин. Контактдош тиллараро узоқлашиш «**дивергенция**», яқинлашиш эса, «**конвергенция**» дейилади.

Контактлашган тиллардан бирида содир бўлувчи узоқлашиш (дивергенция) натижасида тиллардан бири бошқасининг таркибига сингишиб, ўзининг коммуникатив амалини сусайтира бориб, йўққа чиқариши мумкин. Бу жараён фан тилида **а с с и м и л я ц и я** дейилади.

Ассимиляция туфайли контактдаги тиллардан бири бошқасининг таркибига сингишиб «ютиб юборилиши» ھам мумкин. Ўзаро контактдаги тиллардан бирининг бундай шароитни бошдан кечириши **дивергенция** туфайли юз беради. Тарихдан, илмий манбаалардан маълум бўлишича, қадимги Хоразмда эрон тилларига мансуб лисонда сўзлашувчи этник жамоа (халқ) бўлган. Бу жамоа тили шу ўлка номи билан «**хоразмий**» тили деб аталган. Ўзир Хоразмда бу тил йўқ. У ўзбек тили билан контактлаша бориб, луғавий ва грамматик қурилишидан бора-бора узоқлашган ва ўзбек тилининг таркибига сингишиб кетган, ассимиляциялашган. Бу ھақда Абурайъон Беруний асарларида ھам маълумот берилган (Абурайъон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент, 1968).

Дивергенция, яъни контактдаги тиллардан бирининг бошқаси таркибига сингишиб, «ассимиляциялашуви» славян тилларида ҳам учрайди. Масалан, қадимда рус, белорус ва украинлар орасида ўз мустақил лисонига эга бўлган **мурома, чудь, торк, қора клобук** сингари майда этник гуруҳлар бўлган. Шу халқлар билан бир ھудудда яшаб, шулар тилида мулоқот қила бориши натижасида, уларнинг тиллари рус, белорус ва украин тиллари таркибига сингишиб, ассимиляциялашиб кетган (Леонтьев А.А. Что такое язык. –М., 1976. 26-бет).

Конвергенция туфайли, юқорида ҳам айтилганидек, икки ёки ундан ортиқ қариндош ва қариндош бўлмаган тилларга хос айрим лисоний хусусиятлар ўзаро уйғунлашади, уларнинг ھар бирига хос айрим лисоний хусусиятлар «сўниб», нейтраллашади. Зеро, конвергенция атамаси латин тилидаги «якинлашмоқ», «ўхшаб кетмоқ» маъносидаги «**convergo**» сўзидан олинган.

Конвергенциянинг «**глоттогоник**» ва «**структур-диахроник**» сингари икки тури мавжуд. Глоттогоник конвергенцияда икки ھар хил тилнинг фонологик тизимида айрим муштаракликлар вужудга келади. Масалан, шахслар жинсини фарқловчи «**ов**», «**-ев**», «**-ова**», «**-ева**» сингари кўшимчалар ўзбек тили аффиксал тизимига рус тилидан ўзлашган. Ўзбек тилининг фонемалар тизимида шу кўшимчалар таркибидаги «**-в-**» фонемасининг русча талаффузи йўқ эди. Шу аффикслар ўзбек тилида ҳам расмий лисоний бирликка айлангач, ўзбек тилига хос «**-в-**» фонемасининг талаффузи рус тилидаги шу кўшимчалар таркибига хос «**-в-**» фонемасининг талаффузига мувофиқлашди. Шунингдек, **фабрика, февраль, фарфор** типидagi сўзлар таркибидаги русча «**-ф-**» нинг талаффузига ўзбекча «**-ф-**» фонемасининг талаффузи ҳам мувофиқлашган.

Структур-диахроник конвергенцияда икки ھар хил тилга хос айрим ھодисалардаги лисоний фарқлар тугал барҳам топади. Структур-диахрон конвергенцияга хос жараёнларни «**парадигматик нейтрализация**» ёки «**синхрон нейтрализация**» деб ҳам аталади.

Социолингвистиканинг замонавий тушунчаларидан бири **аттракция** дир. Аттракция «узига жалб қилиш», «таъсир кучини кўрсатиш» маъноларини билдиради. Тилларнинг таъсирдошлиги билан боғлиқ **субстрат, суперстат** ھодисаларининг шарҳида аттракция муъим роль ўйнайди. Масалан, 1066-йили нормандлар Англияни босиб олгач, мамлакат ھудудида **уч тил—инглиз, француз ва лотин** тиллариаро рақобат вужудга келади. Бу жараёнда инглиз тилининг таъсир кучи ёлиб келиб, **аттракторлик** вазифасини бажаради. Шунингдек, тарихда халқаро тил сифатида мусулмон мамлакатларида араб тили, христиан оламида лотин тилининг таъсир кучи сезиларли бўлган, аттракторлик ролини ўйнаган. Юзирги глобаллашув даврида инглиз тилининг таъсири **аттракцион** характер касб этмоқда.

13-§. Икки ва кўп тиллилик социолингвистиканинг муъим масалаларидан бири сифатида

Икки тиллилик деганда бир этник жамоа ёки шу этник жамоага мансуб шахсинг, ўз она тилидан ташқари, ўзга этник жамоа тилида ҳам мулоқот қила олиш имконияти тушунилади. Шунинг учун икки тиллилик инсониятнинг нутқий-коммуникатив эътиёжи учун хизмат қилувчи соф социал, яъни ижтимоий ھодисадир.

Икки тиллилик ҳамда кўп тиллилик--кўп тармоқли мураккаб лисоний жараён. У социологик, фалсафик, психологияк, педагогик ва лингвистик хусусиятларни ўзида мужассам этган кўп қиррали мураккаб ھодисадир. Икки ёки кўп тиллиликнинг тил қурилиши билан боғлиқ томонларигина тилшунослик фанига қарашли бўлади ва у лингвистик ھодиса сифатида ўрганилади. Унинг тил қурилишига тегишли бўлмаган томонлари жамиятшунослик, фалсафа, психология ва педагогика фанлари томонидан ўрганилади.

Икки ёки кўп тиллилик инсоният тарихининг турли этапларида шу этаплар «ижтимоий руھی»га хос хусусиятлар билан характерланувчи тарихий-ижтимоий ھодисадир. Масалан, инсониятнинг ибтидоий коммунизм, қулдорчилик, феодалистик, капиталистик жамиятларига хос икки ёки кўп тиллилик ўзаро фарқ қилади. Шунинг учун икки ёки кўп тиллиликнинг тил қурилишига алоқадор бўлмаган бошқа томонлари синфий ва мафкуравий характер касб этади. Шуниси ҳам борки, икки ёки кўп тиллиликнинг тил қурилиши учун омил бўлган асослари жамиятнинг, тил жамоасининг, маълум бир ижтимоий, сиёсий тузуми билан мутаносиб боғлиқ бўлади. Икки ёки кўп тиллиликнинг тил тизими ва унинг қурилишига тегишли томонлари тил фанининг **социолингвистика** тармоғида ўрганилади.

Социолингвистика мундарижасида икки тиллилик ва кўп тиллилик энг асосий тушунчалардан ھисобланади. Жаъон тилшунослигида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Икки тиллилик жаъоннинг турли мамлакатларида халқаро миқёсда ўтказилган конгресс ва анжуманлар кун тартибининг асосий масаласи сифатида қўрилган. Ослода ўтказилган У111 конгресс, Комбриджеда ўтказилган 1X конгресс бунинг яққол мисолидир. Шунингдек, Собик СССР Фанлар академиясининг Тилшунослик институти, Рус тили институти ва Туркменистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида 1969-йилнинг октябрь ойида Ашхабодда бўлиб ўтган бутуниттифоқ илмий анжумани **«Икки тиллилик ва кўп тиллилик муаммолари»** мавзусига бағишланган эди. Анжуманда Москва ва Ленинграднинг, шунингдек, собик иттифоқдош Республикаларнинг кўзга кўринган етук лингвистлари, адабиётшунослари, педагоглари, тарихчилари, философлари, социологлари, этнографлари, психологлари иштирок этганди. Анжуман материаллари кейинчалик (1972-й.) «Икки тиллилик ва кўп тиллилик муаммолари» («Проблемы двуязычия и многоязычия») номи билан Москванинг «Наука» нашриёти томонидан алоҳида китоб шаклида чоп қилинган. Анжуман материалларида икки ва кўп тиллиликнинг назарий ва амалий масалаларига асосий эътибор қаратилганди.

Ўзирги замон ижтимоий ривож икки тиллиликни социолингвистиканинг энг муҳим масалаларидан бири сифатида тақозо этади.

Икки тиллилик асосан нар хил тил жамоасини ўз ичига олган нудудларда амал килади. Марказий Осиё Республикаларининг барчасида икки тиллилик меъерий ривож топган. Масалан, Ўзбекистон Республикасини олсак, у ерда шу давлатнинг миллийлигини белгиловчи ўзбек тил жамоаси билан бир қаторда, тожик, кирғиз, қозок тил жамоаларига мансуб аҳоли нам Ўзбекистоннинг иккинчи ерли аҳолиси мақомида истиқомат килади. Тожикистон нам, Кирғизистон, Қозоқистон ва Туркменистонда нам тил вазияти билан боғлиқ бундай хусусият мавжуд.

Собик Шўролар даврида рус ва бошқа миллий тиллар икки тиллиги ривож топган эди. Рус тилини иккинчи миллий тил сифатида ўрганишга нatto Польша, Болгария, Чехославакия, Руминия, Югославия каби социалистик мамлакатларда нам астойдил киришилган эди. Уларнинг ўрта умумтаълим мактабларида рус тили асосий предмет сифатида ўқитилган. СССРнинг бошқа иттифоқдош Республикаларида шу маъаллий ўлкаларда яшовчи этник жамоалар тиллариаро нам икки тиллилик мавжуд бўлган ва бу икки тиллиликларнинг илдизи узоқ тарихга бориб тақалган.

Собик Шўролар даврида бир неча бор бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилган. Шулардан бири 1970-йилда бўлиб ўтган. Шу аҳоли рўйхатида маълум бўлишича, Наманган вилояти қишлоқлари аҳолисининг 9 фоизи; Ўрта Осиё Республикалари марказий шаъарлари аҳолисининг 30-40 фоизи икки тиллилик шароитида яшаганликлари аниқланган. Хусусан, Самарқанд шаъри аҳолисининг 40 фоиздан ортиги билингв эканлиги маълум бўлган.. Бу маълумотда маъаллий ўлка халқларининг ўз тилларидан ташқари, нудуддош (масалан, тожик ёки ўзбек; ўзбек ёки тожик ва б.) ва нудуддош бўлмаган бошқа (рус тили) тилларда мулоқот кила олиш имконияти назарда тутилган.

Собик Шўролар даврида икки тиллилик асосан бир томонлама бўлган: норус тил жамоалари ўз тилларидан ташқари, сиёсий ва маъмурий муъит тақозаси ва талабига кўра, рус тилини билишга мажбур бўлганлар. СССРнинг сиёсий тузуми, унинг мафқураси, сиёсати рус тилининг мавқеини имтиёзли кўтаришга қаратилган. Арзимаган йиғинлар нам, расмий лавозимдаги раъбарлар рус миллатига мансуб бўлганлиги учун, уларнинг тилида олиб борилган. Шунинг учун Шўролар даврида норус тил жамоаси бу тилни оммавий тарзда ўрганишга мажбур бўлган. Бу хусусият **1970-** ва **1979-** йиллари ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларида нам ўз ёркин ифодасини топган.

1970-йилги расмий ижтимоий-сиёсий тадбир маълумотларига кўра, СССР туркийзабон аҳолисининг **44,7 фоизи**; фин-угор тилларига мансуб аҳолининг **50,3** фоизи, грузин тил жамоасининг **21,3** фоизи рус тилида эркин мулоқотга кириша олиши маълум бўлган. СССР рус бўлмаган аҳолисининг рус тилини билиш даражаси йилдан-йилга фоиз нисобида ошиб борган. Масалан, ўн йилдан сўнг (1979-йил) ўтказилган аҳоли рўйхатидан маълум бўлишича, бу даврга келиб, СССР туркийзабон аҳолисининг **57,2** фоизи (ўсиш **12,5 фоизни** ташкил килади); фин-угор тилларида сўзлашувчи аҳолининг **50,6** фоизи (ўсиш **0,3** фоизга тенг); грузин миллатига мансуб

аҳолининг **26,7** фоизи (ўсиш **5,4** фоизга тенг) рус тилини меъёрий ўзлаштирганлар. СССР нинг рус бўлмаган барча аҳолисига келсак, **1970**-йилги аҳоли рўйхати маълумоти бўйича рус тилини билувчилар **17,3** **фоизни** ташкил этган бўлса, **1979**-йилги аҳоли рўйхати маълумоти бўйича **33,4** **фоизни** ташкил этганки, ўн йил ичидаги ўсиш **6,1** фоизга тенг келади.

Тожикистонда икки ва кўп тиллилик республика аҳолисининг этнолингвистик таркиби, тил контактлари эса турли тил жамоалариаро коммуникатив муносабатлар билан белгиланади.

Юқорида ҳам айтилган 1970-йилги умумхалқ аҳоли рўйхатидан маълум бўлишича, Тожикистоннинг умумий аҳолиси **2 899 602** (икки миллион саккиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз икки) кишини ташкил қилган. Шундан **2** миллион **135** минг **833** киши тожик миллатига мансуб бўлган. Уларнинг **2** миллион **104** минг **23** таси тожик тилини она тили сифатида эътироф этган; тожик миллатига мансуб **13288** (ўн уч минг икки юз саксон саккиз) киши она тили мақомида рус тилини танлаган. Рус миллатига мансуб кишилардан **6074** таси тожик тилида эркин сўзлаша олган. Тожикистон аҳолисининг **328 773** (уч юз йигирма саккиз минг етти юз етмиш уч)таси рус тилида эркин мулоқот қила олган. Республика аҳолисининг **249652** таси (**икки юз қирқ тўққиз минг олти юз эллик иккитаси**) тожик тилидан бошқа лисонда сўзлашувчилар ҳисобланган.

1970-йилги аҳоли рўйхати маълумотларидан яна маълум бўлишича, икки тиллилик Ўрта Осиё республикалари марказий шаҳарларида аҳолининг 30 фоиздан, Самарқанд, Рига, Баку, Тбилиси шаҳарларида 40 фоиздан, Вильнюсда 60 фоиздан ортиғига тўғри келгани ҳолда, Россиянинг марказий қора ер зоналарида аҳолининг 1 фоиздан камроқ қисми билингв эканлиги маълум бўлган. Москва, Ленинград сингари йирик шаҳарларда эса, икки тиллилик аҳолининг 6 фоизига тўғри келган.

Шўролар даври бир томонлама икки тиллигининг «ноқулай» томонлари айрим рус зиёлилари томонидан тўғри пайқалди, расмий тадбирларда эътироф ҳам этилди. Чунончи, СССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт бўлими сессияларидан бирида академик **Д.С.Лихачёв** шундай деган эди: «Ўозиргача биз «Рус тилини ўрган!» шиори билан келдик ва шу асосда иш кўрдик. Энди буни «Она тилингни ҳамда рус тилини ўрган!» билан алмаштириб, шу шиор асосида иш кўришимизга тўғри келади»,-- деган эди. Рус тилини ўрганишга эътиборнинг кучайиши натижасида қишлоқ аҳолисининг шаҳарлар томон силжиши (**урбонизация**), шу сабаб шаҳар аҳолисининг кўпайиши, миллий аҳоли фарзандларининг рус мактабларида ўқишга интилиши сингари ижтимоий ҳолатлар авж олди.

Шўролар даври икки тиллиги, гарчанд бир ёқлама характер касб этган бўлса-да, унинг ижобий томонлари ҳам йўқ эмасди, албатта. Чунки лисони рус бўлмаган миллий халқлар бу тил орқали Европанинг илғор маданияти билан, фан ва техникаси билан танишди, маънавий савияси, дунёқараши юксалди.

Айрим мамлакатларда уларнинг сиёсий тузуми икки томонлама икки тилликка расмий тарзда алоҳида эътибор беради. Масалан, «Правда»

газетасининг 1989-йил 9-март сониди Ю.Харламовнинг «Федерацияга катта йўл: Бельгияда нима ўзгарди?» («**Долгий путь к федерации: что изменилось в Бельгии**») сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда француз ва фламенд расмий икки тиллигига босқичма-босқич ўтишининг афзаллиги ва зарурлиги ҳақида фикр юритилади. Маълум бўлишича, Бельгияда давлат ва ҳукумат бошқаруви лавозимларига фақат **француз** ва **фламенд** тилларини бир хил савияда яхши билганларгина муносиб топилар экан.

Худди шу мазмундаги мақола «Известия» газетасининг 1989-йил 20-март сониди ҳам эълон қилинади. Унда Хитойнинг **Тибет** автоном районида **хитой-тибет** икки тиллигига берилган имтиёз ҳақида гап кетади. Бу маъмурий ҳудудда ҳам давлат аҳамиятидаги лавозимларга даъвогар шахслардан шу ҳудудда расмийлашган икки тилни яхши ва меъриий билиш талаб қилинар экан.

Ўзирги бизнинг давримизда **Россия** **Ҳукумати** бошқа мамлакатлардан **Россияга** вақтинча ишлаш (меънат муҳоржирлиги) учун борувчилардан рус тили билими бўйича расмий синовдан ўтиш шартини жорий этган. Синовдан муваффақиятли ўтганларгагина Россияда ишлашга расмий руҳсат этилади ва иш билан таъминланади. Бу ҳам рус ва рус бўлмаган бошқа этник жамоалар икки тиллигини ривожлантириш учун қўйилган илк қадамлардан биридир.

Икки тиллик шароитида баъзан она тили ҳисобланмаган ўзга иккинчи тил мактеби ва вазифасига қўра, ўз тилдан устун саналиши ва шахсининг асосий мулоқот воситасига айланиши ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан, **Галисияда** деҳқон болалари олти-етти ёшларгача фақат она тили саналмиш **галисий** тилида сўзлашадилар: галисий тили улар мулоқотининг асосий воситаси сифатида хизмат қилади. Улар мактабга боргач, галисий тилининг амали барҳам топади, энди улар испан тили асосида мулоқотга ўтади. Испан тилини ўрганиш жараёнида бу тилнинг ўз она тили—галисий тилидан ижтимоий устунлигини сеза бошлайди. Бироқ мактаб таълимидан сўнг, қишлоқларда испан тилига ҳожат сезилмайди. Бу мамлакатнинг қишлоқ жойларида ягона «хорижий» доктор, ўқитувчи, аптекачи ва ветеринарлар ҳисобланиб, улар ўз фарзандларини шаъар мактабларига ўқишга жўнатадилар; оддий деҳқонлар эса шаъар мактабларига ишонқирамай, фарзандларининг ўзга тилда таълим олишларини унчалик хушламайдилар.

Галисиядаги тил вазияти билан боғлиқ яна бир ҳолат кўзга ташланади. Ярим асрлар бурун қишлоқдан шаъарга ўтиб қўним топган крестянлар ўз фарзандларини таълими испан тилига асосланган шаъар мактабларида ўқита бошлайдилар. Фарзандларга испан тили она тили мақомига кира бошлайди. Ота-оналар оилада ўзаро галисийча мулоқотда бўлсалар-да, фарзандлар билан испан тилида сўзлашадилар. Бундай нутқий-лисоний ҳолат собиқ Шўролар даврида Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоқистон сингари Марказий Осиё республикаларида ҳам содир бўлган. Рус тилининг гегемон ролини ҳис қилган маъаллий халққа мансуб ота-оналар фарзандларини рус мактабларида ўқитиб, оилада ота ва она ўз тилларида, фарзандлар билан эса, рус тилида сўзлашганлар. Ўз миллий она тилини

билмай, унда сўзлашолмай ўсган фарзандлар кўп бўлган. Бундай ҳолат Марказий Осиёнинг шаъар жойларида ҳозир ҳам мавжуд.

Икки тиллилик фан тилида **билингвизм** дейилар экан, уни **диглоссия** деб аталувчи ҳодисадан фарқламоқ керак. Диглоссия ҳам икки тиллиликка ўхшайди. Бироқ диглоссия муайян тил жамоасига мансуб шахснинг у қарашли бўлган тилнинг турли шевалариаро мулоқотга кириша олиш имкониятини билдиради. Шунингдек, шахснинг ўз тилининг адабий ва унинг бирор-бир ҳудудий (шеваси) шаклларида мулоқотга кириша олиши ҳам диглоссиянинг амалдаги кўринишларидан бири саналади.

Диглоссия икки тиллиликка қараганда кенг ва фаол тарқалган социолингвистик ҳодисадир. Умумтаълим мактаблари адабий тилни тарғиб қилувчи, уни ўқувчилар онгига мажбуран ва расмий тарзда сингдирувчи таълим-тарбия маскани ҳисобланади. Бундай шароитда ҳар бир ўқувчи ҳам ўз тилининг адабий шаклида, ҳам маъаллий шаклида мулоқот қиладилар. Бу жараён диглоссиянинг оммавий характериға мисол бўлади.

Икки тиллиликнинг турлари

Икки тиллилик социолингвистиканинг ижтимоий-лисоний тушунчаси сифатида ўзига хос тизим характериғи касб этади. Маълумки, муайян бир ҳодисанинг тизим бўлиши учун шу ҳодиса доирасида бирлашувчи ички жабуалар муайян бир белги-хусусиятлариға кўра фарқланиши керак. Бошқача айтганда, тизим муайян жиҳатлар асосида таснифланиши, яъни классификацияланиши зарур. Бундай хусусият икки тиллилик, яъни билингвизм учун ҳам хосдир.

Икки тиллилик, яъни билингвизмнинг бир неча турлари мавжуд. Шулардан бири фаол (актив) ва нофаол(пассив) икки тиллиликдир. Қуйида уларнинг ҳар бири тўғрисида қисқача маълумотлар билан танишасиз

14-§. Фаол икки тиллилик.

Икки тиллиликнинг бу тури ўз она тили билан ўзга тилнинг оғзаки ва ёзма шакллариғи бир савияда саводли ўзлаштирган шахслар нутқиға хосдир. Бундай шахслар иккинчи тилнинг ёзма ва оғзаки шаклларида мулоқотга кириша олади. Бунга Алишер Навоий, Садриддин Айний ва уларнинг зуллисонайлик маъорати мисол бўла олади. Чунки бу адиблар ўзбек ва тожик тилларида бир хил маъорат билан ижод қилганлар. Садриддин Айний «Қуллар» романиғи тожик тилида ёзиб, уни ўзи ўзбек тилиға ўгирган. Тожикистонда икки тилни бир хил ўзлаштирган ижод аъли бизнинг давримизда ҳам кам эмас. Ўзбекзабон Сайфуллахон Қорихонов, Одилхон Икромов, Султонмурод Ҳожибоев, Ҳакимжон Зокиров, Сулаймон Эрматов, Эгамназар Соъибназаров, Ҳожи Неъматуллоъ Иброҳимов сингари ижодкорлар борки, улар ўзбек ва тожик тилларида бир хил савияда ижод қиладилар. Булар гуруҳи ўзбек ва тожик тилларида ижод қиладиган бир

ќатор олим ва журналистлар њисобига яна кенгайди. Хуллас, актив икки тиллилик Тожикистонда кенг ривожланган. Бунга Республика Давлати ѓамхўрлик билан алоњида эътибор ќаратган.

Икки тиллилик шароитида бири бошќасидан фарќ ќилувчи икки вазият мавжуд. Биринчисида ўзга тилда бўладиган мулоќотда ўз тилнинг, яъни она тилининг, лисоний хусусиятлари устувор бўлса, иккинчисида, аксинча, ўз тилда бўладиган мулоќотда ўзга тилнинг лисоний хусусиятлари устуворлик ќилади. Бу икки вазиятдан шу нарса маълум бўладики, пассив икки тиллиликда ана шу вазиятлардан бири њукмрон бўлса, фаол(актив) икки тиллиликда кўрсатилган вазиятнинг њар иккиси биргаликда амал ќилади.

Фаол икки тиллиликнинг яна бир хусусияти шундаки, билингв она тили саналмаган ўзга тилда њам сўзлаша олади. Шунингдек, ўзга тилнинг ёзма шаклидаги материалларни ўќиб тушунишдан ташќари, унинг имло ва пунктуацион ќоидаларига риоя ќилган њолда, тўѓри ва саводли ёза билади њам. Икки тиллиликнинг фаол тури ўз ва ўзга тилнинг лисоний ќонун-ќоидаларини меъёрий ўзлаштирган шахслар нутќий фаолиятига хосдир. Бироќ икки тиллиликнинг бу тури кенг тарќалмайди. Бундай имкониятга эга бўлган билингвлар кўпинча махсус филологик маълумотга эга бўлади.

15-ѓ. Нофаол икки тиллилик.

Икки тиллиликнинг бу тури иккинчи тилни ќисман ўзлаштирган шахслар нутќида учрайди. Нофаол икки тиллиликда билингв, яъни икки тил соњиби, она тили њисобланмаган ўзга тилни бир томонлама ўзлаштирган бўлади: ўзга тилда гапирган шахснинг фикрини тўлиќ тушунади, лекин унга шу тилда жавоб ќайтара олмайди. Масалан, тожик ва ўзбек тил жамоаларига ќарашли икки киши мулоќотга киришди дейлик. Ўзбек тил жамосига мансуб шахс тожик тилидаги информацияни тушунган њолда ќабул ќила олади, бироќ у ўз фикрини тожик тилида тўлиќ баён ќила олмайди. Ўз навбатида, тожик тил жамоасига мансуб шахс њам ўзбек тилида баён ќилинган фикрни меъёрий тушунади, бироќ у ўз фикрини адресатга ўзбек тилида баён эта олмайди. Шунинг учун иккинчи тилни бир томонлама билиш нофаол, яъни пассив икки тиллилик дейилади.

Икки тиллиликнинг **фаол ва нофаол** амали **бевосита** ва **билвосита тил контактлари** билан њам боѓлиќ бўлади. Фаол икки тиллилик бевосита тил контакти шароитига хос бўлса, нофаол(пассив) икки тиллилик билвосита тил контактлари билан алоќадордир. Айниќса, билвосита тил контакти турли воситалар орќали ўзга тилда битилган газета, журнал сингари информатив материалларнинг четдан кириб келиши билан алоќадорки, бунда билингв ўша материалларни ўќиб тушунади, бироќ шу тилда эркин гапира ёки ёза олмайди.

16-ѓ. Меъёрий икки тиллилик

Меърий икки тиллилик: а) икки томонлама меъерий икки тиллилик ва б) бир томонлама меъерий икки тиллилик сингари кўринишларга эга. Икки тиллиликнинг икки томонлама меъерий тури билингвнинг ўз она тилини ва она тили саналмаган ўзга тилни саводли ўзлаштирганлигига асосланади. Демак, меъерий икки тиллилик саводхон шахслар нутқида хосдир. Бунда билингв ўз она тили ва она тили саналмаган иккинчи ўзга тилнинг фонетик, луғавий, грамматик қонун-қоидаларини меъерий ўзлаштирган бўлади. Шунинг учун икки тиллиликнинг бу тури филологик билимга эга бўлган, ўта ўқимишли ва ўта саводхон зиёли шахслар учун хосдир. Жаъон миқёсида машъур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг тил амалидаги қобилияти ва маъоратида меъерий икки тиллиликнинг икки томонлама турини кўриш мумкин. У қирғиз ва рус тилларида юксак савияда ижод қилган адибдир. Бизнинг замонда икки тилни юксак даражада ўзлаштирган шахслар кам эмас. Икки тилда бир хил саводли сўзлайдиган радио ва теледикторлар иш фаолиятида ҳам меъерий икки тиллиликнинг икки томонлама амалини кўриш мумкин.

17-§. Бир томонлама меъерий икки тиллилик.

Меъерий икки тиллиликнинг бу турида билингв икки тилдан бирини саводли ўзлаштирган бўлади. Мулоқотда у бир тилнинг фонетик, луғавий-семантик, грамматик қонун-қоидаларига, уларни тушунган ҳолда, амал қилади. Одатда, билингв ўз она тилисининг адабий лисон нормаларини ўзлаштирган бўлади. Иккинчи тилнинг фонетик, луғавий-семантик ва грамматик меъерларини чала ўзлаштирган бўлади. Бир томонлама меъерий икки тиллилик тўлиқ меъерий икки тиллиликка қараганда кенг ва фаол амал қилади.

18-§. Икки томонлама меъерий икки тиллилик.

Икки тиллиликнинг бу тури бир томонлама меъерий икки тиллиликка нисбатан нофаол бўлиб, икки тил жамоаси бир умумий ҳудудда истиқомат қиладиган шароит билан боғланади. Бунда ҳам икки этник жамоага дахлдор шахслар, ўз тили билан бир қаторда, истиқоматдош ва ҳудуддош бошқа этник жамоанинг тилида ҳам бевосита мулоқотга кириша олади. Икки томонлама икки тиллилик Марказий Осиёнинг барча Республикаларида мавжуд. Масалан, Тожикистонда, жанубий минтақасида ҳам, шимолий минтақасида ҳам ҳам ўзбеклар, ҳам тожиклар ерли аҳоли сифатида истиқомат қиладиган қишлоқлар бор. Уларнинг тожик тил жамоасига мансублари ўзбек тилини, ўзбек тил жамоасига мансублари тожик тилини шу ҳудуд шеvasида яхши биладилар. Йиғинларда тожик тилида бошланган суҳбат ўзбек тилида, ўзбек тилида бошланган суҳбат тожик тилида якунини топади. Шунингдек, бу Республиканинг айрим қишлоқларида тожик ва қирғиз, тожик ва туркман миллатларига мансуб аҳоли ҳам яшайди. Уларда ҳам тожик миллатига мансуб аҳоли қирғиз ёки туркман тилини шу тилнинг

маъаллий шаклида яхши билади; кўргиз ёки туркман миллатларига мансуб аҳоли ҳам тожик тилида уларнинг шу қишлоқ тилига хос лаъжасида бемалол мулоқотда бўла олади. Ана шундай тил вазияти бор жойда икки тарафлама билингвизм мавжуд бўлади.

19-§. Номеъерий икки тиллилик.

Номеъерий икки тиллилик икки тиллиликнинг шундай турики, унда билингв иккинчи тилнинг меъерий амалига ё қисман, ё тўлиқ риоя қилмайди. Номеъерий билингвизм меъерий билингвизмга қараганда кўп тарқалган бўлади. Шунингдек, у пассив билингвизмнинг одатдаги кўринишларидан биридир. Масалан, тожик ёки рус тилини мукамал билмайдиган ва шу тил жамоаларига мансуб бўлмаган шахсларнинг нутқида шу тилларнинг грамматик қонун-қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари кузатилади. Бу ҳол номеъерий билингвизмнинг амалий кўринишидир. Билингвизмнинг бу тури иккинчи тилни махсус тайёргарликсиз стихий равишда ўрганган шахслар нутқида хосдир.

20-§. Мақсадли икки тиллилик

Мақсадли билингвизмда билингвнинг иккинчи тилдаги нутқи муайян бир мақсадга қаратилган бўлади. Масалан, билингв иккинчи тил воситасида иш жойининг шу тил жамоасига қарашли раъбаридан бир-икки кунга рухсат сўраш мақсадини баён қилади. Ёки талаба ўзи ўрганаётган чет тили мутахассиси—устозидан бирор-бир мавзу бўйича консультация беришни сўраб, унга шу тилда мурожаат қилади.

Бундан ташқари, радио ва теледикторларнинг иккинчи тилдаги ахборотлари мақсадли билингвизмнинг одатдаги кўринишидир. Шунингдек, расмий мажлис ва анжуманларда иккинчи тилда қилинадиган маъруза ва чиқишлар ҳам мақсадли билингвизмга мисол бўлади.

21-§. Кундалик одатдаги(бытовий) икки тиллилик

Бунда иккинчи тилдаги мулоқот нар хил ва эркин вазиятларда рўй беради. Кундалик одатдаги икки тиллиликда иккинчи тилдаги нутқ муайян бир мақсадни кўзда тутмайди. Икки тиллиликнинг бу амалида билингв нутқида икки тилга хос лисоний унсурлар аралашиб ишлатилиш ҳоллари кўзга ташланади. Бунда интерференция ва бир тил моделида иккинчи тилнинг нутқий воқеланиши ҳолатлари ҳам кузатилади.

22-§. Индивидуал икки тиллилик

Индивидуал икки тиллилик таржимонлар фаолиятига алоқадор бўлади. Давлат ахамиятига молик анжуманларда, фан ва техниканинг муҳим муаммолари ечимига бағишланган халқаро конференцияларда шу анжуман

ёки конференция материаллари бошқа мамлакатлардан келган анжуман қатнашчиларига улар тилида ҳам алоҳида таржимада «узатиб» турилади. Масалан, анжуманнинг асосий «иш» тили рус тили бўлса, Америка ёки Англиядан ёки Арабистон мамлакатларидан келган қатнашчиларга инглиз, француз ёки араб тилларида маълум қилинган. Анжуман материалларини шу тилларда «узатган» шахслар индивидуал билингвлар, уларнинг амалдаги фаолиятини индивидуал икки тиллилик дейилади.

23-§. Оилавий икки тиллилик

Оилавий икки тиллилик Марказий Осиёда, шунингдек, икки этник жамоа вакиллари бир аҳоли бўлиб яшайдиган ҳудудларда мавжуд бўлади. Бундай икки тиллилик эр ва хотин икки миллатга мансуб оилаларда бўлади. Бундай оила фарзандлари, яъни дурагайлар, ҳам ота мансуб бўлган, ҳам она мансуб бўлган этник жамоанинг лисонини жуда ёшлигидан ўзлаштирадilar. Академик Н.Я.Марр ҳам ана шундай оилада туғилиб, тарбия топган эди. Унинг отаси инглиз, онаси грузин миллатига мансуб шахслар бўлган. Олимнинг дастлабки илк тили, онасининг она тилида, яъни грузин тилида чиққан, инглиз тили ҳам унинг ота томондан болаликдаги тилидир. Бунинг устига, Н.Я.Марр кўп миллатли маъаллада ўсган. Рус, грузин, арман, турк тилларини маъаллада ўрганиб, болалигидаёқ она тили даражасида ўзлаштирган.

Оилавий икки тиллилик дунёнинг барча мамлакатларида, қаерда икки миллат вакили яшаган бўлса, ўша ерда, албатта, кенг тарқалган. Масалан, Россияда оилавий икки тиллиликнинг турлича хил ва қўринишларини қўриш мумкин. Оилавий икки тиллилик шароитида ўсган фарзандлар, албатта, полилингв бўлиб етишадilar. Полиглотлар ҳам кўпинча ана шу оилаларда тарбия топган шахслардан етишиб чиқади. Бунга, юқорида айтилганидек, Н.Я.Маррнинг полиглот бўлиб етишуви ёрқин мисол бўлади. Олим 40дан ортиқ тилни ҳам назарий, ҳам амалий билган полиглот бўлган.

Оилавий икки тиллилик ҳамма вақт ҳам барқарор бўлмаслиги мумкин: ё отанинг, ё онанинг тили мавқе жихатдан устунлик қилиб, бунинг натижасида оилада монолингвизм вазияти пайдо бўлиши ҳоллари ҳам учраб туради.

Тожикистоннинг қайси ноҳияини олманг, уларнинг барчасида икки тилли оила мавжуд. Бу икки тиллилик ўша ноҳиянинг этник таркибига кўра, ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, Помирнинг Мурғоб ноҳиясида маъаллий аҳоли сифатида қирғизлар яшайди. У ерда тожик-қирғиз ёки қирғиз-тожик оилалари сийрак учрайдиган ҳол эмас. Бундай оилаларда, шак-шубҳасиз, тожик ва қирғиз ёки қирғиз ва тожик икки тиллиги ривож топган. Тожикистоннинг жанубий районларида туркман миллатига мансуб аҳоли ҳам яшайди. У ерда туркман-тожик ёхуд тожик-туркман оилаларининг бўлиши аниқ. Шунга мувофиқ, бу ноҳияда тожик ва туркман, туркман ва тожик икки тиллиги шакл топади. Булар оилаларнинг ҳам, икки тиллиликнинг ҳам ўз тарихига эга бўлган «маъаллий» шаклларига қиради.

Икки тилли оилаларнинг «маъаллий бўлмаган» кўринишлари ҳам мавжудки, улар шаъарларда кўп учрайди. Айниқса, катта ва марказий шаъарларда оила тожик ва ўзбек, тожик ва рус, тожик ва татар, тожик ва украин ва ӛ.к. ӛар хил этник жамоаларга мансуб шахслардан таркиб топган оилалар бўлиши мумкин (*Булар Тожикистон шаъарлари мисолида, албатта*). Шу асосда икки тиллиликнинг ҳам «маъаллий бўлмаган» ӛар хил шакллари мавжуд бўлади.

Оилада таркиб топган икки тиллиликни табиий икки тиллилик деб ҳам аталади.

ӛар хил тил жамоаси вакилларидан таркиб топган оилада шаклланувчи табиий икки тиллилик билан бир қаторда, ситуатив деб номланувчи икки тиллилик ҳам мавжуд. Ситуатив икки тиллилик дунёнинг кўп миллатли барча мамлакатларида учрайди. ӛар бир мамлакатнинг асосий аъолиси тили давлат мақоми билан имтиёзга эга бўлади. Масалан, Ўзбекистонда мамлакатнинг асосий аъолиси ўзбеклардир. Бундан ташқари, тожик, қирғиз, рус ва бошқа миллат вакиллари ҳам бу мамлакатда яшайди. Ўзбек бўлмаган аъолининг ўзбек тилини билиши шу мамлакатда амал қилувчи ситуатив икки тиллиликка қиради. Ёки Тожикистонда ҳам шундай: бу мамлакатда ўзбек, қирғиз, татар ва бошқа этник жамоа вакиллари ҳам фуқоролик мақоми билан яшайди. Тожикистонда ўз она тилидан ташқари, давлат мақомидаги тожик тилини билиш ситуатив икки тиллиликка мисол бўлади.

24-§. Координатив ва субординатив икки тиллик

Маълумки, социолингвистиканинг айрим тушунча ва ӛодисалари психология фанига дахлдор бўлади ва психологлар томонидан ўрганилади. Хусусан, икки ва кўп тиллилик масаласи ана шундай, яъни унинг психологияга қарашли томони ҳам мавжуд.

Икки тиллилик, психологик жиъатдан, координатив икки тиллилик ва субординатив икки тиллилик сингари икки гуруъга ажралади.

Координатив икки тиллиликда билингв ӛар икки тилни, яъни ўз она тилини ва унга контактлашаётган ўзга тилни ҳам бир хил савияда билади. Мулоқот ўз она тилида бошланса, ўзга тилга бевосита уланиб, давом этаверади. Ёки, аксинча, ўзга тилда бошланган мулоқот ўз она тилига бевосита уланиб, давом этавериши мумкин. Демак, муайян нутқий жараёнда ундаги вазиятга қараб, контактдаги ӛар икки тилдан бир хил меъёрда фойдаланиш, психологик жиъатдан, **к о о р д и н а т и в** икки тиллилик дейилади. Унда билингв учун ўзга саналган тил ҳам унга она тили даражасида яқин ва ўзлашган бўлади. Координатив икки тиллилик Тожикистоннинг деярли барча ӛудуд ва ноъияларида мавжуд.

Субординатив икки тиллилик координатив икки тиллиликнинг аксидир. Бунда билингв, яъни икки тилда мулоқотга киришувчи шахс контактдаги тиллардан бирини меъёрий ўзлаштирган бўлади. Меъёрий ўзлаштирилган тил, албатта, унинг ўз она тили ӛисобланади. Билингвнинг нутқ амалида ўз

тили билан ўзга тилнинг луғавий ва грамматик жиҳатларида лисоний мослашмаслик ھолатлари содир бўлади. Масалан, рус тилининг лисоний қурилиши билан меъёрий назарий билимга эга бўлмаган ўзга тил вакили русча сўзлаганда, рус тилининг род ёки грамматик жинс («мужской р., женский р., средний р.»), «жонли-жонсизлик» (одушевлённые-неодушевлённые) категориялари меъёрига амал қилмаслиги мумкин. У «корово»га нисбатан ҳам, «пашша»га нисбатан ҳам «что?» саволини қўяверади. Ёки унинг учун «Сестра пришла» билан «Брат пришёл»нинг грамматик жиҳатдан фарқи бўлмайди.

Субординатив икки тиллилик тил контакти назарияси учун координатив икки тиллиликка нисбатан муҳим ва аҳамиятли социолингвистик тушунча саналади.

Иккитадан ортиқ тилни билиш кўп тиллилик дейилади. Бизнинг давримизда икки тиллилик кўп тиллилик сари кенгайиб, оммалашмоқда. Масалан, Тожикистонда ўзбек миллатига мансуб шахслар, ўз-она тилларидан ташқари, тожик ва рус тилини ҳам биладилар, Тожикистоннинг айрим ноҳияларида қирғиз этник жамоасига мансуб аҳоли ҳам яшайди. Улар яқин вақтларга қадар ўзбек тилида таълим олганлар. Бу аҳолига мансуб шахслар қирғиз тилидан ташқари, ўзбек, тожик ва рус тилини ҳам биладилар. Иккитадан ортиқ тилда сўзлаша олиш қобилиятига эга шахслар полилингв дейилади. Бундай имкониятга олиб келувчи шароит полилингвизм деб аталади.

Икки тиллилик, кўп тиллиликдан ташқари, уч ва ундан ортиқ тилда сўзлаша олиш ҳам мавжуд. Кўп тилни билувчилар икки ва уч тилни билувчиларга нисбатан кам. Агар икки ва кўп тиллилик айрим ھудудларда оммавий тарзда мавжуд бўлса, полиглотлар деб аталувчи шахслар жуда кам ва уларнинг кўп тилни билиши индивидуал характер касб этади.

Социалистик ва коммунистик жамият таълимоти асосчилари Карл Маркс ва Фридрих Энгельслар ҳам чин маънода кўпгина жонли ва ўлик тилларни пухта билувчи генийлар ھисобланган. Айниқса, К.Маркс Европанинг барча тилларида ҳам гапира олган, ҳам ёза олган. Грек, латин тилларидан ташқари, Европанинг кўпгина тилларини яхшигина ўзлаштирган. К.Маркснинг Ф.Энгельс томонидан ёзилган биографиясида айтилишича, у герман ва роман тилларида битилган матнларни эркин ўқиб, мазмунини яхши тушунган. Маркс «Капитал»нинг 3-жилди ёзилишидан олдин эски славян, рус, серб-хорват тилларини мукамал ўрганган. Маълумотларга қараганда, у немис, инглиз, француз тилларидан ташқари, серб-хорват, словен, чех, словак, поляк, украин, белорус, сербо-луг тилларини ҳам пухта ўзлаштирган полиглот олим бўлган.

Собиқ Шўролар даврида академик Н.Я.Март ва профессор Е.Д.Поливановлар ҳам полиглот-лингвист бўлганлар. Кейинчалик улар сафи Зализняк сингари рус олими томонидан кенгайган.

Н.Я.Март 40дан ортиқ тилни ҳам амалий, ҳам илмий жиҳатдан билган. Е.Д. Поливанов эса, расмий тарзда 16 (француз, немис, инглиз, латин, грек, испан, серб, поляк, япон, хитой, татар, ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик)

тилни билган. Аслида эса, Е.Д.Поливанов 40дан ортиқ тилни билган экан. Полиглотлар алоҳида ва нодир талантга эга бўлган шахслардир.

25-§. Интерференция ва унинг амал доираси ھاқида

Интерференция--нисбатан янги социолингвистик тушунча. Шунинг учун бўлса керак, О.С.Ахманованинг «Лингвистик атамалар лугати»да («Словарь лингвистических терминов». –М., 1969) бу атама ва унинг фанний тушунчаси ھاқида маълумот берилмаган.

С.М.Локшина томонидан тузилган «Чет сўзлар қисқача лугати»да («Краткий словарь иностранных слов», -М., 1965) «**интерференция**» атамаси ва унинг шарҳи берилган. Маълум бўлишича, бу атама латинча **inter** ва **frens** сўзларидан олинган, таржимаси “**ўзаро таъсир**» иборасига тўғри келади.

Интерференциянинг амали нолингвистик характердаги ھодисаларда ھам мавжуд. Шунингдек, интерференцияга хос хусусиятлар табиат ھодисалари ва уларнинг ўзаро муносабатларида ھам учрайди. Шу боис бу тушунча лингвистик характерга нисбатан кўпроқ ижтимоий-психологик тавсиф касб этади.

Тилшуносликда нтерференция социолингвистик тушунча сифатида қаралади. Бир тилга хос хусусиятнинг бошқа тил қурилиши ёки унинг бирор-бир ички тизимига лисоний жиҳатдан таъсири интерференция дейилади. Бошқача таъбир билан айтганда, интерференция бир тилга хос хусусиятнинг бошқа тил қурилиши ёки унинг бирор-бир ھодисасига беихтиёр ўтказилишидир.

Интерференция билингв ва билингвизм (икки тиллилик) тушунчалари билан узвий боғлиқ социолингвистик жараён ھисобланади. Зеро, интерференция **билингв** нутқий фаолияти билан алоқадор ва нутқ жараёнида вужудга келувчи ھодиса саналади. Бу жараёнда бир тилнинг фонетик ёки грамматик қурилишига хос хусусиятлар таъсирида бошқа иккинчи бир тилнинг фонетик ёки грамматик қурилишига хос расмийлашган меъёр нутилади ёки ھисобга олинмайди, тўғрироғи, иккинчи тилнинг фонетик ёки грамматик меъёрига риоя қилинмайди. Чунончи, ھар бир тилнинг фонологик тизими унинг фонетик тизими билан уйғунликда амалга ошади. ھар бир фонема, у унли ёки ундошлигидан қатъий назар, адабий тилнинг орфоэпик меъёрига риоя қилиниши талаб этилади. Чунки ھар бир фонеманинг адабий нутққа хос расмий оҳанги бўлади. Бир тил жамоасига мансуб шахс бошқа тилда ёзилган матнни ўқиганда, у ўша тилнинг фонемаларини ўз тилига хос талаффузда ўқийди. Натижада нутқий лаъзада иккинчи тилнинг орфоэпик меъёри «бузилади». Бу интерференциянинг тил фонемалар сатъига хос кўринишлардан биридир. Масалан, ўзбек тил жамоасига мансуб ўқувчи ёки талаба тожик ёки рус тилида битилган матнни ўқиганда, у шу тилларга хос фонемаларни, уларнинг адабий тил орфоэпик меъёрларини билмаганлиги учун, ўзбек тили фонемаларининг орфоэпик қонун-қоидалари таъсирида ўқийди: тожикча ёки русча фонемаларни ўзбекча товушлар билан талаффуз қилади. Рус тилидан ўтиб ўзлашган **директор, коллектор, диктатор,**

сенатор, элеватор типдаги сўзларни қандай ёзилган бўлса, ўзбекча талаффуз кўникмасига биноан ўшандай талаффуз қилади(рус адабий талаффузида: *директыр, каллектыр, сенатыр, диктатыр, элеватыр*), Бунда четдан ўзлашган сўзларнинг ўзбек тилига хос талаффузи рус нутқида нотўғри интерференция қилинади.

Интерференциянинг тил грамматик тизимида хос кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек ёки тожик тил жамоасига мансуб шахс рус тилининг грамматик қонун-қоидаларидан меъёрий назарий маълумотга эга бўлмаса, у русча гапирганда ёки ёзганда, ўзбек ёки рус тилининг грамматик-қонун қоидаларига амал қилади: «*Моя сестра*»ни «*Мой сестра*»; «*Сестра пришла*»ни «*Сестра пришёл*» тарзида рус тилининг род категорияси қонун-қоидаларини стихий тарзда «паймол қилади».

Интерференция жараёни, ўзга тилда рўй берадиган ўзгаришнинг характерида кўра, икки хил бўлади:

а) салбий интерференция;

б) ижобий интерференция.

Интерференциянинг салбий характерлиси бир тил жамоаси вакилининг иккинчи тилнинг лисоний меъёрларини билмаслиги оқибатида вужудга келади. Унда иккинчи тилнинг муайян сатъига хос лисоний меъёрига амал қилинмайди. Бу жараёнда сўзловчи мансуб бўлмаган тилда нутқий ғализлик пайдо бўлади. Бироқ бу ғализлик «гапирувчи»чининг ўзига сезилмайди. Юқорида келтирилган мисоллар салбий характердаги интерференция кўринишларидан бирига тегишлидир.

Ижобий интерференцияда тилда иккинчи тилнинг фонетик ёки грамматик қурилишига хос айрим лисоний хусусиятлар пайдо бўлади. У иккинчи тил ривожланишидаги ташқи омилларидан бирига айланади. Унинг «ижобий интерференция» деб номланиши ҳам шундан.

Ўзбек тили унли фонемалари микдорининг саккиз-тўққизтадан олтига ихчамлашиши ижобий интерференциянинг ўзбек тили фонемалари тизимида хос кўринишларидан биридир. Бу интерференция тожик-форс тилининг ўзбек тилига таъсири ўлароқ вужудга келган. Шунингдек, ўзбек адабий тили фонетик тизимида сингармонизм ғодисасининг тугал барҳам топиши ҳам тожик-форс тили таъсирида амал қилган ижобий интерференцияга мисол бўлади.

Рус тилининг фонологик тизимида хос айрим унсурлар ҳам ўзбек тилининг фонологик тизимида белгили из қолдириб, ижобий интерференция амалига сабаб бўлади. Ўзбек адабий тили ва унинг талаффузига сингишган лаб-лаб «*в*», лаб-тиш «*ф*», қоришиқ «*ц*» ундошлари ўзбек-рус билингвизми таъсирида пайдо бўлган интерферентив ғосилалардир. «*Ф*» фонемасининг ўзбек тили фонемалар тизимида пайдо бўлишига араб ва форс тиллари ва улардан «*ф*» товуши мавжуд сўзларнинг ўзлашиши ҳам сабаб бўлган, албатта. Бироқ рус тили таъсирида вужудга келган «*ф*» билан араб ва форс тиллари таъсирида вужудга келган «*ф*» товуши талаффузида қисман фарқ борлигини унутмаслигимиз керак, албатта: *фартук, шарф, шкаф, фабрика,*

философия; фаришта, фуқаро, фасон, сарф, шараф, шафтоли, сифат, сафар ва ш.к.

Интерференциянинг нутқ товушлари ва уларнинг ўзга тил талаффузи таъсирида ўзгариши **д и а ф о н и к** ўзгариш, ўзга тил талаффузига «кўчирилган» товушлар эса **д и а ф о н е м а** дейилади.

Тилнинг луғавий-семантик сатъига хос интерференцияга нисбатан эса, **д и а с е м и я** ёки **д и а л е к с и я** атамалари ишлатилади. Бу терминлар умумфанга Д.Джоунз томонидан нолингвистик тавсифдаги бошқа тушунчалар ифодаси учун олиб кирилган. Э.И. Хауген уни социоллингвистик тушунча сифатида тилшунослик фанига ҳам ҳам татбиқ этган.

Интерференциянинг бир қатор кўринишлари мавжуд. Уларнинг асосийлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) ўзга тил товушлари ўз тил товушлари ўрнини эгаллайди. Масалан, Тожикистон ўзбеклари нутқида унлилар талаффузи тожикча унлилар талаффузи билан алмашган: ўзбек тили товушлари ўрнини тожик тили унлилари «эгаллаган»;
- 2) сўз маъноларида торайиш нисобига ўзгариш юз беради. Масалан, рус тилига туркий тиллардан **«балык»**(«балик») сўзи ўзлашган. Бироқ бу сўз туркий тиллардаги «балик ва унинг турлари» маъносини билдирмайди, балки у рус тилида **«дудлаб қурилган балик»** маъносида лисоний «расмийлашган»;
- 3) ўзга тил ўзлашмалари ўз тилнинг грамматик қонун-қоидаларига бўйсунди. Масалан, туркий тилларда род (грамматик жинс) категорияси йўқ. Шунинг учун туркий сўзлар род билан турланмайди. Бироқ рус тилига ўзлашган туркча ва форсча ўзлашган **«лапша», «арба», «алыча», «сурьма», «сюзьма», «паранжа»** сингари сўзлар «женский род»га, **«буран», «урюк», «саксул», «бархан», «утюг», «кирпич»** сингари сўзлар «мужской род»га киритилади. Шунингдек, рус тилидан ёки у орқали Европанинг бошқа тилларидан ўзлашган сўзлар ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларига бўйсунди. Рус тилидан ўзлашган **завод, икаф, фабрика, аудитория, класс** сингари сўзлар ўз тилда келишиклар билан турланганда, келишик шаклларига **в, с, к, под, за** ва ʼ.к. предлоглар «ҳамроʼлик» қилади. Келтирилган бу тип сўзлар ўзбек тилида келишик қўшимчаларини предлогсиз олиб турланади: **«в икафе» «икафда», «в аудиторию» «аудиторияга»** каби.
- 4) бадий ижодда, айниқса, шарқ поэзиясининг **«шир-у шакар»** жанрида ўз тилда ёзилган шеърда ўзга тилга хос сўз ва сўз шакллари, ʼатто гаплар киритиладики, бу интерференциянинг бадий нутққа хос хусусияти саналади.

Бадий матнларда бошқа тил лисоний унсурларининг иштирок этиши мақсадли билингвизмнинг услубий характердаги кўринишларидан биридир. Масалан, таниқли болалар шоири Султонмурод Ҳожибоевнинг «Тожик дўстим» шеърида шу ʼолни кўриш мумкин:

Менинг тожик дўстим бор,
Унинг билан ўсгим бор.

Дилаш чашма барин соф,

Юзи-кўзида офтоб.

Њамроъ бози мекунем,

Аспбозй мекунем.

Лола тергани кира

Чикамиз бирга-бирга.

Дарс тайёрлаш, ўқишда,

Њамкордирмиз ھар ишда.

Эъ, қисқаси, бу дўстим

Бачайи доно-ю нағз,

Бизни аҳил кўрган дер,

Бир данакда кўша мағз.

Ижтимоий-нолингвистик ва соф лингвистик нуқтаи назардан қраганда, нтерференция ва унинг жараёни икки йўл билан амалга ошади. Биринчиси, муайян тил жамоалари ёки уларнинг айрим ижтимоий қатламларининг ўзаро контактдаги алоқаси натижасида интерференция учун шароит вужудга келади. Иккинчиси, ўзга тилни мақсадли ўрганиш жараёнида ўз ва ўзга тил тизимлариаро вужудга келган лисоний муносабатлар натижасида интерференция учун имконият пайдо бўлади.

Интерференция, функционал амали доирасига кўра ھам, уч хил бўлади:

1) ھар хил этник жамоаларга хос мустақил тиллар доирасида вужудга келади (масалан, ўзбек ва тожик ёки ўзбек ва рус тиллари доирасидаги интерференция);

2) бир тилга қарашли лаъжа ва шевалар доирасида вужудга келади. Интерференциянинг бу хусусияти адабий тил ва унинг ривожланиши учун муҳим эмас. У тил фанининг диалектология тармоғига алоқадор ижтимоий-лисоний ھодиса ھисобланади.

3) адабий тил билан унинг маъаллий лаъжа ёки шевалари доирасида вужудга келади. Бу хусусият одатда адабий тил таъсирида лаъжа ва шевалар тизимида юз берувчи лисоний ўзгаришлар билан характерланади. Бироқ нофаол тарзда бунинг акси ھам бўлиши мумкин. Бу одатда тилнинг луғавий сатъига хос бўлади

Тилни чет лисоний унсурлардан «тозалашда», инкор этилган чет сўзлар ўрнига лаъжа ёхуд шевалардан уларга мувофиқ муқобиллар танланади. Ўзбек тилида русча «**остановка**», «**икра**» сўзлари ўрнига шевалардан «бекат», «увилдирик» сўзларининг олинганлиги бунга мисол бўлади.

Интерференциянинг мазкур хусусияти асосида бу атаманинг ифода қўлами белгиланади, яъни «интерференция» тор ва кенг маъноларда қўлланувчи социоллингвистик атама ھисобланади.

Интерференция тор маънода «ھар хил этник жамоага қарашли мустақил тиллардан бирининг бошқасига таъсири туфайли содир бўлувчи лисоний ўзгариш»ни билдиради.

Бу атама кенг маънода «адабий тилнинг таъсири туфайли унинг лаъжа ёки шеваларида пайдо бўлган ўзгариш» ھамда «бир тил доирасидаги лаъжа ёки шева таъсирида шу тилнинг бошқа лаъжа ёки шевасида содир бўлган

лисоний ўзгариш»ларга нисбатан ҳам ишлатилаверади. Масалан, шеваларда мавжуд-у, лекин адабий тилда ўша тушунчани ифодаловчи сўз бўлмаслиги мумкин. Буни ўзбек тили қариндошлик номлари тизимида ҳам кўрса бўлади. Чунончи, ўзбек адабий тилида «**набира—эвара—чевара**»дан кейинги авлодни атовчи сўзлар йўқ. Бироқ улар «**зувола—увора--бегона**» тартибида шеваларда учрайди. Агар кейинги 5-, 6- ва 7-- авлод номларини билдирувчи юқоридаги сўзлар (**зувола, увора, бегона**) адабий тилга қабул қилинса ва улар оммалашиб, лисоний расмийлашса, шева ва адабий тил муносабатидаги ижобий интерференцияга ишончли мисол бўла олади.

26-§. Тилнинг этник гуруҳлари

Тилнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва унинг омиллари сингари масалалар ҳам социолингвистиканинг ўрганиш объектига қиради. Бироқ бу масалалар «Умумий тилшунослик»нинг «Тилшуносликка кириш» деб аталувчи қисмида ўрганилган.

Социолингвистика тилнинг вазифавий гуруҳларини ҳам ўрганadi. Тилнинг вазифавий гуруҳлари деганда, унинг қандай характердаги тил жамоасига хизмат қилиши тушунилади.

Дунёда тиллар кўп. Уларнинг миқдорини муайян аниқ сон билан айтиб бўлмайди. Дунё тилларининг миқдорини тахмин йўли билангина айтиш мумкин. Шунинг учун дунёдаги тилларнинг миқдори масаласида икки хил тахмин юради. Бир гуруҳ олимлар томонидан дунё тилларининг миқдори 2,5--3 минг деб фараз қилинса, бошқа гуруҳ олимлар бу миқдорни 4,5–5 мингга етказдилар. Қизиғи шундаки, дунё тилларининг биринчи гуруҳ олимлар томонидан айтилган миқдори ҳам хато эмас, иккинчи гуруҳ олимлар томонидан айтилгани ҳам. Чунки тилнинг миқдори у хизмат қиладиган тил жамоасининг кам-кўплиги ёхуд катта-кичиклиги билан белгиланади. Шундай тиллар борки, у бир неча ўн миллионлаб шахсларни бирлаштиради ва шуларнинг мулоқот эътиёжи учун хизмат қилади. Масалан, хитой тили бир ярим миллиарддан ортиқ шахснинг мулоқот воситасидир. Шунингдек, инглиз, немис, рус, араб ва испан тилларида сўзлашувчиларнинг саноғига етиш қийин. Айтиш ўринда, саноқли шахслар мулоқоти учун хизмат қиладиган тиллар ҳам кам эмас. Масалан, Латвиядаги **ливонь** тили атиги **200** киши учун хизмат қилади. Ҳатто дунёда бир киши учунгина тушунарли бўлган «**она тили**» мавжуд экан. Бу Африка қитъасида яшовчи 87 ёшли кампирга қарашли **бикья** тилидир.

Дунё тиллари ичида айримлари жуда кўп сўзга эга бўлиб, бой тил ҳисобланади. Масалан, араб ва инглиз тиллари дунёнинг энг бой тиллари ҳисобланади. Тилларнинг «бой»лиги уларда амал қилувчи сўзлар миқдори билан белгиланади. Масалан, араб тили лексикаси **уч ярим миллиондан**

ортик сўзлардан таркиб топган бўлса, инглиз тилининг луғат таркибида **икки ярим миллиондан** ортик сўзлар мавжуд.

Ўзбек тили туркий тиллар ичида «бой»и ھисобланади. У юз мингдан ортик луғавий бирликка эга. Аксинча, шундай тиллар ھам мавжудки, уларнинг луғат таркибидаги сўзлар миқдори тўрт юзтага етмайди. Африканинг Гвинея мамлакатига қарашли маъаллий **таки** тилининг луғат таркибида бор-йўғи **340** (уч юз қирк) атрофида сўз бор экан.

Тиллар амалида кўзга чалинувчи бундай номутаносиб хусусиятлар тилларнинг ижтимоий вазифасини белгилаш учун ھам хизмат қилади. Тилларнинг вазифаси деганда, булардан ташқари, уларнинг этник жиҳатдан қандай тил жамоаларига хизмат қилиши ھам тушунилади. Тил жамоалари ھам ھар хил бўлади. Шу хусусият асосида этник жамоа тиллари қуйидагича гурунланади:

- 1) шева;
- 2) диалект (лаъжа);
- 3) халқ, миллат тили;
- 4) кариндош тиллар гуруњи;
- 5) тил оиласи.

Бу лисоний гурунлар қуйидаги этник гурунлар учун хизмат қилади:

- 1) этнографик гурун;
- 2) элат (этнос) ёки халқ;
- 3) этник уюшма.

1.Этнографик гурун

Этнографик гурун ё бирор-бир лаъжага, ёки унга қарашли шевалар гурунига тенглашувчи маданий-маиший хусусият касб этиши билан характерланади. Германияда яшовчи юқори ва қуйи *саксонлар, боварлар, баденцлар, вестфальцлар, шваблар, франконцлар* этнографик гурунга мисол бўлувчи этник жамоалардир.

2.Элат ёки халқ

Бу этник жамоани муайян тил, умумий бир ھудуд, муштарак маданий-маънавий ва реал маъмурий-иқтисодий имконият уюштиради. Туркий деб аталувчи лисоний жамоа доирасига қирувчи ўттизга яқин тил жамоаларининг ھар бири ХУ111 асрга қадар элат ёхуд халқ мақомида бўлган. Шулардан бири ўзбеклардир. Миллат даражасида шаклланга қадар ўзбек тил жамоаси элат (халқ) ھисобланган. Шу этник жамоа учун ўзбек тили элат, халқ тили мақомида хизмат қилган. Элат, халқ даражасида шакллангач, уларга хизмат қилувчи тил этник жамоанинг номига айланади. Масалан, ўзбек тили халқ тили даражада шакллангач, бу тилда сўзловчи халқ «ўзбек» номини олган.

3.Этник уюшма

Этник жамоа миллат даражасида шакллангач, у бир умумтилнинг лисоний жиҳатида сезилмас фарқ қилувчи этник гурунларини бирлаштиради. Ўз давлати, унинг белгили территорияси, сиёсий тузуми ва унга хизмат қилувчи

мафқурасига эга бўлган этник жамоа этник уюшма ҳисобланади. Ўзбекистонда ўзбек, Тожикистонда тожик, Қирғизистонда қирғиз ва Ҳ.К. миллатлари этник уюшмалар мақомидаги тил жамоаларидир. Этник уюшма ҳар тарфлама меъёрлашган ёзма ва оғзаки шакллардаги адабий тилга эга бўлади. Бу тил шу этник уюшма (миллат)нинг давлат мақомидаги лисони ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўзбек тили, Тожикистонда тожик тили, Қирғизистонда қирғиз тили шу мамлакатларнинг давлат тилидир.

Булардан ташқари, этник уюшманинг тили **зонал тил** мақомидаги ижтимоий-коммуникатив вазифага ҳам эга бўлади.

Зонал тил – бу бир мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар хил этник жамоа вакилларининг коммуникатив эътиёжи учун хизмат қилувчи муштарак лисондир. Масалан, тожик тили Тожикистон Республикасида, давлат тили бўлишлигидан ташқари, шу мамлакат доирасида зонал тил бўлиб ҳам ҳисобланади. У тожик бўлмаган ўзбек, қирғиз, татар, туркман, қозоқ ва б. тил вакилларининг мулоқотида воситачи тил вазифасини бажаради.

Тилнинг амалий шакллари

Тилнинг амалий шакллари тилнинг этник гуруҳланиши билан қисман алоқадор бўлса-да, у ўзига хос социолингвистик тушунча сифатида тилнинг этник гуруҳланишидан фарқ қилади.

Тилнинг амалий шакли – бу унинг кишилиқ жамиятидаги муайян вазифасига мувофиқ ички қурилиши ва унинг конкрет қўринишларидан биридир. Тилнинг бу хусусиятини социолингвистик тушунча сифатида ўрганишга эндигина киришилган. Шу боис «тилнинг амалий шакллари» масаласи талқинида ҳозирча муштарак фикр йўқ.

Тилнинг амалий шаклларига тилнинг қуйидагича гуруҳланиши қиради:

- 1) адабий тил;
- 2) умумхалқ сўзлашув тили;
- 3) «пиджин» тили;
- 4) креоль тили;
- 5) қойне;
- 6) ҳудудий ва маҳаллий тиллар.
- 7) тилнинг ижтимоий тағ гуруҳлари.

27-§. Адабий тил ва унинг меъёрлари

Адабий тил миллат даражасида шаклланган тил жамоасининг умумий тилидир. У умумхалқ тилининг ривожланган юқори босқичи-миллий тил заминида пайдо бўлади. Умумхалқ тилининг адабий, ҳудудий, ижтимоий, касбий-мулоқот шакллари биргаликда миллий тилни ташкил қилади. Демак, адабий тил миллий тил таркибига қирувчи вазифавий лисоний шаклдир.

Адабий тил муайян фонетик ва луғавий тизими ҳамда грамматик қурилиши меъёрлашган тилдир.

Адабий тил оғзаки ва ёзма шаклларга эга бўлади. Адабий тилнинг оғзаки шакли унинг дастлабки шакли бўлиб, унинг ёзма шаклидан олдин вужудга келади. Адабий тилнинг бу шакли ягона умумхалқ тили ёки маъаллий лаъжа асосида шаклланади.

Адабий тилнинг оғзаки шакли халқнинг кўшиқ ва лапарлари, мақол ва маталлари, эртак, ривоят ва ыкояларида ўз аксини топади.

Ёзма адабий тил, ёзув пайдо бўлгач, вужудга келади. Адабий тилнинг бу шакли тил жамоасининг барча табақалари учун муштарак лисоний восита ыисобланади. Даврга қараб, ёзув ва унинг турлари ўзгариб, бирининг ўрнини иккинчиси эгаллаб бориши мумкин. Масалан, лотин графикасига асосланган янги ўзбек ёзувига қадар (*ыозирги Ўзбекистонда амал қиладиган ёзув*) ўзбек халқи руник (Урхун-Енисей), уйғур, араб, латин ва рус ёзувлари (*крилл асосидаги*)дан фойдаланган. Шоир, ёзувчи ва олимларнинг ижоди, даврга қараб, ана шу ёзувлардан бирида битилган.

Адабий тил ёзма ва оғзаки шакллар каби икки турга ажралса-да, бу икки шакл бири бошқасини инкор этмайди, балки бири бошқасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Адабий тил «меъёр» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Меъёр бу лисоний бирликларнинг тилнинг муайян қонун-қоидалари томонидан тартибга солинишидир.

Меъёр ыам, тил ва унинг адабий шакли каби, ижтимоий ыодиса. Шунингдек, у ижтимоий жараён маъсули, яъни ижтимоий жараёнда ижтимоий эътиёж туфайли шаклланади. Меъёрнинг шаклланиши лисоний бирликларни саралаб, улардан муносибини, маъқулини танлаб олишга асосланади.

Адабий тил меъёри маъқуллаб, танланган ва сараланган лисоний бирликлар мажмуасидир. Бу мажмуа ягона умумхалқ, умуммиллат адабий тилининг ривожланиши учун хизмат қилиши керак. Танланган, маъқулланган лисоний бирликлар тил жамоасининг барчасига бир хил хизмат қилиши зарур.

Шуниси ыам борки, меъёр фақат адабий тил учунгина зарур бўлган тушунча эмас. Бу тушунча лаъжа, маъаллий шевалар, тилнинг барча вазилавий тармоқлари учун ыам тегишли бўлади. Бироқ бундай меъёрларнинг амали чекланган бўлади, умумхалқ тилининг маълум бир «участкаси»да шу «участка» тил жамоаси учун хизмат қилади.

Меъёрийлик ыақида гапирганда, сўз ишлатиш меъёрларига алоъида эътибор бериш талаб қилинади. Бунда лексиканинг ыам, тилнинг ыамма ыодисаларида бўлгани каби, тараққиётнинг объектив қонунлари асосида ўсиб, ўзгариб бориши, ыозирги замон ўзбек тили лексикасининг тараққиёти, унинг байналмилал сўзлар билан бойиб бораётганлиги, бундай сўзларнинг аъамияти, халқлар ва тилларни яқинаштириш воситаси эканлиги; лексиканинг архаиклашувига чек қўйиш, сўз ишлатишнинг маълум меъёрларини шакллантириш ва расмийлаштириш йўллари ыақида маълумотга эга бўлиш кўзда тутилади.

Адабий тил меъёри масаласига келсак, у нутк маданияти билан узвий боғлиликдаги ва унга(нутк маданиятига) хизмат қилувчи тушунчадир. Зеро, нутк маданияти ва унинг амалини адабий тилсиз, унинг меъёрларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Нутк маданияти умумхалк маданиятининг таркибий қисмидир. Адабий тилнинг қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган, уни амалда, яъни ўз нутқида намунали кўрсата билган шахсларни маданиятли дейилади. Бундай шахслар умуммиллат тилини чин маънода «њурмат қилиш»дан ташқари, унинг ривожига муносиб њисса њам қўшадилар. Адабий тил меъёрлари шакллангач, дарсликлар ёзилади, њар хил мазмундаги луғатлар тузилади; бадий, саънавий асарлар яратилади. Шу мақсадларнинг амалга ошишида адабий тил меъёрлари хизмат қилади.

Меъёр тушунчаси адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари учун баравар тегишли бўлган њодисадир. Бироқ адабий тилнинг ёзма шаклига хос меъёр унинг оғзаки шаклига хос меъёрдан фарк қилади. Ёзма адабий тил меъёрларининг амали орфографиянинг моя ва қоидалари асосида бошқарилади. Оғзаки адабий тил меъёрлари асосан талаффуз (орфоэпия) билан алоқадор бўлади. Айрим мураккаб сўзларни, четдан олинган сўзларни умум томонидан бир хил ва тўғри талаффуз қилиш, сўз урғуларини ўз ўрнига тушириб талаффуз қилиш сингари бир қатор амаллар оғзаки адабий тил меъёрларига киради. Масалан, рус тили ва у орқали ўзбек тилига *директор*, *коллектор*, *лектор*, *ректор* ва њ.к бир қатор сўзлар ўзлашган. Уларни ёзилган шакли бўйича, њар бир њарфни у ифодалаган товуш билан айтилса, адабий тил талаффуз меъёрига риоя қилинмаган бўлади. Шунинг учун бу сўзларни *директыр*, *коллектыр*, *лектыр*, *ректыр* шаклларида айтилса, адабий тил талаффуз меъёрига риоя қилинган бўлади. Шунингдек, адабий талаффузи асосида уларни шу шаклларда ёзиш адабий тилнинг имло меъёрига зид бўларди.

Меъёр воситасида тўғри нутк тузилади ва бошқарилади. Бироқ тўғри тузилган нутк сўзланаётган вазиятга мос бўлмаслиги мумкин. Чунки тўғри сўзлаш, яъни тўғри нутк билан мақсадли сўзлаш фарк қилади. Тўғри, яъни меъёрий тузилган нутк мақсадга мувофиқ бўлиши учун сўзлар тўғри танланиши, сўз бирикмалари ва гаплар мақсадни аниқ рўёбга чиқара оладиган даражада тузилиши керак. Бу, айниқса, ёзма нутк ва унинг мақсадга мувофиқ тузилиши учун зарур ва шарт. Шунинг учун њам машъур ёзувчилар ўз асарлари матнини бир неча бор ўз таърирларидан ўтказганлар. Масалан, Абдулла Каъњор њар бир асарини, у њикоями, повестми, катъий назар, бир неча марталаб қайта ишлаган. Ёзувчи Саид Аъмаднинг гувоњлик беришича, А.Каъњор баъзи њикоялари матнини 27 мартагача қайта таърир қилган. Бу фикр Кибриё Каъњорованинг А.Каъњор хотирасига бағишланган «Чорак аср њамнафас» асарида њам айтилади.

Меъёр ва адабий тил тушунчалари ўзаро шу даражада боғлиқки, уларнинг бирини бошқасисиз тасаввур этиш номантикийдир. Айниқса, лисоний бирликлар ва уларнинг тизими меъёрлашмас экан, адабий тил њақида сўз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун адабий тилда унинг барча сатълари

меъёрлашган бўлади. Меъёрнинг тил сатълари бўйича турларига куйидагилар киради:

- 1) фонетик меъёр;
- 2) луғавий-маъновий меъёр;
- 3) талаффуз меъёри (орфоэпик меъёр);
- 4) оъанг (акцентологик) меъёр;
- 5) имловий(орфографик) меъёр;
- 6) сўз ясалиши меъёри;
- 8) синтактик меъёр;
- 9) услубий(стилистик) меъёр;
- 10) пунктуацион меъёр ва б.

28-§. Тилнинг оддий сўзлашув шакли

Оддий сўзлашув тили умумхалқ тилининг ўзига хос компонентларидан биридир. У, бир томондан, оғзаки адабий нутққа, иккинчи томондан, ھудудий лаъжаларга зид тушунчадир. Е.Д. Поливанов **оғзаки нутқнинг** тил жамоаси таркибига кўра фарқланувчи **лаъжа, оддий сўзлашув** ва **оғзаки адабий нутқ** сингари уч таркибий қисми мавжуд деб кўрсатган эди.

Тилнинг бошқа амалий шакллари каби, оддий сўзлашув ҳам тарихий категориядир. У тил ва тил жамоаси тараққиётининг турли этапларида ҳам ички лисоний қурилиши, ҳам амалий-вазифавий хусусиятларига кўра ھар хил бўлади. Сўзловчи шахс нутқида кўзга ташланувчи икки-уч оддий сўзлашувга хос унсурнинг ўзиёқ унинг қайси ижтимоий-лисоний гуруҳга мансублигини белгилайди. Оддий сўзлашув умумхалқ тилининг муштарак лисоний системага эга бўлмаган таркибий кўринишидир. «Оддий сўзлашув» ھозирги синхрон социолингвистика нутқи назардан кўп маъноли атамадир. У куйидаги маъноларда қўлланади:

- 1) умумхалқ нутқининг ноадабий сўзлашув шакли;
- 2) умумхалқ адабий тилининг **«камситилган»**, кўпол унсурли таркиби (ёки адабий сўзлашувнинг оддий шакли).

Куйидаги хусусиятлар оддий сўзлашувнинг асосий белгилари ھисобланади:

- 1) нутқнинг меъёрлашмаганлиги;
- 2) стилистик жиҳатдан дифференцияланмаганлиги;
- 3) факультатив тарзда ишлатилиши;
- 4) маҳсул ёзувга эга эмаслиги;
- 5) вазифавий «монотон» бирликлардан иборатлиги, абсолют синонимиянинг кенг тарқалиши.

Оддий сўзлашув, лисоний нуқс ва ғайринутқий хусусиятларга бой бўлишидан қатъий назар, у тил таркибининг ўзига хос амалий шакли ھисобланади. У миллий тилнинг ўзига хос амалий компоненти дир. Ана шу жиҳатдан оддий сўзлашув социолингвистиканинг ҳам муھим объектларидан бири ھисобланади.

Оддий сўзлашув меъёрлашган умумхалқ адабий тилидан тил қурилишининг фонетик, морфем, морфологик ва синтактик каби барча сатъларига кўра фарқ қилади.

29-§. «Пиджин» тили ھاқида

Ҳар хил тил жамоалари ھудудида шу жамоалар сўзлашув нутқида хос «қоришма» лисон «**пиджин тил**» деб аталади. Бу «тил» Жанубий Хитойнинг кўп тилли портларида устама, яъни қўшимча мулоқот шакли тарзида пайдо бўлган. Бу «тил»нинг луғавий тизими хитой тили грамматикасига бўйсундирилган рус тили лексикаси заминиде шаклланган. «Пиджин»нинг лисоний қурилиши тўлақонли бирор-бир мустақил тилнинг лисоний қурилишига ўхшамайди.

«Пиджин» дастлаб савдо-сотиқ ишига хизмат қилиш мақсадида Хитой ва Россия чегарасидаги **Кяхта** шаърида вужудга келган ва «**рус тилининг хитой лаъжаси**» характерида бўлган. Бу тилда рус сўзлари, хитой тили грамматик қонун-қоидаcига биноан, турланмаган ва тусланмаган шаклда ишлатилади. Бу «тил» маъжозий ибора билан айтганда, «**рус тилида хитойча сўзлашмоқ**» характери ни касб этади. «**Кяхтача пиджин**»дан Хитойнинг Кяхтан шаърига қўшни **Маймачень** шаъри савдогарлари ھاма фойдаланган. Унда «хорошо», «молоко» типидеги русча сўзлар «**хо-ро-шо**», «**мо-ло-ко**» сингари бўғинлаб; «**прошу**», «**два**», «**жарко**» сингари сўзлар эса, «**порошу**», «**дува**», «**жареко**» шаклида бир бўғинга оширилиб талаффуз қилинган.

«**Пиджин тил**» дунёнинг Африка, Америка, Норвегия сингари бошқа мамлакатларида ھاма пайдо бўлган. Инглиз, француз, испан, португаль ва Европанинг бошқа тиллари асосида ھاма «пиджин тил» шаклланган. Ўша мамлакатларнинг маъаллий тиллари «**пиджин тил**» учун субстрат лисон вазифасини бажарган.

Пиджин тил **пиджинлашув** шароитида вужудга келади. Бунга қуйидагилар сабаб бўлади:

- 1) иқтисодий жиъатдан имтиёзли, лекин кам сонли ижтимоий гуруълардан таркиб топган таъсири кучли(доминант) этник қатламнинг бўлиши;
- 2) таъсири кучли (доминант) этник қатламга бўйсунувчи икки ёки ундан ортиқ этник қатламнинг бўлиши.

Пиджинлашув жараёнида таъсири кучли этник гуруънинг тили имтиёзга эга бўлади ва у пиджин мавжуд бўлган ھудудда асосий тил ھاисобланади. Шуниси ھاма борки, пиджинлашув туфайли имтиёзли тилнинг лисоний қурилиши содаллашиб, ўзгаради. Пиджин тилининг вужудга келишида **синергетика** ھодисасининг ھاма таъсири бўлади. Синергетика–бу тилнинг система «қоидаси»га терс амал қилувчи ھодисаларидир.

Пиджин тил, аниқроқ айтганда, турли тил жамоалари учун **устама тарзда** хизмат қилувчи «**қурамалашган**» алоқа воситасидир.

30-§. Креоль тили њаќида

«Креол тили» деб аталувчи махсус лисон социолингвистиканинг муњим ањамиятга молик тушунчаларидан биридир. Бу тил дунёнинг ўн миллионга яќин ањолиси учун хизмат ќилувчи коммуникатив воситадир.

Креол тили «пиджин»га маълум даражада ўхшайди. Бироќ «креоль» ва «пиджин» тиллари ўзига хос муњим томонлари билан ўзаро фарќ ќилади.

«Креоль тили»нинг «пиджин»дан социолингвистик жињатдан фарќи аввало шундаки, «пиджин»га асос бўлувчи субстрат лисон айрим савдогарлар ва миграцион табаќалрига мансуб бўлиб, бирор-бир этник жамоанинг она тили њисобланмайди. Креоль тили эса ундай эмас. У шаклланган луѓат таркиби(лексикаси) ва мукамаллашган грамматик ќурилишга эга бўлган тўлаќонли тилдир. **Креоль** тили, табиий тиллар каби, ўз ички омиллари асосида ривожланиш имкониятига эга бўлган мустаќил тилдир. «Креол»нинг коммуникатив амали «пиджин»дан бошланган бўлса-да, лисоний ќурилиши жињатидан мустаќилликни ќўлга киритган меъёрий тилдир. «Креол»дан фарќли равишда, «пиджин» њеч ќачон бирор-бир этник гуруњнинг она тили бўла олмайди. «Креоль» эса, мауаян бир этник жамоанинг она тили сифатида шакллана олади. У њатто халќаро тил маќомини њам ќўлга кирита олиши мумкин. Ыозирги ваќтда дунёнинг кўп жойларида «креол»га ўтиш њаракати авж олган. Хусусан, Кариб њавзаси атрофи, Африка, Ыинд континентлари, Малазия архипелаги ва Шарќий њинд ороллари атрофи, Маккао, Гонккок, Шанхай шањарлари этник жамоалари «креол»ни ўзларининг она тили сифатида расмийлаштирмоќдалар. Шунингдек, бундай њаракат натижасида Филиппин оролларида **креол-испан** диалекти њам вужудга келган.

Креоль тилига баъзан паралингвистик воситалар њам њамроњлик ќилган. Масалан, Янги Гвинеяда фаолиятда бўлган **ток-писин** креоль тилида айрим сўзларнинг маъноси юз ишоралари билан билдирилган. Бу креолда њам сўзларнинг грамматик жињатдан тўѓри турланишига ањамият берилмаган. Масалан, “*мой дом*” шаклида ифодаланиши лозим бўлган грамматик шакл ток-писинда таржимаси “*дом меня*”га тўѓри келувчи **hans bilong me** шаклидаги ибора билан аталган.

Ыозирги ваќтда креоль тилини, генетик манбага таянган њолда, структур (морфологик) жињатдан классификация ќилиш режалаштирилмоќда; шунингдек, умумкреоль тили грамматикасини тузишга њам киришилган. Бу тадбирлар њозирги умумий социолингвистиканинг кун тартибидаги долзарб муаммосига айлантирилган.

31-§. Койне њаќида

Койне грекча сўз бўлиб, «умумий шева» (общее наречие) деган маънони билдиради. Койне фанда тилнинг вазифавий типларидан бири маъносида ишлатилади.

Койне дастлаб эрамиздан олдинги 111—1 асрларда Қадимги Грецияда вужудга келган. У ўша давр тилининг амалий шаклларида бири бўлган. Дастлабки койне грек тилининг аттик лаъжаси базасида пайдо бўлган ва Грециядаги бошқа лаъжалардан устунлик қилиб, уларнинг истеъмолини чеклаган, уларни мулоқот жараёнидан сиқиб чиқарган. Койне ўрта грек ва янги грек тилларининг ривожланиши асосида амалга ошган умумий тилдир.

«Койне» атамаси ҳар хил тилли этник жамоалардан таркиб топган мамлакатларда амал қилувчи умумий коммуникатив восита маъносида ҳам ишлатилади. Бу маънода у бир ёки бир неча лаъжалар базасида вужудга келган ва ҳам шу лаъжа вакиллариининг алоқа воситаси вазифасини бажаради.

Ўзирги социолингвистик нуқтаи назардан «койне» кенг маънода муайян бир регионда амал қилувчи тилнинг оғзаки шаклидаги мулоқот воситасини билдиради. Койненинг шаъар койнеси, қишлоқ койнеси, мамлакат койнеси (ёки ареал койне) деб аталувчи турлари ҳам мавжуд. Масалан, Мали Республикасида **бамана(бамбара)** лаъжаси Бамако шаърида амал қилувчи койне ҳисобланади.

Койне тилнинг шаъар адабий тилларига асос бўлувчи шакли ҳамдир. Айрим ҳолатларда койне **пиджин** га ўхшаш вазифа ҳам бажаради. Бироқ койненинг пиджиндан фарқи шундаки, у пиджинга ўхшаш ҳар хил тил базасида эмас, балки бир тилнинг турли лаъжа ва шевалари базасида шаклланади. Баъзи койнелар яқин қариндош тиллар базасида ҳам вужудга келади.

Койне ривожланиб **креоль** даражасига етиши мумкин.

Койне фақат оғзаки шаклга эга адабий тилдир. Бироқ ўтмишда унинг ёзма адабий шакли ҳам бўлган. Масалан, **лотин** ўрта асрларда Европада илмий-ёзма адабий тил вазифасида ҳам хизмат қилган.

Койне асосида адабий тил ва унинг ёзма шакли вужудга келиши мумкин. Бу хусусиятни ўзирги айрим туркий тилларнинг шаклланишида ҳам кўrsa бўлади. Масалан, ўзирги татар миллий адабий тили қадимги турк, эски турк ва эски татар ёзма адабий тиллари заминида вужудга келган.

Маълум бўлишича, эски туркий тил барча эски туркий адабий тиллар учун койне мақомидаги умумий тил вазифасини ўтаган. Бунда қадимги туркий ёзма адабий тилнинг янги тарихий шароитга мослашган анъанавий нормалари асос ҳисобланган. Бу тил жамоасига ислом маданияти таъсир кўрсатиб, араб-форс тилларидан диний тушунчаларни ифодаловчи кўплаб луғавий бирликлар, ҳатто айрим товуш ва синтактик конструкциялар ўзлашиб, туркий тиллар учун умумий байналмилал луғавий фонд шаклланган. Бу луғавий қатлам, олимларнинг ҳисобига кўра, ўша давр туркий тиллар луғат таркибининг қарийб 80 фоизини ташкил қилган. Шу боис XV–XIX асрларда турли туркий халқларга мансуб шахслар нутқий мулоқотда бир-бирларини осон тушунган. Эски турк, эски озарбайжон, эски

Ўзбек, эски татар ва бошқа туркий ёзма адабий тиллар ана шу койне асосида шаклланган.

32-§. Ёудудий ва маъаллий тиллар

Дунёда, олимларнинг тахминий нисобига қараганда, 3000 тил бор. Шуларнинг, тахминан, 300 га яқини ўз ёзувига эга. Ёзувига эга тиллар –бу ёзма ва оғзаки шакллардаги адабий тилга эга бўлган тиллардир. Бундай тиллар турли даражадаги расмий-ахборот шаъобчалари, таълим-тарбия масканлари учун хизмат қилади, унда турли жанрлардаги бадий, оммавий, илмий-техникавий асарлар яратилади. Уларнинг айримлари халқаро, миллалараро, зонал тиллар вазифасида қўлланади, айримлари йирик этник жамоаларнинг миллий ва давлат тили сифатида хизмат қилади. Тожиқ, ўзбек, қирғиз, қозоқ ва б. тиллар шу тиллар номи билан аталувчи этник жамоаларнинг миллий-адабий тили мақомида иш кўрса, рус тили миллалараро тил сифатида фаолият юритади. Хитой, араб, испан, инглиз, франсуз ва рус тиллари зиммасида эса, икки хил характердаги ижтимоий-коммуникатив «юк» мавжуд:

а) улар ҳам муайян бир мамлакатда шу мамлакат асосий, ерли аъолисининг миллий давлат тили;

б) дунёнинг халқаро тили.

Ёудудий тиллар ўз ёзувига, ягона адабий тилига эга бўлмаган кичик этник жамоаларнинг маъаллий тилидир. Бундай тиллар лаъжа ёки диалект деб юритилади. Улар таълим-тарбия тизимларида, матбуот шаъобчаларида хизмат қилмайди, муайян бир ёудудда шу ёудуд аъолисининг коммуникатив воситаси сифатида хизмат қилади, холос. Ёудудий тил фақат оғзаки шаклда бўлади.

Ёудудий тиллар, ўз навбатида, нисбатан кичик этник гуруълар учун хизмат қилувчи маъаллий «тил»ларга бўлинади. Ёудудий тиллар доирасида амал қилувчи бундай тилларни шевалар деб аталади.

Ёудудий тил вазифасидаги лаъжа ёки диалектлар ҳам, маъаллий тил вазифасидаги шевалар ҳам фонетик, луғавий ва грамматик қурилиши жиъатидан фарқ қилади. Ёудудий ва маъаллий тиллар, яъни лаъжа ва шевалар тил фанининг **д и л е к т о л о г и я** деб аталувчи тармоғида ўрганилади.

33-§. Тилнинг ижтимоий таг гуруълари

«Лаъжа», яъни «диалект» атамаси кенг ва тор маънолардаги умумлингвистик тушунчаларга нисбатан ишлатилади. «Тил» атамаси ҳам шундай.

«Тил» атамаси тор маънода муайян бир халқ, миллатнинг коммуникатив эътиёжи учун хизмат қилувчи алоқа воситасини билдирса, кенг маънода тил ва унинг доирасидаги барча ижтимоий-вазифавий кўринишларига нисбатан

ишлатилади, яъни умумхалк тили нам «тил», унинг бирор-бир лаъжаси нам «тил», бир умумий лаъжа доирасида амал килувчи ички шевалар нам «тил».

«Лаъжа» атамасининг айна шу мавзуга оид моъияти нам унинг кенг маънодаги амалларидан биридир. Бу ўринда лаъжа «профессионализмлар», яъни касб-ҳунарга, фан ва техникага ва уларнинг айрим-айрим соъаларига оид лисон ва уларнинг вазифасига нисбатан ишлатилаётир.

Демак, ижтимоий лаъжалар нам «тил»нинг ўзига хос лисоний кўрилишга эга бўлган вазифавий кўринишларидан биридир. Ижтимоий лаъжалар умумхалк тили доирасида айрим ижтимоий табақаларга хизмат килувчи «ички» лисондир. Ижтимоий лаъжаларнинг «ички тил» дейилиши шу ижтимоий табақа қарашли бўлган умумхалк тилига нисбатандир. Бошқача таъбир билан айтганда, «ижтимоий лаъжа» -- бу *«тил ичидаги тил»*дир.

Ижтимоий лаъжалар нам бири бошқасидан лисоний кўрилишига кўра фарк килувчи бир қатор «ички тил»ларни ўз ичига олади. Улар, асосан, кўйидаги лисоний гуруҳларга тўғри келади:

- 1) бирор-бир касб-ҳунарга оид лаъжалар (*чорвачилик, боғдорчилик, кийлоқ хўжалиги, темирчилик, тикувчилик* ва б. соъалар «лаъжаси» ёки «тили»);
- 2) жамиятнинг айрим ижтимоий гуруҳларига қарашли «лаъжа» (*ёшлар, талабалар, ҳарбий хизматчилар, спортчилар* ва б. *ижтимоий табақалар учун хизмат килувчи махсус «лаъжа» ёки «тил»*);
- 3) шартли «тил»лар (*савдо ходимлари, санъаткорлар, туристлар* ва б. *табақалар учун хизмат килувчи махсус «тил»*);
- 4) жаргон ва арголар.

34-§. Тилга бериладиган «давлат» мақоми нақиди

Юқорида нам айтилганидек, тил жамоасининг тараққиёти қабила, уруғ, халк ва миллат сингари этник этаплардан иборат бўлади. Ҳар бир этник босқичнинг шу этник босқич учун хизмат килувчи тили бўлади. Этник жамоа босқичма-босқич ривожланиши билан мутаносиб равишда унинг тили нам ривожланиб боради: **қабила тили-- уруғ тили---элат тили---халк тили--миллий тил (миллат тили)** каби.

Тил жамоасининг этник тараққиёти унинг ўз миллий ҳудуди ва давлатига эга бўлиши билан белгиланади. Бу этапда этник жамоа ижтимоий ривожланишнинг юқори босқичида бўлади. Бу босқичда тил жамоаси ўз миллий маданияти, санъати ва руҳий алоҳидалиги ва мустақиллигига эга бўлади. Ҳудуддош ва ҳудуддош бўлмаган бошқа мамлакатлар ва уларнинг тил жамоалари билан иқтисодий, маданий, маънавий алоқалари нам ривожланишнинг юқори босқичига кўтарилади. Ҳар тарафлама ривожланишнинг бу босқичида лисоний жамоа асосий ерли аҳоли ҳисобланган мамлакатда унинг тили нам қонун йўли билан **«давлат тили»** мақомига эга бўлади.

«Давлат тили» муайян бир мамлакатнинг расмий лисони ھисобланиб, шу мамлакат қарашли бўлган давлатнинг мафқураси учун хизмат қилади. Давлат ва ھукуматнинг барча расмий ھужжатлари шу тилда олиб борилади. Расмий йиғинлар, анжуманлар, матбуот, илм-фан ва таълим жараёнларида устуворлик билан хизмат қилади.

Тарихдан шу нарса маълумки, жаъоннинг кўп миллатли айрим мамлакатларида икки ёки ундан ортиқ этник жамоа тили давлат тили мақомида вазифа бажарган. Масалан, ھар хил этник жамоалар тилига берилган бундай имтиёзни Швейцарияда кўриш мумкин. Бу мамлакатда ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ уч тил: немис, француз ва итальян тиллари давлат тили мақомида бир хил ижтимоий ھуқуққа эга бўлган.

Собиқ Иттифоқда, гарчанд расман амалга оширилмаган бўлса-да, иттифоқдош Республикаларда уларнинг асосий ерли аҳолиси тилига давлат мақоми берилган эди. Бу тилларга берилган юқори сиёсий имтиёз бўлиб, давлатни бошқариш, суд, матбуот, маориф ва иқтисодий муносабатларга оид барча расмий ھужжатлар, иш қўғозлари юритишда улар тенг ھуқуқли деб ھисобланар эди. Шунингдек, миллий тил улар қарашли Республикалар ھудудида алоқа-аралашувнинг етакчи воситаси вазифасини ھам бажарган.

15 та иттифоқдош, 20 та автоном республика, 8 та автоном вилоят, 10 та миллий округни ўз ичига олган собиқ СССРда 52 тил таълим-тарбия воситаси сифатида хизмат қилган; 65 та тилдан радио эшиттириш воситаси сифатида фойдаланилган; 75 та тилда бадиий ижод қилинган; 122 та тилда китоб, газета ва журналлар нашр этилган. Буларнинг барчаси давлат мақомидаги тилнинг ижтимоий вазифалари саналади.

35-§. Четдан сўз олиш – социолингвистик ھодиса сифатида

Тил тирик организмга ўхшайди. Тирик организм кўзга кўринарли, кўзга кўринмас ھужайра ва уруғлардан секин-асталик билан ривожлангани сингари, тил ھам аста-секинлик билан тадрижий равишда ривожланади. Ҳар қандай ривожланиш муайян бир асос ва омилларга таянгани каби, тилнинг ривожланиши ھам ўзига хос асос ва омилларга таянади.

Маълумки, тилни, унинг ижтимоий ва систем мавқеини ундаги сўзлар миқдори белгилайди. Чунки тилнинг амали сўзлар воситасида «ишга тушади», яъни «кучга қиради». Тилда сўзлар миқдори қанча кўп бўлса, у шунча ривожланган бўлади.

Тилдаги сўзлар икки омил асосида қўпаяди ва бу қўпайиш тил тараққиётини, ривожини белгилайди. Пайдо бўлган янги сўзлар ھисобига тилнинг ривожланиши икки асосий омилга таянади. Бу омилларнинг бири **ички омил**, иккинчиси **ташқи омил** дейилади.

Тил тараққиётининг ички омили, номига мувофиқ, тилнинг ичида, унинг ўз тизимида мавжуд бўлади. Сўзларга қўшимчаларни ва ўзак-негизларга ўзак-негизларни қўшиш билан янги сўзларнинг ھосил қилиниши, сўз

маъноларининг ўзгариши туфайли янги луғавий бирликларнинг ھосил бўлиши тил луғат таркибини (лексикасини) кенгайтиради, яъни бойитади. Тил лексикасининг – луғат таркибининг бойиши тилнинг ривожланиши демакдир. Ана шундай лисоний жараёнлар йўли билан тилнинг бойиши тил ривожланишининг **и ч к и о м и л и** дейилади.

Тил тараққиётининг ташқи омили, аталишига мувофиқ, четдан, яъни бошқа тиллардан ўтиб ўзлашган сўзлар ва уларнинг ўзга тилдаги амали билан алоқадор бўлади.

Бошқа тиллардан, яъни четдан кирган сўз ва ибораларни луғавий(агар у сўз бўлса) ва фразем(агар у ибора бўлса) **ў з л а ш м а** лар дейилади.

Муайян бир ھудудда соф ерли аъоли бўлмаганидек, дунёда соф тил ھам йўқ, бўлиши ھам мумкин эмас. Тилнинг софлиги ёки «нософлиги»ни шу тил бўйича яратилган луғатлардан билиш мумкин. Луғатга кирган сўзларнинг барчаси шу тилнинг фақат ўзигагина тегишли бўлса, у тилни «соф» дейиш мумкин. Бироқ дунёда бундай тил йўқ ва унинг бўлиши ھам мумкин эмас. Бу хусусиятни, узоққа бормасдан, ўзбек тили мисолида кўриш ھам мумкин. Масалан, «Ўзбек совет энциклопедияси»да, соф ўзбекча сўзлардан ташқари, 200 га яқин немис, 130 дан ортиқ инглиз сўзлари қайд этилган экан. 1981-йили Москвада икки жилда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоъли луғати»да эса немис тилига мансуб 170 дан, инглиз тилига мансуб 150 дан ортиқ чет сўз берилган. Бу ўзбек тили лексикасидаги герман тилларига мансуб луғавий бирликлар. Араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашиб, мазкур қомусларда қайд этилган «чет» сўзларининг миқдорига келсак, уларнинг «сони-бор-у, саноғи йўқ»..

Профессор Мирозиз Миртожиевнинг эътироф этишича, ўзбек тилида чет сўзлар миқдори 40 фоиздан ортиқроқ. Шу миқдорнинг 26 фоиздан сал кўпроғи рус тилига тегишли.

Тилда хорижий тил унсурларининг бўлиши фақат ўзбек тилидагина эмас, балки жаъоннинг барча тилларида кўзга ташланувчи умумий, муштарак хусусиятдир. Масалан, рус ва Ввропа халқлари тилларининг деярлисида улар лексикасидаги четдан ўзлашган сўзлар миқдори 60 фоиздан кам эмас.

Олимларнинг ھисобига кўра, ھозирги вақтда ўлик тил деб ھисобланувчи лотин тилида 7000 дан ортиқ ўзлашган сўз мавжуд экан. Шунингдек, немис тили лексикасида бир неча ўн минглаб сўз четдан ўзлашган бўлса, инглиз тили лексикасининг ярмидан кўпи ўзга тилларга мансуб экан. Рус тили лексикасида эса, 10 фоиздан ортиғроқ сўз бошқа тилларга қарашли экан. Буни вақтли матбуот материаллари тилини кузатиш йўли билан ھам билса бўлади.

Профессор Ф. Абдуллаевнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасинининг 1940-йил январь ойидаги нашри бўйича кузатишига қараганда, газета тилининг 50 фоиздан кўпроғи ўзлашган сўзларга тўғри келган. Шу жумладан, 22 фоизи араб тилига, 10 фоизи тожик тилига, 14 фоизи ўзбек тили лексикасининг рус-байналмилал қатламига мансуб бўлган. Шу олимнинг яна гувоълик беришича, 1920-йилларда ўзбек тили лексикасининг 30-32 фоизини араб сўзлари ташкил этган бўлса, атиги 2 фоиздан кўпроғи рус-байналмилал

сўзларига тўғри келган. «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1972-йил 15-март сониди эса яна бошқача далилга дуч келамиз. Унда 50, 2 фоиз ўзбек сўзлари, 10,1 фоиз тожик-форс сўзлари, 23,9 фоиз араб сўзлари, 15,8 фоиз рус-байналмилал сўзлари иштирок этган.

Четдан сўз ўзлашишига дунёнинг деярли барча мамлакатларида жуда кўплаб ахборот бюроларининг ташкил қилиниши ва бу бюроларнинг ҳар хил тиллар билан иш олиб бориши сабаб бўлади. Масалан, собиқ СССРда ТАСС (*Телеграфное агентство Советского Союза -- Совет Иттифоқи телеграф агентлиги*) бир суткада 1,5 миллион сўздан ортиқ ҳажмдаги хабарларни ҳар хил тиллардан қабул қилган ва уни қардош ва қардош бўлмаган бошқа халқларга тарқатган. Москвадаги иккита катта босмахона бошқа тиллардан рус тилига қилинган таржималарни чоп қилиш билан машғул бўлган.

Демак, маълум бўладики, тилдан тилга сўзларнинг ўтиши беасос ва бесабаб бўлмай, жамиятнинг маълум бир ижтимоий энтиёжи туфайли юзага келади ва шу энтиёжни қопловчи лисоний имконият сифатида амалга ошади.

Четдан сўз олиш жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида ҳар хил шакл ва ҳар хил характерга эга бўлади. Масалан, рус тили лексикасида қадимдан, айниқса, ХУ1 асрдан *алфавит, лексикон, металл, техника, театр* сингари грек; *автор, экзамен, структура, экскурсия, лаборатория* сингари латин луғавий ўзлашмалари бўлган.

ХУ11 асрнинг охири, ХУ111 асрнинг бошларида, яъни Пётр Биринчи ҳукмронлиги даврида рус тилига **голланд** тилидан денгизчиликка (*гавань, руль, карта, трап*); **немис** тилидан техника ва савдо-сотиққа (*верстак, слесарь, галстук, фартук, ландшафт, мольберт*) ва **француз** тилидан қийим-кечак ва кундалик турмушга (*жилет, пальто, этаж, кабинет, сервис*) оид сўзлар оқиб кира бошлаган.

Рус тилига бошқа тиллардан сўзларнинг кириб келиши кейинги ва ҳозирги даврларда ҳам тўхтаган эмас.

Рус тилидаги чет сўзлар бир неча луғавий-семантик қатламларни ташкил қилади. Шуларнинг бири сифатида автомобиль билан боғлиқ машинасозликка оид сўзларни мисол учун олиб, уларни замонавийлигига кўра, уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) «эски» ўзлашмалар;
- б) «янги» ўзлашмалар;
- в) кенг маънода ишлатилувчи ўзлашмалар.

Рус тили лугат таркибидаги *шоссе, шофёр, такси, таксамотор, парк, мотоцикл* сингари ҳозир ҳам актив истемолда бўлган сўзлар билан бир луғавий-семантик гуруҳга мансуб, лекин ҳозир архаиклашган *омнимус, локомобиль, студебеккер, паккард, форд* сингари сўзлар ҳам мавжудки, улар рус тили лексикасининг архаиклашган «эски» ўзлашмалари қатламига мансуб.

Ўтган асрнинг 30-йилларида рус тилига итальян тилидан йўл қурилишига оид *автострада*, немис тилидан *трасса*, француз тилидан *магистраль, эстакеда* сингари сўзлар кириб келди.

36-§. «Олинма» ва «ўзлашмалар»

Четдан сўз олиш билан боғлиқ бир қатор социолингвистик тушунчалар бор. Шулардан бири «олинма» ва «ўзлашма» атамалари билдирган тушунчалардир.

«Олинма»--бу умуман четдан (бошқа тилдан) кириб келган лисоний унсур. У сўз, морфема, фразема ва ҳатто фонема характерида бўлиши мумкин. Демак, олинма четдан қирган лисоний бирликнинг ўзга тилдаги дастлабки ھолати, «фаолияти». Олинма тил жамоасининг муайян бир гуруҳи учун маълум бўлади, тил жамоасининг ҳамма аъзолари нутқий фаолиятида бир хил меъёр ва бир маромда қўлланмайди. Олинма ўзга тил жамоаси нутқий фаолиятига секин-аста мослаша боради. Бу жараёни лисоний **адаптация** дейилади. Четдан қирган лисоний бирлик (олинма) ўзга тил жамоаси нутқида тўла-тўқис сингишса, у ўзлашмага айланади. Чет лисоний унсурунинг ўзга тил жамоаси томонидан чин маънода ўзлаштирилиши лисоний **ассимиляция** дейилади («*ассимиляция*» атамаси кенг маъноли, у тилларнинг чапишувидан ҳам бор, бу ҳақда юқорида айтилган эди). Ассимиляциялашган чет тил лисоний бирлиги ўзга тилнинг ўз мулкига айланади. Ассимиляциялашган лисоний бирликлар (асосан сўзлар, қисман, аффикс морфемалар) ўзга тилнинг грамматик қонун-қоидаларига ҳам «сингишиб», ўз тил луғавий ёки аффиксал бирликлари каби, сўз ясаши жараёнида ҳам иштирок этади: тил ривожланишининг ички омилларидан бири сифатида ўзга тил ривожланишига иккинчи марта ھисса қўшган бўлади (бу ҳақда қўлланманинг иккинчи қисмида алоҳида маълумот берилади).

Хуллас, четдан сўз олиш тилни, унинг мавқеини зинҳор-зинҳор камситмайди. Четдан сўз олиш тил жамоасининг дунёқараши ва маънавий савияда юксаклигини ҳам билдиради. Чунки четдан сўз олиш миллатнинг, халқнинг чет сўз мансуб бўлган тил жамоаси билан иқтисодий, маданий, маънавий алоқасига, улар билан дўстона муносабатига реал ишорадир.

Ёзув ва тил муносабати

37-§. Ёзув ва унинг тарихий-ижтимоий турлари наќида

Ёзув ва унинг пайдо бўлиши тилнинг ижтимоий ривожланишини белгиловчи энг муњим ва асосий омиллардан биридир. Адабий тил ва унинг ёзма шакли ёзувнинг пайдо бўлиши ва вазифага киришуви билан белгиланади. Ёзувнинг пайдо булиши тилнинг ривожланишинигина эмас, балки тил жамоасининг – кишилик жамияти ва унинг ижтимоий савиясининг ривожланишини њам белгиловчи барометрдир.

Тилнинг, муайян бир этник тилнинг эмас, балки умуман тилнинг, пайдо бўлиши канчалик чуќур ва узоќ тарих билан боѓлик бўлганидек, ёзувнинг пайдо бўлиши њам ўта чуќур ва узоќ тарихга эга.

Ёзувнинг дастлабки прототипи шартли график шаклда бўлмаган. У шартли равишда «ёзув» деб аталган бўлса-да, аслида муайян маќсадни рўёбга чиќарувчи символик характердаги нарса-предметлар бўлган. Муайян маќсадга йўналтирилган фикрни ифодалаш мнемоник белгилар зиммасига юкланган бўлиб, у шартли ибора билан «пиктографик ёзув» деб аталган. Масалан, маълум бир муњим фикрни эсдан чиќармаслик учун рўмолчанинг учини туѓиб кўйиш мнемоник белгилар воситасида «ёзиш»нинг ќолдиќлари бўлса керак. Бундай ёзув наќида эрамиздан олдинги бешинчи асрда яшаб ўтган юнон тарихчиси Герододнинг ёзишича, форсларнинг скифлар мамлакатига юриш ќилишидан хабар топган скиф шоѓлари Эрон шоѓи Дорога элчи орќали кимматбањо буюмлар билан бирга, **ќуш, сичќон, ќурбаќа, бешта камон ўќи** юборади. Доронинг Кўбро исмли аёни юборилган бу нарсалар асосида: **«Агар Сиз, форслар, ќуш каби осмонга учиб кетолмасангиз, сичќонлар каби ер остига беркинолмасангиз, ќурбаќалардай ботќокликдан ўтиб кетолмасангиз, ана шу ўќлардан њалок бўласиз, орќага ќайтиб кета олмайсиз»** деган фикрни «ўќийди».

Мнемоник характердаги нарса-предметлар ёрдамида «фикр узатиш» ёзув яратиш йўлидаги илк қадам саналган. Нињоят, ёзув яратиш йўлидаги биринчи росмана қадам фикрни расмлар воситасида узатиш характердаги **пиктографик** ёзувнинг пайдо бўлиши билан яқун топди. Пиктография (яъни

расм) билан чин маънодаги ёзув ўртасида маълум бир узвий алоқадорлик бор, албатта. Биринчидан, расм ҳам, ёзув ҳам шакллар ва уларнинг комплексидан иборат бўлади, Иккинчидан, униси ҳам, буниси ҳам нима биландир(ёзув **күроли** билан, албатта,) амалга оширилади. Учинчидан, расм ҳам, ёзув ҳам муайян бир маънони, унга асосланган фикрни рўёбга чиқаради ва ь.к. Дарњақикат, бундан миллион йиллар муқаддам лойдан ясалган мосламаларга, суяклар ва тоғ-у тошларга битилган расм-ёзувларнинг борлиги ьақида археология фани гувоълик беради.

Пиктографик ёзувнинг тараққиёти идеографик деб аталувчи ёзувгв бориб тақалади. Пиктографик ёзув дунёдаги бошқа барча расмий ёзувларнинг асоси бўлиб хизмат қилди. Пикрографик ёзувнинг ихчамлашиши, такомиллашиши натижасида идеографик ва силлабик ёзувлар вужудга келди. Нарса-предметларни билдирувчи расмий шакллар кейинчалик шу нарс-предметларнинг номини билдиришга хизмат қилди. Улар бора-бора идеографик ва иероглафик белгилар сифатида муайян сўзларнинг ифода шаклларига айланди. Шулар асосида эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликларда миср ва хитой иероглификалари, шумер миххатлари пайдо бўлди.

Ёзувнинг **интерлингвистика** томонидан ўрганиладиган шартли турлари ҳам бор. Улар халқаро сунъий тиллар ёзувига мўлжалланган. Бундай халқаро сунъий ёзувлар системаси **пазиграфия** деб аталади. Ёзувнинг бу турига голланд олими К.Янсен томонидан ихтиро қилинган **пикто** расм-ёзуви мисол бўлади. Шунингдек, **пазиграфик** ёзув турларидан бири сифатида рақамли (цифровое письмо) ёзув ҳам ихтиро қилинган эдики, унда ьар бир сўз унга шартланган алоъида рақамлар ёрдамида ифодаланлади. Бироқ **пазиграфик** ёзув халқаро сунъий тиллар ёзуви сифатида кенг тарқалмади. Улардан амалда фойдаланилмади.

Њақиқий маънодаги ёзув системаси дастлаб Қадимги Шарқда—Ўрта ер денгизининг шарқий қирғоқларидан Тинч океанининг ғарбий қирғоқларигача бўлган жуда кенг ьудудда вужудга келди.

Ёзувнинг кейинги тараққиёт босқичи бўғин ёзуви бўлиб, у эрамиздан олдинги икки минг йилликларнинг ўрталарида пайдо бўлди. Бўғин ёзувининг такомиллашуви натижасида ьарф-товуш ёзуви шаклланди. Бу ёзув дастлаб финикия ёзуви номи билан эрамизнинг иккинчи минг йилликларининг ўрталарида Финикияда вужудга келди. Бу ёзув фақат ундош товушларни ифодаловчи 22 ьарфдан иборат бўлган. Унли тофушларни ифодаловчи ьарфлар бўлмаган. Эрамиздан олдинги минг йилликларга келиб, финикия ёзуви тизимида унли товушларни ифодаловчи ьарфлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Унли товушларни ифодаловчи финикия ёзуви асосида қадимги грек ёзуви шаклланган. Бу тахминан эрамиздан олдинги тўққизинчи асрга тўғри келади. Бу ёзувда сўзлар бир-бирига тиркалиб, «пробелсиз»(сўзларни ўзаро ажратиб турувчи бир ьарф ьажмидаги оралик) ёзилган. Бу ёзув мумтоз (классик) грек ёзуви номи билан машъур бўлган ёзув даражасида ривожланган. Бу ёзув 24 ьарфдан иборат бўлиб, уларнинг

7таси унли, 17 таси ундошларни ифодалаган. Бу ёзув асосида Европа мамлакатларидаги айтарли барча ёзувлар шаклланган.

Финикий ёзув негизида пайдо бўлган ёзувлардан яна бири оромий ёзувидир. У эрамиздан олдинги биринчи минг йилликларда вужудга келган. Бу ёзув ҳам фақат ундошларни ифодаловчи 22 ھарфдан ташкил топган. Оромий ёзувидан бошлаб матнда сўзлар ўзаро ажратиб ёзила бошлаган. Бу ёзув эрамизнинг 1У асрларида араблар таъсирида барҳам топган.

Оромий ёзуви асосида ھарф-товуш мутаносиблигини қисман акс эттирган суғд ёзуви вужудга келган. Бу ёзув ھозирги Тожикистон ва Ўзбекистон ھудудида қарийб минг йиллар амал қилган. Бу ёзувда ҳам асосан ундош товушларни акс эттирувчи ھарфлар қўлланган. Улар дастлаб 23 та бўлган, бора-бора ихчамлашиб, 17 ھарфда тўхтаган.

Оромий ёзуви тахлитидаги ёзувлардан яна бири эрамизнинг учинчи асрларида пайдо бўлган ва дастлаб 22 ھарфдан иборат бўлган паълавий ёзувидир. Бу ёзувда ундош ва чўзиқ унлилар алоҳида-алоҳида ўз шаклларига эга бўлган.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар қадимдан фонографик характердаги суғд, паълавий, Урхун-Енисей (руник), уйғур, араб ёзувларидан кенг фойдаланиб келган бўлсалар-да, уларнинг энг қадимги ёзуви сифатида Урхун-Енисей ёзуви хизмат қилган. Бу ёзув 35 ھарфдан ташкил топган. Уларнинг 8 таси унлиларни, қолганлари ундошларни ифода этган, тиниш белгилари бўлмаган. Туркий халқларнинг кўпчилиги бу ёзувдан араб ва уйғур ёзувларига ўтишган.

Уйғур ёзуви суғд ёзуви асосида вужудга келган. Уйғур алфавити уч хил шаклда ёзилувчи 19 ھарфдан иборат бўлган. Улар асосан жарангсиз ундошларни ифодалаган. Уйғур ёзуви ўз амалини араб ёзувига ўтказган. Араб ёзувида ھарфлар асосан ундош товушларни ифодалаган. Бу ёзув ҳам дастлаб 22 консонант ھарфдан иборат бўлган.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбеклар ҳам узоқ вақт араб ёзувидан фойдаланиб келди. Ниҳоят, 1929-йилга келиб, Ўзбекистонда араб ёзуви ўрнига латин ёзуви қабул қилинди. 1940-йилга келиб эса, крилл асосидаги рус ёзувига ўтилди. Ўтган асрнинг охирида Ўзбекистонда яна латин ёзуви қабул қилинди.

Хуллас, ёзув тилнинг тараққиёт даражасини белгиловчи бош омиллардан бири ھисобланади. Бироқ ёзув тил билан мутаносиб эмас. Тил тараққиёти инсоният тараққиёти билан мутаносиб тарзда узоқ тарихга эга.

Тил узлуксиз тараққий этишда бўлади. Ёзув эса, ундай эмас. У тараққиётда ҳамма вақт тилдан анча ва анча ортда юради. Ундаги ўзгариш халқ томонидан эмас, балки айрим шахслар томонидан амалга ошади.

Умуман олганда, ёзув ва унинг пайдо бўлиши кишилик жамиятининг улкан ютуқлари самарасидир. Ёзув тилнинг коммуникация воситаси вазифасини ёзма нутқ шаклида амалга оширувчи бебаҳо ижтимоий имкониятдир.

38-§. Ҳарф ва товуш муносабати

Сўз маъноларини рўёбга чиқаришда инсон товуши каби изчил сигнал системаси бўлувчи бошқа восита ҳам бор. Бу ёзувдир. Ёзув ھарфлар тизимига асосланади. Унда ھарф ёки ھарфлар «занжири» (комплекси) худди товуш ёки товушлар «занжири» (комплекси) каби маълум маънони ифода этади. Бирор маънони ифода этувчи ھарфлар «занжири»(комплекси) иккинчи бир маънони ифода этувчи ھарфлар «занжири» (комплекси) билан бир хил бўлмайди. Масалан, *киш* билан *куз*, *кўз* билан *кўк*, *тил* билан *тер* сўзлари ўзаро фарқланса, улар ёзилишда шу товушларни ифодаловчи ھарфларнинг ھар хиллиги билан фарқланади. Уларда ҳам ھар бир ھарф «занжири»ни иккинчи ھарф «занжири»и билан ёнма-ён қўйиб, улар ифодасидаги маъноларни уйғунлаштириш мумкин. Масалан, «**Бизникига кел!**» Бу ўринда ҳам ھарфларнинг икки «занжир»и (*б-и-з-н-и-к-и-г-а; к-э-л*) бор. Ҳар бир «занжир» ўзича маъно ифода этиб, улар яна бир умумий мазмунга уйғунлашади.

Ҳарф ёки ھарфлар «занжири» худди товуш ёки товушлар «занжири» каби маъно ифода этиш имконига эга бўлса ҳам, улар сўз бўла олмайди. Улар маъно ифодаловчи товуш ёки товушлар «занжири» -- сўзни ёзувда шаклга киритиш учун хосланган шартли белгилардир. Шу жиҳати билан улар коғоз пул, валюта, аккредитив чек, заёмга ўхшайди. Коғоз пул, валюта, аккредитив чек, заём кабилар киши меънатига бериладиган ھاқ ھисобига белгиланган, давлат тасдиғи бўлган расмий ва шартли ھужжатлардир. Агар улар меънат ھاқига гувоҳлик бермаса, бирор-бир тайинли қимматга эга эмас. Ёзув ҳам сўзни ва сўзлар бирикувидан таркиб топган гапни ифодалай олмаганда, ўзича бирор-бир қимматга эга бўлмас эди.

Коғоз пул, валюта, аккредитив чек, заём кабилар билан ёзув кўп жиҳатлардан ўхшашдир. Пул кабилар меънат ھاқини тартибга солиш ва уни жамғариш хусусиятига эга. Ёзув ҳам шундай. У сўз маъноси орқали билдирилган фикрларни тартибга солади. Пул кабилар меънат ھاқини бир шахсдан иккинчи шахсга, авлоддан авлодга мерос сифатида олиб ўтади. Ёзув ҳам сўз маъноси орқали билдирилган фикрларни бир шахсдан иккинчи шахсга, авлоддан авлодга мерос сифатида олиб ўтади. Ёзув ва унга қиёсланаётган пул каби нарсаларнинг умумий ва ўхшаш яна бир томони шундаки, уларнинг ھар иккиси ҳам ижтимоий ھодисадир. Бироқ уларнинг бири – пул сингарилари жамиятнинг ўзига, унинг турмуш эътиёжига тегишли бўлса, иккинчиси ёзув – жамиятнинг тилига, унинг ёзма шаклига тегишлидир. Шу боис пул сингари воситаларни жамиятшунослик фанининг иқтисодиёт тармоғи ўрганади. Ҳарфлар тизимига асосланган ёзув эса, тил фанининг социолингвистик соҳасида ўрганилади. Социолингвистиканинг ёзув ва унинг вазифа амали билан боғлиқ хусусиятларини ўрганувчи тармоғи **грамматология** дейилади.

Ёзувнинг асоси ھисобланган ھарф товушга нисбатан анча устунликка эга бўлишига қарамай, унинг маъно ифода этувчи «занжири» сўзнинг ўзи эмас, балки унинг «сояси», «расми»дир. Шунинг учун ижтимоий ھاётда пайдо бўлган ھар қандай янги тушунча дастлаб товуш ёки товушлар «занжири»да ўз

аксини топади, кейин ёзув орќали шаклга киради. Шунингдек, товуш фикр алмашиш жараёнида ёзувга нисбатан кўп қулайликларга эга. Товуш исталган жойда, исталган вазиятда, исталган пайтда ھосил қилинаверади. Ёзув эса, ундай эмас. У исталган пайтда, исталган жойда амалга ошмайди. Ёзувнинг амалга киришуви кўп нарсани талаб қилади. Биринчидан, унга хосланган «қуроллар»сиз (қоғоз, ручка ёки қалам) ёзув амалга ошмайди. Иккинчидан, ёзувни амалга оширишда алоҳида шарт-шароит зарур бўлади. Масалан, сув ичида ھам, югура кетиб ھам, тунда ھам, осмонда учиб ھам товушни ھосил қилавериш мумкин, бироқ бундай шароит ва вазиятларда ёзувдан фойдаланиб бўлмайди. Булар ёзувнинг товушга нисбатан чекланган имкониятини билдиради.

Қандай бўлишидан қатъий назар, ёзув тил тарққиётини белгиловчи муњим омилдир. Жамиятнинг маънавий, маданий, адабий-бадиий «бойлиги» ёзув орќали авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтади. Шу боис ёзув социолингвистика ўрганадиган муњим ижтимоий имкониятдир.

39-§. Пунктуация ва унинг лисоний-ижтимоий ањамияти

Ёзма нутќни, унинг коммуникатив моњиятини ёзувсиз тасаввур этиш қийин бўлганидек, сўзловчи(ёзувчи)нинг ёзув орќали билдирмоќчи бўлган маќсадини пунктуациясиз ھам тасаввур этиш қийин. Оғзаки нутќнинг имкониятлари чексиз. Унда тингловчи сўзловчининг кўз олдида туради. Шунингдек, оғзаки нутќда сўзловчининг мантиқан бўрттирилган маънони ифодаловчи «сўз»и шаклсиз, турли оњанг ва гавда, қўл ھаракатлари, юздаги ھар хил ишоравий ھаракатлар ёрдамида ھам тингловчига мавълум бўлиши мумкин. Бироқ бундай кенг имкониятлар нутќнинг ёзма шаклида йўќ.

Ёзма нутќ, унинг қўриниш ва ички гуруњлари, улар билан боғлиқ лисоний ва нолисоний хусусиятлар, асли, социолингвистик ањамият касб этувчи ижтимоий ھодисалардир. Бироқ социолингвистика масалалари билан шуѓулланган мутахассислар негадир пунктуация масалаларини эътибордан четда қолдирган. Аслида, нутќнинг ёзма шаклини, унинг коммуникатив ва прагматик имконияти ھамда моњиятини пунктуациясиз, унинг амалдаги моя ва қонун-қоидаларисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Пунктуация ва унинг қонун-қоидалари туфайли ёзма нутќ оғзаки нутќ билан мувофиқлашади. Адресант-ёзувчи кўзда тутган коммуникатив маќсад ўқувчи-адресатга бирор-бир нуќссиз осон ва аниқ маълум бўлади.

Ёзув ва унинг ھар хил ھудудий турлари тилдан анча кейин пайдо бўлгани каби, пунктуация ва унинг моя ھамда қонун-қоидалари ھам ёзувдан анча кейин пайдо бўлган. Сўзларнинг бири бошқасидан ажратиб ёзилмаслиги, ажратиб ёзишнинг ёзувнинг тараққиёт босқичида пайдо бўлганлиги ھақида бундан олдинги параграфларда айтилган эди. Дарњаќикат, пунктуация график ёзув билан бир ваќтда пайдо бўлмаган. У ёзув тўлиқ стабиллашиб, ривожлангач, пайдо бўлган.

Тил, ёзув қандай ижтимоий эътиёж туфайли пайдо бўлган бўлса, пунктуация ھам ана шундай эътиёж туфайли вужудга келган.

Пунктуациянинг дастлабки илк «қадами» сўзларни бир-биридан ажратиб, пробел билан ёзишдан бошланган.

Хуллас, пунктуация ҳам тил, ёзув каби ижтимоий ھодисадир. Даврлар ўтиши билан, тил ва ёзув тараққий этиб боргани каби, пунктуация ҳам ўзгариб тараққий этиб борган. Дастлаб тиниш белгиларининг қўйилиши, усули, вазифаси ھозиргидай аниқ бўлмаган. Масалан, тиниш белгиларининг дастлабки қўриниши юлдузча ва ромба шаклида бўлган. Ўндан ортиқ ишора нукта вазифасида ишлатилган. Нуктанинг ишлатила бошлаши XIX асрнинг охиридан бошланган. Сўнгра нукта вазифасида ишлатилувчи юлдузча ва ромба шаклидаги шартли белгилар «фаолиятига» чек қўйилган.

Пунктуация, ёзувда бўлгани каби, пунктуация ва унинг тизими барча тилларда бир вақтда пайдо бўлмаган. У айрим халқлар ёзувида олдинроқ, айримларида кейинроқ шаклланган. Масалан, рус ёзувида пунктуация ҳақидаги тушунчалар XVII асрда пайдо бўлган бўлса, ўзбек ёзувида XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин пайдо бўлган. Шунингдек, улар тизимида тиниш белгиларининг миқдори ҳам бир хил бўлмаган. Масалан, инглиз тили пунктуацияси 12 тиниш белгисидан иборат бўлган. Унда дефис ва апостроф ҳам тиниш белгиси ҳисобланган. Бошқа тиллар, шу жумладан, ўзбек тили пунктуацияси тизимида 10 та тиниш белгиси мавжуд.

Тилнинг бошқа ھодисаларида кузатилганидек, айрим тиниш белгиларининг ишлатилишида полифункционаллик хусусияти мавжуд. Масалан, вергул ёзма нутқда ажратиш, чегаралаш, изоҳ, таъкид сингари маъноларни ифодалаш вазифаларини бажарган.

Пунктуация зиммасидаги нутқий-лисоний вазифалар ҳам ҳам хил. Уларга қуйидагилар киради.

1. Ёзувчи шахс билан ўқувчи шахс ўртасида ёзув орқали амалга оширилган коммуникатив алоқанинг тўғри ва аниқ амалга оширилиши таъминлаш. Масалан, «Тонг!» ва «Тонг?» шаклидаги номинатив гапларнинг биринчиси сўроқ маъносини, иккинчиси ҳис-ҳаяжон маъносини билдираётганлиги шу гаплар охирига қўйилган «!» ва «?» белгилари орқали англашилади.

2. Сўзловчининг гап воситасида кўзда тутган мақсадини билдиради. Масалан, охирига нукта қўйилган гапларда хабар бериш, сўроқ белгиси қўйилган бўлса, ўзига номаълум факт ва далилларни сўраш, ундов белгиси қўйилган бўлса, қатъий буйруқ ёки ҳис-ҳаяжон маъноларини англаш каби.

3. Адресантнинг гап орқали билдираётган фикрини тўлдириш, унинг айрим қисмларини изоҳлаш кабиларни билдиради. Бу маънолар уюшиқ ва ажратилган бўлакларнинг, ундалма, кириш ва киритмаларнинг вергуллар, тире ёки қавс ичига олиниши орқали англашилади.

4. Фикрнинг раволигини таъминлаш учун ھизмат қилади. «Отам – инженер», «Душанбе – Тожикистон пойтахти» сингари гапларга қўйилган тире айни шу вазифани бажаради.

Хуллас, тил, ёзув умумхалқ маънавий ва маданий бойлиги саналгани каби, пунктуация ва унинг тизими ҳам умумхалқ маърифий бойлигидир. Нутқнинг адабий ёзма шаклининг ھолати, унинг мавқеи ва ривожланишида пунктуациянинг аҳамияти чексиз ва беназирдир.

Пунктуация талаффуз ва имлода муъим аъамият касб этади. Айниқса, у тилнинг синтактик қурилиши билан мутаносиб алоқада бўлади: ёзма нутқнинг тўғри ва меъёрий амалини пунктуация ва унинг қонун-қоидалари «бошқаради».

Тиниш белгилари ва уларнинг тизими ёзув тараққиётининг кейинги босқичларида пайдо бўлган. Муъими шундаки, тиниш белгилари, уларнинг тизими, қўйилиш мойлари байналмилал (интернационал) характерга эга. У ёки бу миллатнинг ёзувида, унинг қонун-қоидаларида кескин фарқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пунктуациясида, тиниш белгилари тизимида, тиниш белгиларининг вазифавий амалида фарқ бўлиши мумкин эмас. Масалан, нуқта ёхуд вергулнинг вазифаси дунё халқлари ёзувида бир хил вазифа бажаради. Ундов, сўроқ белгиларининг ва бошқа тиниш белгиларининг вазифаси ҳам айнан шундай.

40-§. «Тил ھолати» ва «тил вазияти» тушунчалари ھақида

Маълумки, социолингвистика тилнинг ички (интралингвистик) ва ташқи (экстралингвистик) томонларини, унинг социал ва лисоний қурилишини бир-биридан ажратмаган ھолда, уларни ўзаро ижтимоий ва лисоний боғлиқликда ўрганади.

Тилнинг ички (интралингвистик) ва ташқи (экстралингвистик) томонлари бир бутунлигида вазифага киришуви ва унинг шу жараён билан боғлиқ хусусиятлари «тил ھолати» (состояние языка) деб аталади. «Тил ھолати» социолингвистиканинг ўзига хос категорияларидан бири ھисобланади.

Тилнинг ички қурилиши деганда, унинг интралингвистик томони тушунилади. Тилнинг интралингвистик томони—бу унинг ички элементларидан ташкил топган тизимлари ва уларнинг ўзаро лисоний алоқаси демакдир.

Тил қурилишининг ички элементлари, унинг қайси сатъига тегишли бўлишидан қатъий назар, ижтимоий вазифасига бир вақтда биргалиқда киришади. Бу жараён «тил ھолати» тушунчасини характерловчи асосий хусусиятлардан биридир. Шунингдек, «тил ھолати» тилнинг барча вазифавий шакллари ва уларнинг мажмуаси сифатида ҳам тушунилади.

«Тил ھолати» тушунчасига нафақат тилнинг мавжудлиги ва амалий шакллари, балки унинг функционал стиллари ва уларнинг конкрет амали ҳам тегишли бўлади.

«Тил вазияти» атамаси дастлаб ўтган асрнинг 30-йилларида чет эл олимларининг Осиё ва Африка халқлари тилларини ўрганишга бағишланган ишларида учрайди. Бу термин бирор-бир мамлакат ёки уларнинг муайян бир ھудудида амал қилувчи тиллар уюшмасига нисбатан ишлатилган.

«Тил вазияти» атамаси бир-бирига илмий жиҳатдан мос бўлмаган турли хил тушунчаларни билдиради. Шу боис бу тушунча социолингвистика фанида аниқ ва муштарак бир талқинини топган эмас. Қолаверса, «тил вазияти» Европа ва Осиёнинг Марказий Осиё ва Россиядан анча узоқ

мамлакатларининг турли хил халқлари тилларига хос ижтимоий хусусият саналади. Шулардан бирига тўхтайдиган бўлсак, «**тил вазияти**» деганда, бир иқтисодий-сиёсий тузумга эга мамлакатда икки ёки уч тилнинг бир хил ижтимоий нуқуқ билан иш кўриши ҳам, икки ёки ундан ортиқ маъаллий лаъжалардан бир умумий мақсадда фойдаланиш имконияти ҳам тушунилаверади. Масалан, Швейцарияда немис, француз ва италян тиллари мавке жиъатдан ҳам, юридик жиъатдан ҳам бир хил ижтимоий-лисоний нуқуқка эга. Бу ўринда «**тил вазияти**» «**тилларнинг уюшган мажмуаси**» (организованная совокупность языков) тушунчасига тенг келади. Шунингдек, бир мамлакатда шу мамлакатнинг умумхалқ тили билан бир каторда, айрим касбий этник гуруъларга тегишли профессионал лисонларнинг тенг лисоний нуқуқ билан ишлатилишига нисбатан ҳам «**тил вазияти**» атамаси ишлатилади. Масалан, Англияда маъаллий *уэль* тилининг, Франциянинг Бретань ярим оролида яшовчи деъконлар ва денгизчиларга карашли *бретонь* тилининг бир хил ижтимоий-лисоний макомдаги амали билан боғлиқ хусусиятлари ана шундай характерга эга. Муъими шундаки, бу маъаллий тилларнинг бирортаси ҳам адабий тил даражасида шаклланмаган.

Хуллас, «тил вазияти» ьозирча муштарак илмий талкинга эга эмас. У социолингвистик тушунча сифатида оммавий тарзда бир хил расмийлашмаган.

Социолингвистиканинг асосий тармоқлари (т у р л а р и)

Умумий ва хусусий социолингвистика

Социолингвистика лингвистик фанлар циклидаги мустақил тармоқ сифатида бир неча тур ва кўринишларни ўз ичига олади. Шулардан бири умумий социолингвистика бўлса, бошқаси хусусий социолингвистикадир.

41-§. Умумий социолингвистика

Умумий социолингвистика, номидан ҳам маълумки, шу фаннинг умумназарий масалаларини ўрганади.

Социолингвистиканинг умумлингвистик тизимдаги ўрни, унинг интралингвистикага муносабати, тил ва жамият муносабати, тилнинг жамият ва унинг тараққиётига, жамиятнинг тил ва унинг тараққиётига таъсири сингари бир қатор масалалар умумий социолингвистиканинг умумназарий масалалари саналади.

Социолингвистика лингвистика ва жамиятшунослик оралигидаги фан бўлгани учун, социолингвистика предметининг лингвистика ва жамиятшунослик фанлари предметларидан фарқ қилувчи томонларини ажратиш ва тавсифлаш ҳам умумий социолингвистика зиммасидаги вазифалардан биридир. Тилнинг эстетик ривожланиши ва унинг тилнинг амалига муносабати масалалари ҳам умумий социолингвистикага дахлдор тушунчалардир.

Тилнинг пайдо бўлиши, жамият ва унинг ривожига билан муносиб тараққиёти, адабий тилнинг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам умумий социолингвистика томонидан ўрганилади. Шу жумладан, социолингвистикани ўрганиш ва тадқиқ этиш методлари ҳам умумий социолингвистикага алоқадор масалалардир.

Шунингдек, умумий социолингвистика тилнинг ижтимоий-вазифавий амали, тил сиёсати, тилларнинг ўзаро таъсирдошлиги, тил вазияти, халқаро воситачи (табiiй) тиллар, халқаро сунъий тиллар, уларнинг тарқалиш зоналари сингари масалаларни ҳам ўрганади.

42-§. Хусусий социолингвистика

Хусусий социолингвистика кўп миллатли мамлакатларда амал қилувчи конкрет тилларга хос хусусиятларни ўрганади. Масалан, собиқ Шўролар даврида СССР бир неча миллат, халқ ва элатларни ўз ичига олган йирик бир держава эди. У 20 автоном республика, 8 автоном вилоят, 10 миллий округни ўз ичига олган 15 социалистик республикадан иборат бўлган. Ўар бир Иттифоқдош республика тили шу республикаларнинг давлат мақомидаги миллий тили ҳисобланган. Хусусий социолингвистика ана шу миллий тилларнинг шу этник жамоалар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти билан боғлиқ масалаларни ўрганган. Собиқ СССР ҳудудида 52 миллий тил таълим жараёнига татбиқ этилган; 65 тилда радиоэшиттириш олиб борилган; 122 тилда газета, журнал ва турли жанрларда китоб нашр этилган. Кўп миллатли жамиятда ўар бир этник жамоанинг тили ва унинг шу этник жамоа ижтимоийети билан боғлиқ хусусиятлар хусусий социолингвистика томонидан ўрганилган. Шу хусусият асосида социолингвистиканинг бу тармоғи қуйидагича гуруҳларга бўлинган: рус социолингвистикаси, украин социолингвистикаси, белорус социолингвистикаси, ўзбек социолингвистикаси, қозоқ социолингвистикаси, тожик социолингвистикаси, қирғиз социолингвистикаси, туркман социолингвистикаси ва б.

Хусусий социолингвистиканинг яна бошқа бир тармоғи мавжудки, унда умумхалқ тилининг фан ва техника, касб ва ҳунар соҳалари билан боғлиқ масалалари ўрганилади. Муайян бир ижтимоий босқичда фан ва техниканинг, касб ва ҳунарнинг ривожланиши тил лексикасининг шу соҳалар билан боғлиқ қатламига таъсир қилмай қолмайди, албатта. Бунда фан ва техника, касб ва ҳунарнинг пайдо бўлган янги тушунчаларини номлашда шу тушунчалар моҳиятини ақс эттирувчи муносиб атамалар қидирилади. Натижада шу соҳаларга хизмат қилувчи янги терминологик қатлам вужудга келади. Ана шу терминологик қатламнинг лисоний-вазифавий амали билан боғлиқ ижтимоий-лисоний хусусиятлар ҳам хусусий социолингвистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Хусусий социолингвистика ўрганадиган объектлардан яна бири жамиятнинг айрим ижтимоий қатламларига хос «**касбий тил**»дир. Бу тил одатда жаргон ва арго характерида бўлиб, улар отарчилар, чайқовчилар, қиморбозлар ва талабалар нутқида хосланган бўлади. Улар умумхалқ тилидаги айрим сўзларга оккозионал тус бериш орқали «**ихтиро қилинади**». Бундай жаргон ва арголар ўз синонимик парадигмасига ҳам эга бўлиб, маълум бир тушунча бир неча сўзлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан, «**ароқ**» маъносида *оқи, оқ бола, оқ сув, оқ салла, оқ қўй, оппоқ тўра, оқ санам, бўйни узун, новча, обизамзам, мўйсафид, оқсоқол, дори, беш қарра саккиз, қиттак-қиттак, юз-юз* ва б.; «**пул**» маъносида *муллажиринг, ашула, соққа, лой, якан, қўқон, қизили, қўқи, қўққашқаси, оъанг, дўппи, қуруғи* ва б. Уларнинг айримлари метонимия усулида ҳосил қилинади: отарчилар жарғонида мактаб-маориф соҳаси хизматчилари «**галстук**», тиббиёт ходимлари «**халат**», ревизор (тафтишчи)лар «**қайчи**» дейилиши каби.

Савдо ва тижорат аъли; отарчилар, ўғри, киссавур ва киморморбозлар мулоқотида маъноси фақат уларнинг ўзлари учун тушунарли бўлган луғавий катлам мавжуд. Масалан, *шапка, калпок, шляпа, дўппи* «устама нарх» (савдо ва тижорат ходимлари мулоқотида); *ўдак* «кетамиз», *якан// соққа// кўки* «пул», *нойе* «бормаймиз», *отаркас* «тўй эгаси», *каломпо* «**бой, амалдор одам**», *маёб* «ичимлик», *данап* «**ўйинчи аёл**», *кнопка* «**кестириладиган пул**» (отарчилар мулоқотида); *бедана//питпилдик//ўйинчок* «**тўппонча**», *сирка//лой//булкер* «**рус пули, рубль**», *дори//жилгон//шана* «наша», *курорт//санатория//куда томон* «**камоқхона**», *китоб* «**карта**», *прожектор//светофор* «**бегона кўз-гувоъ**» (ўғри, киссавур ва киморбозлар мулоқотида) шулар жумласидан.

Жаргон ва арголарнинг бир кўриниши ёшлар мулоқотига мансуб бўлиб, «сленги» (ёшлар сленгиси) деб аталади. Бу ижтимоий тоифа учун ҳам адабий, ҳам оддий сўзлашувда ўзига хос луғавий катлам «ихтиро қилинган». Унда ёшларнинг эркин, бетакаллуф муомаласи ифодаланади. Шунга қарамай, **сленг** ёшларнинг доимий мулоқот воситаси бўлолмайди. Улар мулоқотида ишлатиладиган айрим сўзларга эътибор беринг: *ёстик* (калин китоб), *фасад* (юз киёфаси), *кобра* (жаълдор муаллим//муаллима), *эчки* (шўх қиз), *космонавт* (машгулотлардан қочиб юрувчи талаба) ва б.

Талабалар нутқида яна бир ўзига хос хусусият мавжудки, унда улар ўқийдиган фанлар шу фанларнинг номи билан эмас, балки шу фанлардан таълим берувчи ўқитувчининг фамилияси билан аталади. Масалан, «ўзбек тили тарихи» эмас, «**Эшмуродов**»; «ўзбек тили ўқитиш услубияти» эмас, «**Раъмонқулов**»; «тожик тили» эмас, «**Иноятов**», «адабиёт» эмас, «**Абдуллаев**» ва б. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалари шу дарслик ва ўқув қўлланмаларининг номи билан эмас, балки уларнинг муаллифлари номи, фамилияси билан аталиши ҳам талабалар нутқининг ўзига хос томонидир.

Демак, хусусий социолингвистика ҳам сертармоқ бўлиб, унинг нар бир тармоғи алоҳида-алоҳида ўрганилиши давр талабидир.

43-§. Синхрон ва диахрон социолингвистика.

«Синхрон» ва «диахрон» атамалари тилга ва унинг ьодисаларига нисбатан ҳам ишлатилади. Шунингдек, тилшуносликнинг барча соҳаларига ҳам, унинг мустақил тармоқларига ҳам бу атамалар нисбатланади: *синхрон тилшунослик, диахрон тилшунослик; синхрон диалектология, диахрон диалектология; синхрон фонетика ёки фонология, диахрон фонетика ёки фонология; синхрон лексикология, диахрон лексикология; синхрон морфемика, диахрон морфемика; синхрон сўз ясалиши, диахрон сўз ясалиши; синхрон морфология, диахрон морфология; синхрон синтаксис, диахрон синтаксис* ва б.

Тил ва унинг ьодисаларини «синхрон» ва «диахрон» тушунчалари асосида фарқланиши тилшуносликнинг социология йўналиши пайдо бўлиши билан

пайдо бўлган. Тилшуносликнинг бу йўналиши дастлаб кийси-тарихий тилшуносликнинг тилни янгича талқин этувчи оқимларидан бири саналган. «Синхрония», «диахрония» тушунчаларининг тил ва унинг соҳаларига нисбатланиши ана шу оқим таълимотига қарашли.

Кийси-тарихий тилшуносликнинг социологизм оқимига швейцар ва француз олими Фердинанд де Соссюр томонидан асос солинган. Тил ва унинг ғодисаларини «синхрония», «диахрония» тушунчалари билан фарқланиши ҳам шу олимнинг тил ҳақидаги таълимотига тегишли.

Социологизм оқими ва унинг таълимоти кийси-тарихий тилшуносликнинг «ёш грамматикачилар» номи билан шуърат қозонган оқими ва унинг тил ҳақидаги қарашларига қисман қарама-қарши йўналишдир.

«Ёш грамматикачилар» тилнинг тарихий жиётига қатта эътибор бериб, унинг ғозирги ғолатини ғисобга олмаганлар. Ф.де Соссюр тилнинг тарихий ғолати ва жараёнларини тил амалининг «эволюцияси» сифатида қараб, кескин ва қатъий инкор этмаган, балки уни «диахрон лингвистика» объекти сифатида баъолаган. Тилнинг ғозирги ғолатини «синхрон лингвистика»нинг объекти деб белгилаган.

Хуллас, «диахрония» ва «синхрония» тушунчалари тил ва уни ўрганувчи икки қарама-қарши, лекин ўзаро муносабатдош фан йўналиши сифатида вужудга келган.

Социолингвистиканинг «синхрон» ва «диахрон» атамалари билан фарқланиши ҳам лингвистиканинг «синхрон лингвистика», «диахрон лингвистика» дея фарқланиши андазасига асосланади.

44-§. Амалий(прикладная) социолингвистика

Амалий социолингвистика шу фаннинг умумназарий томонларини эмас, балки амалий томонларини ўрганади. Амалий социолингвистиканинг пайдо бўлишига тилшуносликда структур йўналишнинг пайдо бўлиши ва амали туртки бўлган. Математик лингвистикани шакллантириш, алгоритмлар тузиш, лингвистик тадқиқотларга математик ва структур мояларни тадбиқ этиш тилшуносликдаги амалий йўналиш сифатида баъоланади.

Социолингвистиканинг амалий (прикладной) йўналиши жамиятда пайдо бўлган эътиёж туфайли янги алфавит тузиш, уни янгилаш ёки унинг бирор-бир қисмига ўзгартиш киритиш, янги имло қоидаларини тузиш ёки унга ўзгартиш киритиш, янги луғавий ўзлашмаларнинг орфографик, орфоэпик қоидаларини яратиш сингари бир қатор масалаларни ўрганади.

Интерлингвистика

Интерлингвистика--тилшуносликнинг алоҳида мустақил тармоғи. Интерлингвистика--социолингвистиканинг муҳим объектларидан бири. Тилшуносликнинг бу тармоғида халқаро тиллар ўрганилади.

Халқаро тиллар **икки хил** бўлади:

- 1) халқаро табиий тиллар;
- 2) халқаро сунъий тиллар.

45- §. Халқаро табиий тиллар.

Халқаро табиий тилларни «воситачи тил» деб ҳам аталади. «Воситачи тил» атамаси бу ўринда «тил контактлари»га алоқадор «воситачи тил»дан фарқ қилади. «Воситачи тил» бу ўринда бир неча мамлакатларда уларнинг халқлари томонидан бир хил мақсад ва маромда фойдаланиладиган тил демакдир. Масалан, лотин тили ўрта асрларда Европада воситачи тил вазифасини бажарган. Мактаб ва олий ўқув юртлари студент ва ўқувчилари лотин тилида таълим олишган. Сиёсий, иқтисодий ва бадиий асарлар шу тилда ёзилган. Лотин тилининг воситачи тиллик вазифаси ХУ111 асргача давом этган, бу вазифа кейин француз тили зиммасига ўтган. Француз тилининг воситачи тиллик вазифаси ХХ асрнинг биринчи чораги охирларида барҳам топган. Чунки бу даврга келиб, халқаро воситачи тиллик вазифаси инглиз тили зиммасига ўтган.

Халқаро воситачи тил вазифасини мусулмон мамлакатларида асрлар оша Қуръон тилига асосланган классик араб тили бажарган. Араб тили зиммасидаги бу социал вазифа ҳозирги вақтда ҳам сусайган эмас.

Воситачи тил вазифасини бажарувчи халқаро тил Узоқ Шарқ ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида ҳам бўлган. Бундай вазифани «*вэньян*» даб аталувчи эски хитой адабий тили бажарган. Бу тил узоқ вақт воситачи тил мақомида амал қилиб, япон, вьетнам ва корейс тилларининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатган.

Европа, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида асрлар бўйи воситачи тил вазифасини бажарган лотин, француз, инглиз, араб ва хитой тилларининг социал вазифаси ҳозирги вақтда дунёнинг нуфуз жиҳатдан имтиёзли олти тили зиммасига юкланган.

Халқаро табиий тиллар муайян халқ, миллат тилининг функционал мавқеи, яъни вазифаси билан белгиланади. Дунёнинг вазифа жиҳатидан миллатлараро ва зонал тиллардан ҳам юқори имтиёзли тили **халқаро табиий тил** ھисобланади. Дунёнинг барча миллат ва халқларига баравар алоқадор

бўлган йиғин ва анжуман материаллари ана шу халқаро табиий тилларда расмийлаштирилади.

Халқаро табиий тиллар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ, русчаси: ООН – Организация Объединённых Наций) расмий тилидир. Дунёнинг олти тили халқаро тил сифатида тан олинган. Уларга **инглиз, француз, испан, рус, хитой ва араб** тиллари киради. Булар инглиз, француз, испан, рус, хитой ва араб этник жамоаларининг миллий тилидир. Лингвистикада «дунёнинг халқаро тиллари» тушунчаси тиларнинг вазифа кўлами нуктаи назаридан ўрганилади.

Халқаро табиий тил тилнинг вазифа жиҳатдан ривожланган энг юқори босқичидир. Шунингдек, халқаро табиий тил дунёнинг полифункционал (кўп вазифали) лисони ھисобланади. Халқаро табиий тилнинг полифункционаллиги шундаки, у бир даврнинг ўзида шу тил амал қилган мамлакатда миллий тил, зонал тил, миллатлараро тил, давлат тили каби ижтимоий вазифалар бажаради. Масалан, дунёнинг халқаро тилларидан бири -- рус тилини олсак, у рус этник жамоасининг миллий тили, Россия мамлакатининг давлат тили, Россия ھудудида яшовчи рус бўлмаган бошқа этник жамоалар учун миллатлараро ھамда зонал тилдир. Халқаро табиий тилларнинг амали туфайли халқаро билингвизм ва полилингвизм шароитига имконият пайдо бўлади.

46-§. Халқаро сунъий тиллар

Социолингвистиканинг асосий объектларидан бири – бу халқаро сунъий тиллар ва уларнинг яратилиши масаласи ھамдир. Халқаро сунъий тиллар, аталишидан ھам маълумки, бирор-бир миллат ёки халқнинг миллий тили эмас. Бироқ халқаро сунъий тиллар дунёнинг табиий тиллари асосида яратилади. Халқаро табиий тиллар, юқорида ھам айтилганидек, жамият томонидан яратилади, уни яратувчиси халқ, миллатдир. Улар муайян миллат, халқнинг миллий тили ھисобланади, уларнинг «халқаро»лиги тилларнинг вазифа жиҳатдан турига кўрадир.

Халқаро сунъий тиллар «**ижод қилинган**», яъни «**ўйлаб топилган**» тиллардир. Улар айрим шахслар томонидан «ихтиро» қилинган. Бундай тилни яратиш йўлидаги дастлабки интилиш эрамининг 11 асрида бошланган. Унинг ташаббускори грек врач **Гален**дир.

Халқаро сунъий тил дунёнинг муштарак касб-корга, яъни бир хил ихтисосга эга **социал гуруҳлари** учун мўлжалланган «ясама» тилдир. Бу тил дунёнинг ана шундай муштарак касб эгалари коммуникацияси жараёнига хизмат қилади.

Халқаро сунъий тилларни социолингвистиканинг «**интерлингвистика**» деб аталувчи тармоғи ўрганади.

«Интерлингвистика» атамаси фанга биринчи бўлиб, 1629-йили Р.Декарта томонидан олиб қирилган. Интерлингвистика англатган тушунча билан

боғлиқ барча лисоний масалалар фанга Г.В.Лейбциг томонидан оммалаштирилиб, расмийлаштирилган.

Биринчи халқаро сунъий тил 1879-йили Германияда «**в о л а п ю к**» номи билан вужудга келди. Унинг ихтирочиси немис олими **И.М.Шлейердир**. Сўнгра 1876-йили Польшада «**э с п а р а н т о**» ихтиро қилинди. «Эспаранто» поляк врач **Л.Л. Заменгоф** томонидан яратилган. Бу тил халқаро сунъий тилларнинг энг фаол ва энг кенг тарқалган туридир. У дастлаб Россия ва Польшада, кейинчалик Англия, Франция ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Бу тилнинг ёзуви «**бир товушга бир ьарф**» принципида тузилган. Эспаранто тилида дунёнинг бой оригинал ва таржима асарлари яратилган. Бу сунъий тилда қирққа яқин матбуот муассасалари нашр ишлари билан шуғулланади. Айрим мамлакатларда эспаранто тилида радиоэшиттиришлар ҳам олиб борилади.

Эспаранто, бундан ташқари, француз тили каби, Халқаро почта ассоциациясининг расмий тили вазифасини ҳам бажаради.

Ўзирги вақтда эспарантодан дунёнинг деярли барча мамлакатларида фойдаланилади.

Волапюк ва эспарантодан сўнг дунёнинг кўпгина мамлакатларида **интерлинг(1903), идо(1907), окциденталь(1922), омо(1926), новиаль(1928), ўртатурк (1992)** номлари билан аталган халқаро сунъий тиллар пайдо бўлди. Бироқ бу тиллар халқаро миқёсда кенг фойдаланилмай, уларнинг амали «кучга кирмади».

Хуллас, ХУ11 ва ХХ аср оралиғида халқаро сунъий тилларнинг мингдан ортиқ лойиҳалари ихтиро қилинган. Бироқ улардан фойдаланиш турли сабабларга кўра амалга ошмаган.

Ўзирги вақтда халқаро сунъий тиллардан фақат эспаранто кенг тарқалган. Дунёнинг кўпгина давлатларида, уларнинг марказий шаъарларида эспарантони ихтиёрий ўрганиш курслари ташкил этилган. Уларда бўлажак спортчилар, савдогарлар, сайёҳлар, журналистлар, дипломатлар таъсил олишади. Россияда эспарантода турли тавсифдаги нашр ишлари ҳам амалга оширилган, таниқли рус ёзувчилари асарлари эспарантога таржима қилинган, «Русча-эспаронтча», «Эспаронтча-русча» лўғатлар тузилиб, нашр қилинган.

Эспаранто характеридаги халқаро сунъий тил 1992-йили Тошкентда ҳам пайдо бўлди. У ўзбек файласуф олимлари Б.Каримов ва Ш.Муталовлар томонидан «**ўртатурк тили**» номи билан ихтиро қилинган ва унинг лисоний қурилиши ишлаб чиқилди.

Бу олимларнинг «**Ўртатурк тили**» номли брошюралари ҳам нашр этилди (Тошкент: «Меънат», 1992). Брошюрада шундай мақсадлар баён қилинганди: «**Туркий халқларнинг ўзирги уйғониш даврида, уларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, лисоний ва бошқа кўп жиҳатларидан яқинлашувига янги имкониятлар туғилган замонда мазкур жараёнга кўмак бўладиган ўртатурк тилини яратиш таклиф қилиняпти. Бу тил ўзирги ва аввал мавжуд бўлган туркий тилларнинг сўз бойлиги, тил қоидаларини, нормаларини ўзлаштириш асосида нормаллаштирилган тилдир**».

Б.Каримов ва Ш. Муталовлар Һаммуаллифлигида «Ўртатурк тили»нинг лойиҺаси Һам тузилиб, унинг мақсад ва вазифалари баён қилинди. 1993-йилнинг 23—25-июнь кунлари Тошкентда «**Ўрта турк тилини яратиш муаммолари**»га бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман Һам бўлиб ўтди. Конференцияда «Ўрта турк тили»ни жорий қилиш масалалари кўриб чиқилди. Конференция ишида дунёнинг кўп малакатларидан, масалан, Туркия, Арабистон ва бошқа мамлакатлардан вакиллар иштирок этди. Собик СССРга қарашли Ўрта Осиё Республикаларидан, жумладан, Тожикистондан Һам бу анжуманда вакиллар ўз амалий фикр-мулоҺазалари билан қатнашди (профессор **А.Бердиалиев**; доцентлар: **Э.Шералиев, Р.Хидиров**).

Бирок Ўзбекистонда Мустақилликни қўлга киритиш, уни мустақкамлаш ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш, лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек ёзувига ўтиш сингария бир қатор муњим ижтимоий-сиёсий ташвишлар устуворлик қилиб, халқаро «ўрта турк» сунъий тили билан боғлиқ масалалар амалга ошмай, кун тартибидан тамоман тушиб кетди.

Халқаро сунъий тиллар тизими **апастериор** сунъий тиллар ва **априор** сунъий тиллар каби икки гуруньга ажралади. Апастериор сунъий тилларнинг «лисоний қурилиши» бирор-бир табиий тилларнинг лисоний қурилиши андозасида шакллантирилади. Эспаранто тили **апастериор** тилларнинг энг ривожланган намунасиدير.

Априор сунъий тиллар сунъий тилларнинг шундай кўринишики, уларнинг «лисоний қурилиши» бирор-бир табиий тилнинг лисоний қурилишига ўхшамайди. «**Сольресоль**» ва «**ро**» номи билан ихтиро қилинган сунъий тиллар **априор** сунъий тилларга қиради.

47-§. Қиёсий социолингвистика.

Қиёсий социолингвистика дунё тилларининг амали ва уларнинг ижтимоий хусусиятларини қиёсий ўрганувчи тармоқдир. Бошқача айтганда, бу тармоқ тилларнинг вазифавий тараққиётини қиёсий режада тањлил қилиш билан шуғулланади. Масалан, Ю.Д. Дешериевнинг 1966-йили нашр этилган «Закономерности развития и взаимодействия языков в советском обществе», 1976-йили нашр этилган «Развитие общественных функций языков народов СССР» номли икки асари; А.А.Дарбеевнинг 1970-йили нашр этилган «Развитие общественных функций монгольских языков» номли асари қиёсий социолингвистика йўналишида ёзилган.

Тилларнинг ижтимоий вазифаларини қиёсий ўрганиш асосида жањон тилларининг ижтимоий-вазифавий таснифи белгиланади.

Қиёсий социолингвистика тилларнинг вазифавий тармоқланиши билан алоқадор йўналишдир. Бу йўналиш тиллар вазифавий ривожланишининг айрим масалаларини ўрганиш билан шуғулланади. Шунингдек, жамиятнинг тилда инъикос этилган материал ва руњий маданиятини ўрганиш Һам қиёсий социолингвистикага дахлдор масалалардир.

48-§. Социолингвистика, услубият (стилистика) ва нутќ маданияти

Социолингвистика тилшунослик циклидаги деярли барча фанлар билан узвий боғланишдаги умумфилологик предметдир.

Маълумки, услубият, яъни стилистикасиз нутќни, унинг тур ва кўринишларини тасаввур этиш кийин. Услубият тилнинг вазифавий услублари тизимини, уларнинг ӈар бир турига хос лисоний материал ва уларнинг нутќий имкониятларини ўрганади.

Нутќ услублари (стиллари) услубиятнинг бош ва марказий ӈодисасидир. Нутќ услублари ӈам лисоний, ӈам ижтимоий характерга эга тушунчалардир. Бу тушунчаларнинг ижтимоий ӈодиса эканлиги шундаки, у этник жамоанинг муайян талаб ва эътиѳжига кўра пайдо бўлади; лисоний ӈодиса эканлиги шундаки, нутќ услублари тилнинг атайин танланган ва сараланган фонетик, луѓавий, морфем воситалари ёрдамида шаклланади.

Демак, маълум бўладики, услубият ва унинг вазифавий услублари тил жамоаси ва уларнинг лисоний эътиѳжлари билан боғланади. Шу жиъатдан, яъни тилдаги ӈар бир вазифавий услубнинг ижтимоий характерга эгалиги, уларнинг ижтимоий эътиѳж асосида тармоќланиши жиъатларидан **услубият**, яъни **стилистика** ўзига хос ижтимоий-социал ӈодиса ӈисобланади. Муайян ижтимоий эътиѳжга хизмат килувчи лисоний ашѳларнинг гуруьланиб, танланиши эса, стилистиканинг имманент тилшунослик, яъни интралингвистика билан боғлиќ томонларидир.

Стилистиканинг асосий объекти—бу нутќдир. Нутќ воситасида сўзловчи тингловчига ниманидир билдиради, ахборот узатади. Сўзловчининг бу маќсади коммуникация жараёнида амалга ошади. Бу жараёнда тилнинг нутќнинг айни шу лаъзаси учун хизмат килувчи кисми танланиб, ӈаракатга келтирилади. Бу жараёнларнинг барчаси ижтимоий характерга эга бўлади. Услубият ана шу жиъатдан ӈам социолингвистик характердаги лисоний имкониятдир.

Маълумки, услубият нутќнинг вазифавий услубларини ўрганади. Нутќнинг вазифавий услублари тил материалини, вазият ва даврага караб, маќсадга мувофиќ танланиши, сараланиши ва гуруьланиши демаќдир. Шу боис тилнинг луѓат таркиби ӈам, морфем ва грамматик кўрилиши ва уларга хос лисоний бирликлар ӈам нутќнинг вазифавий услубларига кўра таќсимланади ва гуруьланади. Буни кийимларга киёслаш мумкин. Масалан, ӈар бир кишида кийимларнинг барча туридан бир нечталаб бўлади. Кўйлакни олайлик. ӈар бир одамда тайёрланган материали, сифати, киммати, ӈатто фасонида фарќ килувчи бир неча кўйлак бўлиши мумкин. Улар канча кўп бўлишидан катъий назар, бажарадиган вазифаси бир хил. Шу жиъатдан, яъни вазифасига кўра, кўйлак майка ёки женфир, ёки костюмдан фарќ килади. Кўйлакнинг уй ичида кийиладигани бўлади. Шунингдек, ишга, кўча-кўйга кийиладигани ӈам. Тантана ва байрамларда кийиладиган кўйлакларнинг борлигидан ӈам хабаримиз бор, албатта. Уй ичида

кийиладиган кўйлакни ишга ёки кўча-кўйга неч қачон кийилмайди. Ёки тантаналарда, байрамларда кийиладиган кўйлақларда уй ичида юрилмайди. Ногоён кўрган киши «Нима, тўй ёки бирор-бир тантанга бормоқчимисан?» дея сўраши турган гап. Айниқса, тантанавор кийимлар билан мол-һолга қараш, хўжалик ишларига киришиш ғайритабиий, ноодатий туюлади. Мол-һолга қарашда ёки хўжалик ишларида кийиладиган кўйлак билан ташқарига, кишилар орасига кирилса, бошқаларга кулги бўлиши турган гап. Шунингдек, байрамона кўйлақда мол-һолга, хўжалик ишларига аралашса ҳам, шахснинг психик жиҳатдан меъёрийлигига шубҳа пайдо бўлади. Яна бир мисол: мотам либосида тўй-у томошага, байрамона кийимда мотам маросимига бориш ақлли-һушли кишилар учун мумкин бўлмаган ноодатий ва ноурфий кулгили һолатдир.

Услужият, унинг вазифавий услубларига хосланган лисоний бирликлар ҳам худди ана шундай. Оилада, кўча-кўйда, ўртоқлар даврасида ишлатиладиган гап ва сўзлар таълим жараёнида (дарсида), расмий тадбир ва маросимларда ишлатиладиган гап ва сўзлардан фарқ қилади. Шу асосда нутқ бири бошқасидан фарқ қилувчи вазифавий услубларга эга бўлади. Нутқнинг бир вазифавий услубига хос лисоний ашёларни унинг бошқа вазифавий услубларида ишлатиш услубий нўноқликка олиб келади. Машһур бадиий сўз устаси Абдулла Каһһор «Куюшқон» деб номланган фелъетонида расмий-оммабоп услубга хос лисоний ашё ва приёмларни оддий сўзлашув услубига «олиб кириб», фелъетон каһһрамонининг ўта расмиятчи шахс эканлигини кулги остига олган.

Нутқ маданияти ҳам--тилшунослик фанлари циклидаги мустақил таълимий соһалардан бири.

Нутқ маданияти һозирги вақтда тилшуносларнинг диққат марказида турган масалалардан бири саналади. Бу масала юзасидан Иттифоқ микёсида илмий анжуманлар, мунозаралар ўтказилди, мақола ва китоблар нашр этилди. Тилшунослик илмий тадқиқот институтларида нутқ маданиятига бағишланган махсус бўлимлар ташкил этилди. Олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқув режаларига алоһида фан сифатида киритилди.

Нутқ маданияти Һар бир халқнинг Һозирги тилшуносилиги ютуқларига таяниб иш қўради. Шу боис талабалар ўз она тилларининг фонетика-фонология, лексикология, фразеология, морфемика ва грамматика сингари бўлимлари билан танишгач, нутқ маданияти асосларини ўрганишга тайёр бўладилар. Нутқ маданиятининг моһиятини тўғри тушуниш учун энг аввал адабий тил тушунчасининг моһиятини тўғри ва онгли тушуниш зарур бўлади.

Нутқ маданияти асослари услубият билан бир ёнгоқнинг остки ва устки мағзи, тарозининг икки палласи каби ўзаро узвий боғлиқ. Шу боис яқин вақтларгача услубият ва нутқ маданияти фарқланмаган, бир фаннинг объекти Һисобланган.

Нутқ маданияти, номидан ҳам сезиладики, тил фанининг шахсида чиройли ва намунали сўзлаш ва ёзиш малакасини шакллантиришга ихтисослашган

алоҳида соҳасидир. Нутқ маданияти вазифавий услубларнинг барчасига эмас, балки адабий услубга, унинг энг ноёб намуналарига таянади. Шу тарзда намунали ва ибратли сўзлаш ва ёзиш йўлларини ўргатади. Нутқ маданиятининг шаклланишида сўз ва унинг қисмларини танлаш, шу асосда чиройли гап тузиш муҳим роль ўйнайди.

Адабий тилнинг нар қайси услуби ўзига хос лисоний воситаларга эга бўлади. Лекин бундан маълум услубга хос лисоний ашёлар фақат шу услуб доираси билан чекланади, деган хулоса чиқарилмаслиги керак, албатта. Илмий услубга хос лисоний ашёлар бадиий услубда, бадиий услубга хос лисоний ашёлар ижтимоий-расмий услубда ишлатилавериши мумкин.

Ўзбек адабий тили услублари доирасида бадиий услуб алоҳида ўрин тутади. Бадиий услуб – ўзбек адабий тилининг асоси. Шунинг учун ҳам адабий тил атамаси остида одатда бадиий услуб тушунилган.

Бадиий услуб санъат турларидан бири – бадиий адабиёт билан боғлиқ бўлгани учун, бу услубда лисоний ашёлардан фойдаланиш наёт ва унинг воқеа-ҳодисаларини бадиий инъикос этиш талабларига бўйсунди.

Нутқ маданияти қадимдан мавжуд. Маданияти юксак шахслар доимо ўз нутқларининг ибратли бўлишига эътибор берганлар. Нутқ маданияти «**тил одоби**», «**нутқ одоби**» тушунчалари заминда пайдо бўлган. «Тил одоби» юксак кишиларни **нотиқ** дейишган. Уларнинг намуналари халқ мақоллари, маталлари ва афоризмларида ўз ифодасини топган. Бобомиз Алишер Навоий шеърларида «*одобли сўзлаш шахсинг ақлий камолотидан даракдир*», «*яхши, эзгу сўз кишига обрў, бахт келтиради*» мазмунидаги парчалар мавжудки, улар нутқ маданиятига бўлган ишорадир.

Юқорида услубият ва унинг вазифавий стиллари турли мақсад ва вазиятларга хосланган кўйлақлар мисолида шаръланган эди. Бу қиёснинг нутқ маданияти учун тегишли томони ҳам йўқ эмас. Нутқ маданияти учун «мол-ҳолга қараш», «уй ичида юриш», «деҳқончилик ёки қурилиш ишида қийиш»га хосланган кўйлақлар эмас, балки байрам ва турли тантаналарда, тўй-у томошаларда қийишга мўлжалланган замонавий фасонда тикилган янги, тоза кўйлақлар танланади. Нутқ маданиятида ҳам **лисоний бирликлар**, қийимларнинг байрам ва тантаналарда сараланиб танланганидек, **сараланиб, танланади**. Сараланиб танланган лисоний ашёларгина ибратли ва намунали нутқ олдида қўйиладиган талабларга жавоб беради ва ибратли, маданий нутқ тузилиши учун хизмат қила олади.

Нутқ маданиятининг ҳам ёзма ва оғзаки адабий шакллари мавжуд. Унинг оғзаки адабий шакли айрим товуш, сўз ва унинг қисмларини орфоэпик меъёрларга мос тўғри талаффуз қилиш, сўз урғусига эътибор бериш ва оҳангнинг тўғри ва мувофиқ қўйилишини таъминлаш кабилар билан белгиланади.

Нутқ маданиятининг ёзма адабий шакли, сўзсиз, алифбо ва имло қоидаларининг пухта ва мукамаллигига боғлиқдир. Алифбо ва имло қоидалари қанчалик тўлиқ ва пухта бўлса, нутқ маданияти шунчалик ривож топган бўлади. Ҳозирги ўзбек алифбоси ўзбек нутқ маданияти учун муваффақиятли хизмат қилиб келаётир. Аммо унинг жиддий қийинчиликка

сабаб бўлаётган камчиликлари ҳам йўқ эмас. Бу камчиликларга барҳам беришни мақсад этган ҳар хил уринишлар бўлиб турибди, албатта. Нутқ маданиятининг ҳамма учун бир хил шаклда ривожланиши учун тил жамоасининг барча ижтимоий табақаларида савия бир хиллиги бўлиши шарт ва зарур. Бироқ савия бир хиллиги барчанинг адабий тил, унинг ёзма ва оғзаки шаклларига хос лисоний меъёрларига бир хил амал қилиш ва уларни бир хил ўзлаштиришларига боғлиқ.

Собиқ Шўролар даврида, хусусан, ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Совет Иттифоқига қарашли барча халқларда рус адабий тили таъсирида нутқ маданиятини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Чунки рус тилшунослигида мазкур масалага бундан бир неча ўн йиллар олдин киришилган эди. Ўзбекистонда нутқ маданияти масаласига эндигина (1960-йиллар ўрталаридан) киришилган бўлиб, Ўзбекистон ФА Тилшунослик институти нўзурида Нутқ маданияти секторининг очилиши бу долзарб ишнинг дастлабки қутлуғ қадами бўлди. Сектор илмий ходимлари томонидан ўзбек нутқи маданияти масаласида матбуот, телевидение, радио воситасида ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб борилди. «Билим» жамияти орқали омма орасида маъруза ва суъбатлар уюштирилди. Бу тадбирлар, бари бир, ўзбек нутқ маданияти бўйича қилинган ва амалга оширилган ишларнинг бошламаси эди, холос.

Хулоса шуки, нутқ маданияти тизимида ҳам, услубиятда бўлганидек, ижобий ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар ҳозирги вақтда ҳам қўп.

Демак, айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, услубият ва нутқ маданияти бир-бири билан қанчалик узвий боғлиқ бўлмасин, улар айна бир ҳодиса эмас. Шу боис услубият ва нутқ маданияти тил фанининг ҳар хил таълимий соҳалари сифатида фарқланади.

Муҳими шундаки, услубият (стилистика) ҳам, нутқ маданияти ҳам жамиятнинг нутқий-ижтимоий эҳтиёжлари учун хизмат қилади. Бу ижтимоий жараёнда тилнинг ана шу эҳтиёжни қоплашга хизмат қилувчи лисоний ашёлари танланади ва ишга солинади. Булар ва буларнинг барчаси тил жамоасининг адабий тилга, нутқ маданиятига онгли муносабати билан амалга ошади. Шу жиҳатдан услубият ҳам, нутқ маданияти ҳам социолингвистик характер касб этади.

49-§. Терминология ва унинг социолингвистик асослари

Ҳар бир тил лексикасининг алоҳида бир қатламини терминлар (атамалар) ташкил қилади. Шунинг учун терминлар тил жамоасининг барчаси учун эмас, балки унинг муайян бир гуруҳига қарашли бўлади. Терминнинг одатдаги сўздан фарқи ҳам, энг аввало, ана шунда.

Термин ҳам сўздир. Термин ҳам товушлардан, уларнинг комплексидан ташкил бўлади. Бироқ термин ва сўз ўзаро фарқ қилади. Сўз – бу умумхалқ

мулки. Уни тил жамоасининг ӈаммаси бир хил маънода ишлатади, муштарак маънода тушунади. Термин эса, юкорида ӈам айтилганидек, умумхалк лисоний мулки эмас. У тил жамоасининг муайян бир катлами учун, унинг касбий фаолияти учун хизмат килувчи нофаол «сўз»дир. Термин бир маънода кўлланувчи моносемантик луғавий бирликдир.

Терминологик тизим тил жамоасининг ижтимоий-иктисодий тараққийетини белгиловчи барометрдир.

ӈозирги замон илмий-техника революцияси фан ва техника тараққийетининг тез ўсиш ва унинг инсоният турмуш фаолиятининг ӈамма соӈаларига кириб бориши билан характерланади. Янги ихтироларнинг кашф этилиши, янги конструкциядаги ӈар хил машиналар ва улар механизмларини ишлаб чиқариш, мукаммаллашган технология жараёнларини бунёд этиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий килиш туфайли шуларга мувофиқ юзлаб терминлар пайдо бўлади.

Ф.Энгельс «Капитал»нинг инглизча нашрига ёзган сўз бошисида **«Фандаги ӈар бир нуқтаи назар ўз навбатида техник терминларда инкилобий ўзгаришлар ясайди»** деб ёзган эди. Ф. Энгельс томонидан айтилган бу фикр халк хўжалигида рўй бераётган ӈар бир қадамда ўз исботини топаётир.

Халк хўжалигининг барча тармоқларида автоматлаштирилган бошқарув системалари бунёд этилиб, уларни лисоний жабъага олиб чиқувчи терминологик система шаклланаётир. Бу тизим, ўз навбатида, тилни, унинг луғат составини бойитувчи лисоний манба вазифасида хизмат килиши шубъасиз

Олимлар томонидан тўғри эътироф этилганидек, ривожланиб бораётган жамиятда нимаики содир бўлса, у тилда ӈам ўз муносиб ифодасини топади. Шу тариқа тилнинг луғат таркиби муттасил ўсиб ва ривожланиб боради.

Терминлар ва улар тизимининг фан ва техника тараққийети билан мутаносиб боғлиқ томони бу муъим луғавий катламнинг, яъни терминологиянинг нолисоний, яъни экстралингвистик жабъасини ташкил киладики, бу, сўзсиз ва шубъасиз, социолингвистика мундарижасига алоқадор муъим объектлардан саналади.

ӈар бир тил лексикасининг муайян бир катламини атамалар ташкил килади. Атамалар ӈам сўзлардир. Бирок сўзлар умумхалк тили лексикасининг актив (фаол) катламига карашли бўлса, атамалар умумхалк тили лексикасининг пассив (нофаол) катламига тегишли бўлади. Умумхалк тили лексикасининг фаол катламига карашли луғавий бирликлар тил жамоасининг барча вакиллари томонидан кундалик ӈаётда бир маромда фаол ишлатилади ва маъноси барчага бир хил тушунарли бўлади.

Тил лексикасининг нофаол катламига тегишли луғавий бирликларнинг умумтилдаги истеъмоли чекланган бўлади. Улар тил жамоасининг айрим ижтимоий табақаси ёки касбий гуруълари нутқидагина ишлатилади ва маъноси шу табақа ёки шу гуруъ вакиллари учунгина тушунарли бўлади. Шу боис атамалар жамият ижтимоий, сиёсий, иктисодий, маънавий, маданий тараққийетининг муайян бир даврида ижтимоий эътиёж туфайли пайдо

ќилинади. Тўғрироғи, атамалар «**ижод ќилинади**» ёки бошќа тиллардан тайёр њолда ўз лисоний шакли билан ўзлаштирилади.

«Ижод ќилиш» њам, ўзлаштириш њам ижтимоий характерга эга бўлади. Шу боис терминологик лексика интралингвистиканинг њам, социоллингвистиканинг њам ўрганиш объекти њисобланади.

Терминологик лексика ёки терминологик ќатлам икки усулда шаклланади:

- 1) ўз тил лисоний ашёлари заминида;
- 2) ўзга тил лисоний ашёлари заминида.

Ўз тил лисоний ашёлари заминида шаклланганда, атамалар ё сўз яшаш йўли билан, ё калькалаш (таржима ќилиш) йўли билан њосил ќилинади. Ўз тил лисоний ашёлари асосида шаклланган атамалар ва уларнинг тизими тил ривожланишининг ички омилларидан бири саналса, ўзга тил лисоний ашёлари асосида шакллантирилган атамалар ва уларнинг тизими тил тараќќиётининг ташќи омилларидан бири њисобланади.

Атамалар ўз тил лисоний ашёлари асосида шаклланганда, умумхалќ тилидаги бирор-бир сўз ёки ибора ижтимоий турмушда пайдо бўлган бирор-бир янги тушунчани аташ, номлаш вазифасини бажаради. Масалан, ўзбек тилида умумхалќ тилига мансуб *бурун, ќўлтиќ* сингари сўзлар географик тушунча номи сифатида њам расмийлашган. Умумхалќ тилида ўз лисоний маъноси билан ўзбек этник жамоасининг барча аъзоларига бир хил англашиладиган *эга, кесим, ўзак, ќўшимча, асос* ва шу каби бир ќанча сўзлар тилшунослик фанининг маълум бир тушунчаларини номлаб, атамага айланган ва умумхалќ тилига мансуб истеъмол доираси чекланган.

Ўз лисоний ашёлари асосида пайдо бўлган атамалар тизимида байналмилал характер касб этганлари њам бор. Уларга жой номлари асосида пайдо ќилинган *бостон, кагор, коньяк, регби, ќоракўл*; шахс номлари асосида ясалган *ампер, ом, ќюри, рентген, наган, маузер* сингарилар киради.

Ўз лисоний ашёлари асосида хосил ќилинган терминларнинг бир тури, юќорида айтилганидек, сўз яшаш билан алоќадор бўлади. Масалан, *сотувчи, олувчи, оќловчи, ќораловчи, теримчи, ошловчи, тилчи // тилишунос, тарихчи//тарихшунос, тарбиячи, кашфиётчи, табиатушунос, санъаткор//санъатчи, ташвиќотчи, тарѓиботчи, ўлчагич, чизѓич, ўчиргич* ва бошќалар.

Терминлар ўзга тил лисоний ашёлари асосида пайдо ќилинганда, бошќа тиллардан сўз ўзича, ўз лисоний шакли билан ўзлаштирилади. Масалан, *автоген, арматура, алебастр, агрегат; фонема, морфема, лексема, фразема, грамматика, пауза; инструмент, машина, трактор, экскаватор; директор, лектор, ректор; парта, ручка, фартук, пальто, буфет, папка* ва бошќалар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЎЗБЕК СОЦИОЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

50-§. Ўзбек тил контактлари тарихидан

Ўзбек тили қадимий тиллардан биридир. У халқ тили асосида шаклланган бўлиб, асрлар оша ўз луғат бойлигини шакллантира ва бойита бориб, фонетик, грамматик ва услубий қурилишини ھозиргача такомиллаштириб келмоқда.

Ўзбек тили ўзбек этник жамоасининг алоқа-аралашув воситасидир. У ўттиз миллиондан ортиқ ўзбек халқининг миллий лисоний бойлигидир.

Ўзбек халқи кўп асрлар мобайнида қадимги Ўзбекистон территориясида кўпгина туркий уруғ ва қабилаларнинг бирлашуви ва ўтроқлашуви натижасида таркиб топган. Бу жараёнда бу этник жамоа жуда мураккаб ижтимоий-тарихий жараёнларни бошдан кечирган. Бу мураккаб жараённинг тил жиҳатдан мустақил шаклланиши ва ривожланишида ҳам юз берган.

Ўзбек миллати, тил нуқтаи назаридан, қуйидаги уч йирик этник компонентнинг бирикувидан ташкил топган.

1) Жануби-шарқий тил. Бунга кўпчилик шаъар ўзбекларининг тили, «қарлуқ» деб аталувчи лаъжалар, эски ўзбек тили ва ھозирги ўзбек адабий тили киради;

2) Жануби-ғарбий тил. Бунга ўзбек тилининг ўғуз лаъжаси киради;

3) Шимоли-ғарбий тил. Бунга асосан «ж»ловчи шеваларни ўзида бирлаштирувчи қипчоқ лаъжаси киради.

Ана шу ва шу каби ижтимоий-лисоний шарт-шароитлар ўзбек тилининг туркий тиллар оиласидан мустақил лисон сифатида ажралиб чиқиши ва шаклланишига сабаб бўлган.

Ўзбек тилининг туркий тиллар оиласидан мустақил лисон сифатида ажраб чиқиши шу тил жамоасининг умумтуркий жамоадан алоҳида этник гуруҳ сифатида ажраб чиққан даврдан бошланади. Бу давр, олимларнинг эътирофига қараганда, ўзбек тилининг қадимги даври ھисобланган ва ўнинчи асргача давом этади.

Ўзбек тилининг қадимги даври бошқа туркий тилларга ҳам тегишли бўлган урхун ёдномалари, уйғур ва бошқа ёзувларда битилган ёдномаларни ўз ичига олади. Шу даврдан эътиборан, ўзбек тили унга қардош ва қардош бўлмаган тиллар билан турли даражада алоқага кириша бошлаган. Ўзбек тилининг бошқа тиллар билан турли даражадаги алоқаси ўзбек тил контакти ва унинг ўзига хос кўринишлари учун сабаб бўлади.

Келтирилган бу ёдномаларда учровчи бошқа чет тил ўзлашмаларидан маълум бўладиги, ўзбек тили ҳам мансуб бўлган қадимги туркий тил **хитой**, **санскрит** ва **суғд** тиллари билан лисоний контактда бўлган. Бунга мазкур ёдномаларда учровчи шу тилларга (**хитой**, **санскрит**, **суғд**) хос сўзларининг мавжудлиги гувоҳлик беради.

1969-йили Ленинградда «**Қадимги туркий луғат**» (Древнетюркский словарь) нашр этилади. Унда туркий тилларга ўтиб қолган ўзга халқ тилларига тегишли сўзлар ҳам берилган. Жумладан, *лучан(нуроний)*, *лучанта(ялтироқ)*, *махараж(һоқим)*, *махарук(мифик мавжудоднинг бир тури)*, *намо(ибодат)*, *прат(дев)* ва бошқа ўнлаб диний тушунчаларга оид; *ансмар(тутқанок)*, *ливанг(қаламтирмунчоқ)*, *лодур(ўсимлик тури)*,

матулунг(лимон) сингари бир катор тиббиёт ва ўсимликлар оламига тегишли **санскритча** сўзлар ҳам келтирилган.

Мазкур луғатда қадимги туркий ёдномаларида учровчи *ан(суд иши), бан(ўн минг), бан(ёзув тахтаси), тсанг(хазина), бугунг(тилхат), буда (узум), буланг(айвон), бўк(девор), бау(пул), чан(пиёла), хуа(гул), чуан(баһор), чуғ(лойка), мир(асал), йан(барг), тетса(ўқувчи), тў(атала), чусум(тут), тўй(ўсимлик номи)* сингари турли соҳаларга оид бир неча ўнлаб хитойча сўзлар берилган.

Маъмуд Қошғарийнинг машъур «Девону луғотит-турк» асарида «чинликларнинг (яъни хитойликларнинг) алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаъарликлари туркчани яхши биладилар» деган фикр учрайдики, бу қадимги туркий тил билан хитой тилининг бевосита контактда бўлганлигидан далолатдир.

Қадимги туркий халқлар **суғдлар** билан яқин алоқада бўлганлар. Бу алоқа, неч шубҳасиз, қадимги туркий тилнинг суғд тили билан бевосита контактига сабаб бўлган. Бунинг натижасида ўша даврда **турк-суғд икки тиллилиги** шаклланган, бу икки тилнинг биридан иккинчисига сон-саноксиз сўзлар ўтиб, ўзлашган. Масалан, қадимги туркий тилда учровчи *ажун(дунё), бадир(идиш), мағ(ой), вахшик(бахт), руч(кун), рушан(ёруғлик), сарвағ(сарой), канд(шаъар), шамну(шайтон)* ва ш.к. бошқа бир неча ўнлаб **суғдча** сўзлар бунинг гувоҳидир.

Араб тилидан ўзбек ва бошқа туркий халқлар тилига кўплаб сўзлар ўзлашган бўлса-да, **энг қадимги туркий** ёдномаларида негадир араб лисоний бирликлари учрамайди. Бунинг сабаби шундаки, сўз юритилаётган ўша даврда туркий тиллар араб тили билан бевосита алоқада бўлган эмас.

Туркий тилларнинг араб тили билан алоқага киришуви ўн биринчи асрдан бошланади. Бу даврда қадимги туркий тил ўрнини эски туркий тил эгаллай бошлайди. Айни даврда **форс** тилининг ижтимоий мавқеи юқорилаб, суғд тилининг истеъмолига монелик қила бошлайди. Қисқа муддат ичида форс тили мукамал шаклланиб, бошқа тилларга, шу жумладан, туркий (ўзбек) тилларига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Натижада туркий-форс тил контактига лисоний шароит пайдо бўлади.

Қадимги туркий тил маълум даражада **араб тили** билан ҳам лисоний контактда бўлган. Ўрта Осиёда араблар ьукмронлиги даврида ўзбек-араб тил контакти вужудга келди. Бу даврда араб тили давлат ва фан тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Ўзбек тили, бир томондан, босқинчиларнинг оддий сўзлашув тили билан, иккинчи томондан, араб ёзма адабий тили билан тўқнашди.

Араб тили маъаллий аҳолига давлат ва фан тили, айниқса, дин тили сифатида мажбуран ўқитилди ва сингдирилди. Натижада маъаллий аҳоли вакиллари ўз она тили билан бир каторда, араб тилида ҳам ёзадиган ва гапирадиган бўлди. Ўрта Осиёлик машъур олимлар Абу Райъон Беруний (973-1048), Хоразмий (795-857), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Наср Фаробий (873-950), Аъмад Фарғоний (861-й. вафот этган) ва бошқалар ўз илмий асарларини араб тилида ёзганлар. Шундай қилиб, ўзбек-араб

билингвизми, ўзбек-араб тил контакти вужудга келди ва араб тилидан ўзбек адабий тилига, қисман унинг маъаллий шеваларига ҳам арабча сўзлар кириб кела бошлаган.

Араб тилининг ўзбек адабий тилига таъсирини Алишер Навоий ижодидаги арабча сўзлар салмоғидан ҳам билса бўлади. Навоий асарлари тилининг 30-33 фоизини арабча сўзлар ташкил қилади.

Маъмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф хос Хожибнинг «Қутадғу билик» («Саодатга йўлловчи билим») асарлари эски туркий тилнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. «Қутадғу билик»да диний, ахлоқий ва фалсафий тушунчаларга оид араб сўзлари кўплаб учрайдики, бу эски туркий ва араб тилларн контакти амалидан дарак беради. Чунончи, *зулжалол* (Аллоҳга нисбатан: *улуғворлик*), *камол* (*етуклик*), *кодир* (*қудратли*), *расул* (*пайғамбар*), *халойиқ* (*халқлар*), *салом* (*салом*), *малик* (*подшо*), *маширик* (*шарқ*), *хазина* (*хазина*), *мерос* (*мерос*), *ҳаким* (*файласуф*), *аморат* (*амирлик*), *ажаб* (*қизиқ*), *бақо* (*доимийлик*), *хароб* (*бузук*), *раият* (*аъоли*), *сано* (*мақтов*), *офият* (*эсонлик*) ва ш.к. юзлаб арабча сўзлар бунинг ёрқин далили бўла олади.

Ўзбек тилида араб луғавий ўзлашмалари ўн бешинчи асрдан бошлаб кўпая бошлади. Ўзбек адабий тилида араб луғавий ўзлашмалари фан ва техниканинг деярли барча тармоқларида учрайди. Масалан,

1) **фалсафага** оид *абад*, *азал*, *замон*, *макон*, *маърифат*; мантиққа оид *қиёс*, *маъқулот*, *ҳад*, *ҳомил*, *махмул*;

2) **этикага** оид *садоқат*, *ахлоқ*, *адоват*, *мунофиқ*;

3) **психологияга** оид *ҳис*, *ҳиссиёт*, *ақл*, *рағбат*, *ирода*;

4) **сиёсатга** оид *сиёсат*, *жамият*, *жамоа*, *мамлакат*, *давлат*, *тарғибот*, *ташвиқот*;

5) **тилшуносликка** оид *маъно*, *мазмун*, *исм*, *жумла*, *феъл*, *имло*, *оҳанг*, *равиш*;

6) **адабиётшуносликка** оид *шеър*, *шоир*, *назм*, *наср*, *рубоий*, *қофия*, *ғазал*, *вазн*, *марсия*, *масал*, *муболаға*, *мураббо*, *мажоз*;

7) **астрономияга** оид *фалак*, *фазо*, *сайёра*, *сарв*, *асад*, *сунбула*, *мезон*, *қавс*, *шамс*, *қамар*;

8) **маорифга** оид *мактаб*, *мадраса*, *таълим*, *тарбия*, *савод*, *муаллим*, *мударрис*, *дарс* ва б.к.

Буларнинг кўпи фан ва техниканинг ана шу соҳаларида ўзгаришсиз ишлатилади.

Айрим олимларнинг кузатишларидан маълум бўладики, ўзбек тили лексикасидаги араб сўзлари миқдори ўтган асрнинг етмишинчи йиллари арафасида яна кўпайган. Масалан, профессор М. Мирзаев «Қизил Ўзбекистони» газетасининг 1947--1948-йилларда чиққан 4 сонини кузатганда, ундаги сўзларнинг 18,7 фоизи араб тилига тегишли бўлган. 1966-йили «Тошкент оқшоми» газетасида «Фестиваль кўшиқлари янграйди» сарлавҳаси билан босилган мақолада 26,9 фоиз араб сўзлари ишлатилган. Ҳатто техникага оид мақолалар матнида ҳам араб сўзларининг салмоғи кам бўлмаган. Чунончи, «Совет Ўзбекистони»

газетасининг 1967-йил 18-январь сонида босилган «Техника ремонти» сарлавъали мақола лексикасининг 22 фоизини араб сўзлари ташкил этган.

Ўзирги даврда араб тилининг ўзбек тилига таъсири анча сусайган, чунки эндиликда ўзбек ва араб тиллари орасида бевосита контакт мавжуд эмас, у баръам топган.

Ўзбек ва рус тиллари контакти алоҳида йирик мавзу бўлиб, рус тилининг туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига таъсири масаласи муњим социолингвистик ањамият касб этади. Туркий ва рус тилларининг алоқаси Россия билан Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасидаги иќтисодий ва маданий алоқалар заминида пайдо бўлган.

Маълумки, рус ва Ўрта Осиё халқларининг ўзаро алоқаси узоқ тарихга эга. Буни туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилига кириб ўзлашган рус сўзларидан билиш мумкин. Рус ва ўзбек тиллари алоқаси Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишидан кейин янада кучайди. Муќимий, Фурќат, Аваз сингари ўзбек маърифатпарварлари ижодида қўлланган русча сўзлар бунинг яќқол далилидир. Шунингдек, Октябрь инќилобигача Туркистонда нашр этиладиган **«Туркистон вилояти газетаси»**да њам бир ќатор русча сўзлар учрайдики, бу њам юќорида айтилган фикрни тасдиќлайди.

Профессор А.К.Боровковнинг кўрсатишича, 1905-йилги биринчи рус инќилобидан кейинок ўзбек тилига рус сўзлари ва рус тили орќали латин-грек ва европача сўзлар кира бошлаган. Бу даврда рус ва бошќа тилларга мансуб сўзлар асосан нутќнинг оѓзаки шакли орќали ўтган. Улар ўша давр имлосида њам шу шаклларини саќлаган њолда ёзилган. Масалан, *искалод (склад), инастран (иностранец), пиракурор (прокурор)*. Шунингдек, француз ва итаљян тилларига ќарашли *кўнѓира (конгресс), ќумита(комитет), театру(театр), суѓурта(страхование)* сингари айрим сўзлар ўзбек тилига озарбойжон тили орќали ўтган.

Ўзбек тилига 1905 – 1907-йиллар биринчи рус инќилобидан кейин ўтган сўзлар ќишлоќ ва шањарларнинг турмушидаги янги тушунчаларни ифодалаган. Чунончи, *завод, фабрика, гастиница, конка(трамвай), машина, поезд, вокзал, вагон, почта, квартир. Залог, подряд; управа(управление), бўлис(волость), губерния, заказ, фирма, биржа, арбитраж, банк, расход, оборот, партия, митинг, дума* ва б.

Рус тили сўзларининг ўзбек тилига кириб келиши, айниќса, Октябрь инќилобидан кейин фаоллашди. Ўзбек ва рус лисоний контакти икки халќ ўртасидаги дўстона муносабат, сиёсий, иќтисодий ва маданий муносабатларнинг яќин бўлиши, њам ёзма, њам оѓзаки нутќнинг ижобий таъсири туфайли юзага келди (Бу њаќда кейинги мавзуларда атрофлича маълумот берилади).

Туркий уруѓ ва ќабилалар тили жуда ќадимий даврларда Ўрта Осиёда азалдан яшаб келган эроний тиллар билан алоќада бўлган. Ўрта Осиёда, жумладан, њозирги Ўзбекистон њудудида яшаган халќ эроний тиллар гуруњига кирувчи мањаллий тил лањжаларида гаплашган. Бу уруѓ – ќабилалар, халќлар – **суѓдлар, саклар, массагетлар, бактрияликлар,**

парфиянлар, париканийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг тили бўлган. Шунингдек, қадимий Бактрия подшолигида грек тилидан, шунингдек, грек ва эроний тиллар қоришмасидан иборат бўлган тилдан ҳам фойдаланган.

Маълум тарихий сабабларга кўра, тожик-форс тили, хусусан, унинг адабий тили ўзбек тилининг адабий тили ривожига араб тилига нисбатан ҳам муъимроқ аҳамият касб этади. Бунинг сабаби ўзбек ва тожик халқларининг асрлар давомида бир умумий ھудудда яшаб, бир хил тарихий шароитда турмуш кечиришларидир. Бунинг натижасида бу икки халқнинг урф-одатида, дунёқарашида, санъат, адабиёт, мусиқа сингари маданий ҳаётида кўпгина муштарак унсурлар юзага келди.

Адабиёт ва унинг турли жанрларида, расмий ҳужжатлар, илмий-фалсафий ва диний асарлар тилида, услубида озми-кўпми умумий нуқталар шаклланди. Бу умумийлик ҳатто шеърӣ-аруз вазнидан фойдаланишда ҳам мавжуд эди.

Форс-тожик тилининг ўзбек тилига таъсири, айниқса, Сомонийлар династияси даврида анча сезиларли бўлган. Бу даврда форс-тожик тили давлат мақомидаги адабий тил сифатида кенг тарқала бошлаган эди. Натижада барча ижтимоий соҳада ҳукмрон бўлган араб тилининг мавқеи сусайиб, истеъмоли сўна бошлаган. XIУ—ХУ асрларда туркий(ўзбек) зиёлилар, шоирларнинг кўпи тожик тилини яхши билганлар. Ҳар икки тилда бир хил савияда ижод қилганлар. Алишер Навоӣ бу борада шундай ёзган эди: *«Турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар... Туркнинг улугидин кичигига дегинча ва навқаридин бегига дегинча сарт тилидан баъраманддурлар»*.

Тожик тилининг ўзбек тилига таъсири адабий тилнинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки шаклларида амалга ошиб, ўзбек тили лексикасида катта салмоқда тожик сўзлари қатлами вужудга келади. Бу таъсир ўзбек тилининг грамматик қурилишида ҳам ўз ижобий изига эга бўлди. Ўзбек тили фонетик тизимида тожик тилининг таъсири анча сезиларли бўлди.

Хуллас, ўзбек ва тожик тил контакти алоҳида аҳамиятга эга ва у ўзининг узоқ тарихига эга. Бу масала ҳақида «Ўзбек ва тожик қиёсий тилшунослиги» (ёхуд «Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари») фанида атрофлича маълумот берилган. Шунинг учун бу борада яна маълумот беришни ортиқча деб ҳисоблаймиз.

51-§. Шўролар даври ўзбек социоллингвистикаси

Маълумки, 1917-йили Россияда мисли кўрилмаган катта сиёсий ўзгариш бўлди. «Улуғ Октябрь» номи билан аталувчи инқилоб туфайли Чор Россияси ҳокимияти тор-мор этилди. Ишчи-деҳқон ҳокимияти деб аталувчи Совет давлати барпо этилди. Инқилоб гарчи Россияда бўлган бўлса-да, бу воқеа собиқ Чор Россияси томонидан мустамлакага айлантилган Ўрта Осиё мамлакатларига ҳам таъсир қилмай қолмади. Большевиклар (Коммунистик) партияси ҳукмронлигида янги Шўролар(Совет) давлати барпо этилди. Бу

давлат бошқарувига Ўрта Осиё халқлари яшайдиган мамлакатлар ҳам Иттифоқдош Республикалар номи билан тортилди. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Қозоқистон Бутуниттифоқ қарамоғидаги маъаллий Республикаларга айланди. Бу жараёнларнинг барчаси тил лексикасида ўзига хос луғавий бирликлар сифатида лисоний шаклига эга бўлди. Собиқ Иттифоқ бу Республикалар таълим тизимига ҳам ғомийлик қила бошлади.

Ўрта Осиё Республикалари, хусусан, Ўзбекистонда социалистик маънавият ва маданиятнинг тарқалиши ва ривожланишига Россиядан жўнатилган рус зиёлиларининг хизматлари катта бўлди. Шунингдек, ўқув жиғозлари ва қўлланмалари ҳам асосан Россиядан юборилди. Масалан, 1920-йили Тошкент Москвадан жўнатилган 22 вагон дарслик ва ўқув қўлланмаларидан иборат библиотекани зарурий жиғозлари билан қабул қилди. Неча юзлаб рус мутахассислари махсус йўлланма асосида ишга юборилди. 1921-йили Ўзбекистонда 2000 мактаб ва курсларда 165 мингдан ортиқ ўқувчи таъсил олди. 1924-йили Қўқон педбилим юрти ўзининг 13 киши (*ўн бир йигит, икки қиз*)дан иборат биринчи битирувчиларини жойларга сафарбар этди. Ўзбекистоннинг таълим масканларида таъсил қўрганларнинг 80 фоизидан ортиғи шу мамлакатнинг маъаллий ўғил-қизлари эди. Мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таълим асосан икки тилда—ўзбек ва рус тилларида олиб борилди. Сўнгра бора-бора қисқарган бўлса-да, бошқа этник жамоа тиллари ҳам таълим тизимига татбиқ этила бошланди. Масалан, 1938-1939-ўқув йилида Ўзбекистонда 22 тилда таълим олиб борилди, бироқ 1959-1960-ўқув йилига келиб эса, у саккиз бароварга камайди(қисқарди).

Бошқа Республикалар халқлари тилида бўлганидек, ўзбек тилида ҳам большевиклар партияси ғукмронлигидаги янги давлатнинг мафкурасига хизмат қилувчи луғавий қатлам шаклланди. Шўролар тузумининг сиёсати ва мафкурасига мос пуристтик ғаракатлар бошланди. Шўролар сиёсати ва мафкурасига тўғри келмайдиган сўзлар янги тузум ва янги давр руғига мос бошқа сўзлар билан алмаштирилди. Масалан, *эмлок// хастахона касалхона* сўзи билан, *тўр ғайғат (ёки раёсат) президиум* сўзи билан, *жағонғирлик империализм* сўзи билан, *сармоя капитал* сўзи билан, *отўйин цирк* сўзи билан, *қибланамо компас* сўзи билан, *сарватдорлик капитализм* сўзи билан; *ўтомоч трактор* сўзи билан, *ўзикайнар самовар* сўзи билан, *оташарава поезд* сўзи билан, *экин билғич агроном* сўзи билан, *симчирок электр* сўзи билан, *аччил кислород* сўзи билан, *сувчил водород* сўзи билан, *моддийон материалист* сўзи билан, *иштирокиюн коммунист* сўзи билан, *қонуни асос конституция* сўзи билан, *раиси жумғури президент* сўзи билан, *маншур призма* сўзи билан, *кутур диаметр* сўзи билан, *мурабба квадрат* сўзи билан алмаштирилди. Бу мисоллар алмаштирилган сўзларнинг «денғиздан томчиси», холос.

Халқ хўжалигининг турли соғаларига оид сўз ва атамалар пайдо бўлди. Шу тарзда миллий ўлка халқларининг тили «ривожланиш» босқичига ўтди.

Ана шу янги сиёсий таъсир натижасида ўзбек тили лексикаси ҳам шиддат билан бойий бошлади. Буни Шўролар даврининг турли йилларида нашр этилган луғатлардан билиш мумкин. Масалан, 1927- йили чоп этилган биринчи «**Ўзбекча-русча илмий луғат**»да ўзбек тили лексикасида 9 минг сўз борлиги қайд этилган бўлса, 1941- йили проф. Кори-Ниёзий ва проф. А.К.Боровковлар таърири остида нашр этилган «**Ўзбекча-русча луғат**»да 17 минг сўз қайд этилган. 1959-йили нашр этилган шу типдаги луғат эса, 40 минг сўздан иборат бўлган. 1981- йили Москвада икки жилдда нашр этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу миқдор 60 мингга яқинлашган.

Шўролар даври ўзбек тилининг бойиши, бошқа миллий тилларда бўлганидек, қуйидаги уч даврга бўлинади.

1. Биринчи давр -- 1917–1937-йиллар. Бу давр Октябрь инқилобидан социализмнинг тўла ғалабасигача бўлган давр ҳисобланиб, рус тилининг миллатлараро лисон сифатидаги мавқеи мустаҳкамланади.
2. Иккинчи давр—1938–1959-йиллар. Бу даврда рус тилининг социализмнинг тўла ғалабаси ва коммунизм қуришга бўлган вазифаси кучайиб, рус бўлмаган миллий халқлар уни ўрганишга астойдил киришади, ўзбек миллатига мансуб аҳолининг фарзандлари таълимни рус мактабларида ола бошлайди. Бу даврда ўзбек тили билан бир қаторда, рус тили ҳам таълим жараёнига бир хил мақомда олиб кирилди. 1959–1960–ўқув йилида Ўзбекистондаги таълими рус тилига асосланган мактаблардаги ўқувчиларнинг ярмидан кўпи, яъни 50,1 фоизи рус бўлмаган миллатларнинг фарзандлари ҳисобланган.
3. Учинчи давр коммунизм қуришга аста-секинлик билан ўтиш даври ҳисобланиб, бу даврда миллий тилларни чекламаган ҳолда, миллатлараро лисон ҳисобланган рус тилининг мавқеини кучайтириш авж олади. Ўзбек тили лексикасида шу давр руҳини инъикос эттирадиган луғавий қатламни кенгайтириш, уни рус-байлалмилал сўзлари ҳисобига бойитиш зиёлилар зиммасидаги асосий долзарб масалага айлантирилади.

Хуллас, Шўролар даври ўзбек тили СССР деб аталмиш даврнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий руҳини, мафқурасини ўзида сингдиришдек мураккаб вазифани ақс эттириш характерида бўлган. Буларнинг барчаси социолингвистиканинг интралингвистикадан фарқ қилувчи синфийлик тавсифини кўрсатувчи хусусиятлардан биридир. Булар бошқа миллий республикалар халқлари тилларининг ҳам Шўролар даври учун тегишли асосий хусусиятлар ҳисобланади. Шўролар даврида рус тилининг мавқеини ошириш, уни кенг миқёсда тарғиб қилиш Коммунистик партия тил сиёсатининг «мағзини» ташкил қиларди. Шу боис рус тилининг миллий республикалардаги мавқеи йилдан-йилга ортиб, мустаҳкамлана борди. 1966-1977 – йиллар ўртасида рус тилидан миллий республика халқлари тилларига 7253 асар таржима қилиниб, 156 миллион ададда чоп этилди. Шу давр ичида миллий тиллардан рус тилига 7 мингга яқин асар таржима қилиниб, 685 минг экземплярда нашр этилди. Фақат 1981-йилнинг ўзида СССР халқларининг 100 тилидан рус тилига 1374, чет эл тилларидан эса 45 асар таржимаси нашр қилинди.

Шўролар даврининг 70-йиллари ўзбек сиёсий, ижтимоий ҳаётида рус тили ва маданиятини кенг қўламда тарғиб қилиш авж олганди. Масалан, 1969-йилнинг 27—29-май кунлари Тошкентда «Ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган 1- Тилшунослик конференцияси» бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик Иброҳим Мўминовнинг кириш сўзи билан очилиб, яқунловчи сўзи билан ёпилди. Академик И.Мўминов ўз яқунловчи нутқида рус тили ва унинг маданиятини ўрганиш Ўзбекистон аҳолисининг, айниқса, зиёлиларининг кечиктирилмас вазифаси эканлигига алоҳида урғу берди. У ўз нутқида шуларни алоҳида таъкидлади: **«Рус тили мамлакатимиздаги рус бўлмаган барча халқлар учун иккинчи она тили ҳисобланади. Бу тилни ўрганишга бўлган зарурат кундан-кунга ошиб бормоқда. Ҳозирги даврда фан ва маданиятнинг, халқ хўжалигининг яна ҳам тараққий этишини рус тилисиз, унинг ёрдамисиз тасаввур этиш қийин. Рус тилини билмаган одамнинг умуман маданиятни тўла эгаллаган бўлиши ҳам амри маънол. Чунки рус тилини билмай, улуғ рус адабиётини, музыкасини, тасвирий санъатини, театрини билиш қийин. Рус тилини билмай, фаннинг барча соҳаларига оид ҳозирги замон адабиётлари билан таниш бўлиш қийин. Шунинг учун ҳам маданиятимизнинг келгуси тараққиёти халқимизнинг рус тилини мукамал ўрганиш билан бевосита боғлиқдир».**

Нотиқ ўз нутқида рус тили қаторида, тожик-форс тилининг ўзбек тили, маданияти, адабиёти ва маърифати тизимларидаги аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, ўз нутқида у қуйидагиларни айтди: **«...қадимдан ижтимоий, иқтисодий, маданий алоқалари мустаҳкам бўлган ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги совет даврида яна ҳам юксалди. Эндиликда бу дўстликни янада мустаҳкамлаш учун турли-туман тадбирлар...ўтказилмоқда. Тожикистонда тожиклар билан бирга ўзбеклар ҳам қўпчиликни ташкил қилади. Ўзбекистонда эса тожиклар ҳам кўп... Тожик тилини пухта эгаллаш ўзбек тили нутқ маданиятининг бир қанча муҳим масалаларини тўғри ҳал этишга ёрдам беради. Зероки, бирор сўзнинг тарихий-этимологик томонларини ва грамматик хусусиятларини яхши билмай туриб, уни тўғри талаффуз этиш мумкин эмас».**

52-§. Ўзбек тил контакти тадқиқи тарихига бир назар

Тилларнинг ўзаро алоқаси ва таъсири тилшуносларни анча қадимдан қизиқтирган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу масала туркийшуносликда дастлаб Маъмур Қошғарий эътиборини жалб этган. У машҳур «Девон ул-луғат» (X1 аср) асарида туркий тилларнинг фонетик, луғавий ва грамматик жиҳатларини араб тилининг фонетик, луғавий ва грамматик хусусиятлари билан қиёслаб ўрганган биринчи компаративист

олимдир. У туркий ва араб тили товушлари тизимини киёслаб, араб тилида учрамайдиган туркий тил товушлари, шунингдек, туркий тилларда учрамайдиган араб товушлари нақида кимматли маълумот беради. Туркий ва араб тиллари контакти туфайли туркий тилларда вужудга келган «ъ» фонемаси хусусида нам фикр билдиради.

Алишер Навоийнинг «Муъокамаат ул-луғатайн» (икки тил муъокамаси) асарида нам туркий тиллар контакти бўйича кимматли маълумот берилади. Асарда туркий тиллар форс ва араб тиллари билан киёсланиб, ўша давр ўзбек тилининг фонологик тизими нақида илмий маълумот берилган. Ўша давр ўзбек тилининг фонетик, луғавий, грамматик ва услубий тизими форс тилининг фонетик, луғавий, грамматик ва услубий тизими билан киёсланиб, туркий ва форсий тилларнинг ўзаро таъсири баён этилади. «Муъокамаат ул-луғат»да ўша давр ўзбек тилининг форс тилида муқобили бўлмаган юзта феъл лексема, бир неча от лексема ва форс тилидаги туркий луғавий ўзлашмалар нақида маълумот берилади. Ўзбек ва форс икки тиллиги эътироф этилади.

Тил контактининг турли кўринишлари, айниқса, нар хил этник жамоа вакиллари истикомат қилган кўп миллатли нудуд ва мамлакатларда мавжуд бўлади. Ўзбекистон ана шундай мамлакатлардан биридир. Шўролар даврида Ўзбекистон йилдан-йилга кўп миллатли мамлакатга айлана борди. Масалан, 1926-йили Ўзбекистонда 91 этник гурунь яшаган бўлса, 1959-йили этник гурунь миқдори 113 тага етди. Агар 1926-йили унда ўзга ерли аъоли 9,5 % ни ташкил этган бўлса, 1959-йилга келиб, у 25,4 % ни ташкил этди. Ўзбекистонда рус, белорус, украин миллатига мансуб аъолининг сони йилдан-йилга ошиб борди. Мирзачўлни ўзлаштириш йилларида эса Сибир ва Узоқ Шарқ ўлкаларидан нам миграцион аъоли пайдо бўла бошлади. Ўзбек халқининг улар билан мулоқоти асосан рус тилига асослангани учун, бу тилни ўрганишга бўлган эътиёж яна кучайди. Шу билан бир каторда, жойларда ўзбек-рус икки тиллигидан ташқари, ўзбек ва рус бўлмаган бошқа тиллар икки тиллигига нам замин пайдо бўлди.

Шўролар кўролли кучларида хизматга чорланган ўзбек йигитларининг асосий мулоқот воситаси вазифаси нам рус тили зиммасига юкланган эди.

Ўзбек тил контакти ва унинг кўлами масаласи кейинги(Шўролар даврида) даврларда ўзбек тилшуносларининг нам эътиборини жалб эта бошлади. А.К.Боровков, К.К.Юдахин, К.Хоназаров, Г.Абдураъмонов, О.Азизов, О.Пўлатов, Ш.Раъматуллаев, А.А.Цой, И.Асфандиёров, К.Юсупов, М.Мирзаев, Д.Эшондадаев, Н.Гуломова, М.Миртожиев, Н.Маъмуровларнинг шу масалага доир монография ва мақолалари эълон қилинди, диссертациялар ёқланди. Уларда ўзбек тилининг рус, тожик ва бошқа тиллар билан алоқаси, ўзаро таъсири масаласи ёритилди. Шунингдек, бу долзарб муаммо билан Б.Ниёзмуъаммадов, О.Жалилов, А.Юнусов, Т.Ваънобов, Т.Шокиров,

И.Раъими, Х.С.Турсунова сингари тожик тилшунослари ҳам самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар.

53-§. Ўзбек адабий тили ва унинг тараққиёти

1. Ўзбек тили адабий тил даражасида шаклланганлигига қадар бир неча босқичларларни бошдан кечирди. Ўзбек адабий тили ўзбек миллий тили заминида пайдо бўлди. Ўзбек этник жамоаси ривожланиб, миллат даражасига етишгач, чин маънодаги адабий тил шаклланди. Унга қадар ижтимоий қўлами нисбатан тор маъаллий адабий тил мавжуд эди.

Шуниси муҳимки, қадимги туркий адабий тил, эски ўзбек адабий тили ҳозирги ўзбек адабий тилининг «пойдевори» вазифасини ўтади. Қадимги туркий адабий тил эрамининг У асрида шаклланиб, XIУ асргача фаолиятда бўлган. Бу адабий тил В.В.Радлов, В. Томсен, П.М.Мелиоранский, С.Е. Малов сингари туркологлар томонидан топилиб, шаръланган урхун-енисей (ёки руник) ва уйғур ёзувлари заминида пайдо бўлган. Бу ёзувларда қадимги туркий халқларнинг миллий-бадиий ижоди ўз ифодасини топган эди. Эски ўзбек адабий тилининг юзага келиши ўзбек халқининг мустақил этник жамоа сифатида шаклланиши билан боғланади. Эски ўзбек адабий тилининг асосий хусусиятлари XI--XIУ асрлар ёзма ёдгорликларида ўз лисоний ифодасини топган эди. Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек адабий тили шунчаки ўз-ўзидан, бирор-бир манбага асосланмаган ҳолда пайдо бўлган лисоний бойлик эмас. Қадимги туркий адабий тил, эски ўзбек адабий тили ҳозирги ўзбек адабий тили учун манба, пойдевор вазифасини ўтади. Агар шу тарихий манбалар бўлмаганда, ҳозирги ўзбек адабий тили хусусида сўз бориши амри маъно бўлар эди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили – бу миллий адабий тилдир, ўзбек миллатининг маънавий, лисоний бойлигидир. Миллий тил бутун миллат учун хизмат қилувчи ягона алоқа воситаси бўлиб, унинг доирасида тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари ҳамда лаъжалар бирлашади. Миллий тил даврида адабий тил умумхалқ тили вазифасини бажара бошлайди. Мактаб, матбуот, радио, телевидение, кино, ёзма адабиёт ва бошқа воситалар адабий тилнинг умумхалқ тилига айланишида муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, ҳар қандай тил ўз ривожланиш тарихида турли босқичларни босиб ўтади. Тил ривожининг мана шу босқичларида унинг луғат таркиби ва грамматик қурилишида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бу ҳол ўз-ўзидан ҳар бир давр тилининг ўзига хос хусусиятлари ва меъёрларини юзага келтиради. Мана шу меъёрларга кўра, бир давр адабий тили иккинчи давр адабий тилидан маълум хусусиятларига кўра фарқланади. Тил ривожининг муайян даври учун хос лексика, грамматик воситалар ўша давр адабий тилига хос меъёрларини белгилайди. Тилшуносликда бундай меъёрлар инвариант меъёр, яъни даврий меъёрлар деб юритилади. Инвариант (яъни даврий) меъёр тилда, айниқса, унинг адабий шаклида, ўша даврнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий характер ва эътиёжларига мувофиқ юзага келади. Масалан, ўзбек

адабий тилининг эски ўзбек адабий тили даври, янги ўзбек адабий тили даври, Октябрь инқилобидан кейинги миллий адабий тиллик даври меъёрлари маълум лисоний хусусиятлари билан фарқланади. Буларнинг ҳар қайсиси ўзбек адабий тилининг тарихий ривожланиш босқичларидаги ўзига хос инвариант меъёрлардир. Одатда, бир давр инвариант меъёрининг иккинчи давр инвариант меъёри билан алмашилиши тилнинг умуммеъёридаги ўзгаришларни, ривожланиш босқичларини кўрсатади ва бундай ўзгаришлар ҳар бир давр тили олдига қўйилган коммуникатив талаблар, социал-иқтисодий эътиёжлар билан алоқадор бўлади.

Демак, шу нарса маълум бўладики, турли даврларда шаклланган адабий тиллар бир-биридан фарқ қилади. Масалага аниқроқ ёндошадиган бўлсак, ХУ аср адабий тили ва унинг меъёрлари билан XIX аср адабий тили ва унинг меъёрлари, шунингдек, XX аср ва ундан кейинги давр адабий тили ва уларнинг лисоний меъёрларини бир хил деб бўлмайди. Айниқса, ХУ ва XIX аср ўзбек адабий тили бир-бирига яқин бўлса-да, улар XX аср ва ундан кейинги ўзбек адабий тилидан сезиларли фарқ қилади. ХУ ва XIX аср ўзбек адабий тили халқ тилидан, маъаллий шевалардан анча узоқ бўлган. Уни халқнинг барча ижтимоий табақа вакиллари бир хил тушунмаган. Улардан фарқ қилган ҳолда, XX аср ва ундан кейинги ўзбек адабий тили ўзбек миллатига мансуб барчага яхши тушунарли бўлган. Чунки бу давр адабий тилининг лексик, грамматик, орфографик ва орфоэпик меъёрлари, умумхалқ тили ва унинг лаъжалари яқинлаштирилган ҳолда, шакллантирилган.

XX аср ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва раванқида вақтли матбуот ҳам муҳим роль ўйнаган. Маълумки, Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон чор Россиясига қўшилгач, ўша давр ўзбек адабий тили лексикаси рус тили ва у орқали кириб келган чет сўзлар ҳисобига сезиларли кенгайди. 1870-йили биринчи бўлиб маъаллий тилда «Туркистон вилоятининг газети» нашр этила бошлади. Кейинчалик бу нашр ёнига «Улфат» (1905), «Тараққиёт» (1906), «Вақт» (1907), «Жарчи миллат» (1909), «Бухорои шариф» (1912), «Турон» (1912), «Самарқанд» (1913), «Садои Фарғона» (1914), «Навбаҳор» (1914), «Садои Туркистон» (1914), «Нажот» (1917), «Турк эли» (1917) сингари газеталар келиб қўшилди. Бу вақтли матбуот нашрлари орқали ўзбек тилига рус тилидан *аэроплан, банк, банкир, биржа, бюджет, вагон, вокзал, вексель, почта, почтахона, штаб, штабс-капитан, стерлинг, митинг, мастер, мастерхона, марка, матрос, флот, фельдшер, футбол, трамвай, ранг, револьвер, зал, группа* сингари сўзлар кириб келди. Ўсимлик ва полиз экинлари маъсулотига алоқадор *помидор, қулупнай, болгар мурчи, пастернак, шовул, чеснок, картошка* сингари сўзлар ҳам дастлаб ана шу газеталар саъифасида кўзга ташланган. Демак, маълум бўладики, ўзбек адабий тилида рус тили ва у орқали ўзлашган чет сўзлар, ҳозирги ўзбек адабий тили шаклланганга қадар, пайдо бўла бошлаган. Шу тарзда бу давр ўзбек адабий тили олдинги давр ўзбек адабий тилидан фарқ қилган. Бу давр ўзбек адабий тили лексикасида олдинги давр ўзбек адабий тили лексикасида бўлмаган рус ва Европа халқлари тилига мансуб кўплаб луғавий бирликлар вужудга келган.

Адабий тилнинг, олдин ҳам айтилганидек, бири бошқаси билан узвий алоқадаги икки шакли бор. Бу **ёзма** ва **оғзаки адабий тилдир**. Бу икки шакл ўзбек адабий тили учун ҳам хосдир. Ўзбек ёзма адабий тили хусусида юқорида ҳам анча гап айтилди.

Энди **ўзбек оғзаки адабий тили** хусусида икки оғиз сўз. Ўзбек оғзаки адабий тилининг узок тарихи бор. Ўзбек халқининг бой оғзаки ижоди— кўшик ва лапарлари, эртак ва дostonлари, макол ва маталлари, топишмоқ ва аскиялари, афсона ва ھیкоялари неча-неча асрлар оша оғиздан-оғизга, наслдан-наслга ўтиб келмоқда. Оғзаки адабиётнинг бу жанрлари, замон ўтиши билан, ўз шакли ва мазмунини бойитади, кенгайтиради ва силликлаштиради. Шуниси ҳам борки, ўзбек оғзаки адабиёти ёзма адабиёт пайдо бўлиб, шаклланиб, ривож топгач, умумхалқ истеъмолидан қолади. Фақат ھیудудий ва этнографик характер касб этиб, анъанавий миллий маросимлардагина уларга мурожаат қилинади. Алла, ёр-ёр, Наврўз тантаналарида, келин тушириш ва келин саломлардагина улар одатдагидай «кучга киради».

2. Ўзбек адабий тилининг вазифавий услублари. Һозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги вазифавий услублар амал қилади:

- 1) сўзлашув услуби;
- 2) расмий услуб;
- 3) илмий услуб;
- 4) диний-маърифий услуб;
- 5) оммавий-ахборот услуби;
- 6) бадий услуб.

Сўзлашув услуби тил жамоасининг кундалик мулоқоти учун хизмат қилади. Сўзлашув услуби мулоқот жараёнида эркин ва ھیеч қандай тайёргарликсиз амалга ошади. Унда лисоний бирликлар амалига паралингвистик воситалар ھیамроўлик қилади. Жумлалар оддий тузилади. Тўлиқсиз ва бир бош бўлақлар фаол ишлатилади. Сўзлашув услубига асосланган нутқ таъсирчан бўлади.

Сўзлашув услубининг икки тури мавжуд: а) оддий сўзлашув услуби; б) адабий сўзлашув услуби. Оддий сўзлашув услубида адабий тил меъёрларига риоя қилинмайди. Адабий сўзлашув усулида эса, риоя қилинади. Адабий сўзлашув услубидан радио ва телемулоқотларда фойдаланилади.

Расмий услуб маъмурий жойларда, расмий шахсларнинг фуқоролар билан мулоқотида фойдаланилади. Оммавий ахборот тилида расмий услуб фаол амал қилади.

Матбуот саъифаларида ھیуқуқий ва дипломатик муносабатларга оид турли ھیужжатлар, расмий ёзишма ва ахборотларга кенг ўрин берилади: маъмурий-идоравий ھیужжатларнинг айрим турлари эълон қилиниб, шарълаб борилади. Дунёда юз бераётган хилма-хил воқеа-ھیодисаларга оид расмий маълумотлар, хроник хабарлар оммавий-ахборот фаолиятининг таркибий қисми саналади ва улар расмий услуб ёрдамида маълум қилинади.

Илмий услуб-бу фан тилининг асосини ташкил қилади. Фан ва техникага оид маълумотлар шу услуб ёрдамида баён қилинади. Илмий услубнинг соф

илмий, илмий-техникавий(њужжатлар услуби), илмий-маърифий (таълимий услуб) ва илмий-оммабоп сингари турлари мавжуд. Илмий услубнинг њам оғзаки ва ёзма шакллари мавжуд. Ўқиладиган маърузалар илмий услубнинг оғзаки шаклига киради. Монография, ўқув кўлланмалари, илмий, илмий-оммабоп мақолалар матни илмий услубнинг ёзма шаклига киради.

Диний-маърифий услуб диний мавзулардаги ахборотларда амал қилади. Масжидларда, жума номозида номозхонлар жамоасига етказиладиган ахборотлар, жанозаларда маййит шаънига айтиладиган «илик хотира»лар шу услуб ёрдамида баён қилинади.

Оммавий-ахборот услуби тил жамоасининг барчаси учун хос ва тегишли бўлган мулоқот шаклининг асосини ташкил қилади.

Бадиий услуб ёрдамида тил жамоасининг маънавий ва маданий миллий бойлиги саналувчи бадиий асарлар матни яратилади.

54-§. Ўзбек нутқи маданиятининг ижтимоий асослари

Адабий тилни нутқ маданиятисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, адабий тил шаклланиб, ривожланмас экан, нутқ маданияти шаклланмайди. «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили њақидаги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек халқи маънавий-маърифий њаётида улкан воқеа бўлди. «Қонун»нинг барча моддалари ўзбек адабий тилининг мавқеини, ижтимоий вазифаларини тўла тиклаш ва янада ривожлантиришга қаратилган. Бу тадбир ўзбек нутқи маданиятини кенг равишдашаклланиш ва ривожланишга имкон яратади.

Нутқ маданияти адабий тил меъёрларининг юксак даражада ишланган, шаклланган ва такомиллашганига, бу тил жамоасининг юксак онглилиги ва масъулиятига боғлиқдир. Бу жињат њам нутқ маданиятининг адабий тилга таяниб иш кўришига ишорадир.

Давлат тили њақидаги «Қонун» да кўрсатилишича, ўзбек тили ва унинг адабий шакли давлат идоралари, паспорт столлари, ЗАГЗ ва суд ишларида, реклама ва эълонлар тилида асосий лисон вазифасини ўтайди. Зеро, давлат тили њақидаги «Қонун» таъсис этилгунга қадар бу сохаларнинг барчасида рус тили ишлатилар эди.

Юксак ўзбек нутқи маданиятининг шаклланишига ўзбек адабий тилининг ёзма шаклини такомиллаштириш, пухта ва қулай имло ва ишоравий(пунктуацион) қоидалар тизимини ишлаб чиқиш, умумхалқ адабий талаффуз шакллари ишлаб чиқиш, уларга оммавий тарзда амал қилиш сингари тадбирларни амалга ошириш орқали эришилади.

Тил амалидаги энг оммавий шакл – бу оғзаки нутқдир. Чунки нутқ маданиятининг хусусиятлари, энг аввало, нутқнинг оғзаки шаклида аниқ намоён бўлади. Адабий тилнинг оғзаки шакли ўзбек тилшунослигида тугал тадқиқ этилган эмас. Оғзаки нутқ маданиятни юксалтириш биринчи навбатда адабий талаффуз нормаларини такомиллаштириш ва унга амал қилишга боғлиқдир. Шу сабабли ўзбек радио ва телевидениеси нутқини, ўзбек саъна нутқини, лекторлар, ўқитувчилар нутқини ва , умуман, ўзбек зиёлилари нутқини, бадиий (ифодали) ўқиш ва нотиклик санъати деб

юритилувчи соъаларда иш кўрувчи нутк кўринишларини нутк маданияти нуқтаи назаридан кенг таълил қилиш керак.

Нутк маданияти фақат лисоний масала сифатида чекланмайди. У чин маънодаги ижтимоий (социал) масала ҳамдир. Нутк маданияти –инсоний маданият, ахлоқий ва эстетик дид, юксак онглилик мезони ҳамдир. Нутк маданияти шахс маданиятининг энг муъим таркибий қисми ҳисобланади. Бунга она тилига бўлган юксак эътибор, меър-у муъаббат ва ардоқ билангина эришилади. Демак, нутк маданияти, энг аввало, тилга меър ва юксак муносабат маданиятидир. Тилга эътибор айни ўринда шу тил жамоасига бўлган илик эътибордир. «Тилга эътибор—элга эътибор» мақоли доно халқимиз томонидан бежиз айтилмаган.

Нутк маданияти «нутк одоби» (речевой этикет) деган тушунчани ҳам ўз ичига олади. Нутк одоби орқали шахсинг тарбия савияси, маданияти, билими, одамларга муносабати сингари бир қатор ижтимоий ھолатлар белгиланади. Ҳар бир тилда одобли нуткни юзага чиқарувчи ўзига хос лисоний бирликлари бўлади. Масалан, ўзбек тилида бундай бирликларга *ассалому алайкум («салом» эмас!), ва алайкум ассалом («ва алайк» эмас!) марҳамат, кечирасиз, хуш кўрдик, хайр, саломат бўлинг, яхши қолинг, ھурматли, муътарам, қадрли, азиз (дўстим), акахон, отахон, онахон, опахон, тоғажон* ва ھ. қиради. Нақлиётда ёши улуг кишиларни ھурмат қилиб, жой берганда, «мана, ўтиринг», «келинг, ўтиринг», «тоға, ўтиринг», «она, ўтиринг», «тоғажон, ўтиринг», «опахон, ўтиринг», «марҳамат, ўтиринг» сингари нуткий мурожаатлар бўлиши мумкин. Шулардан *«тоғажон ёки опахан, марҳамат, ўтиринг»* варианты нутк одобига тегишли бўлиб, сўзловчининг яхши тарбия кўрганлигини билдиради. Бунда «марҳамат» сўзи, «тоға», «опа» сўзларига қўшилган «-жон» унсури нутк одобини рўёбга чиқарувчи лисоний воситалардир. Рўпарадан келаётган танишга қўлни баланд кўтариб, «Салом, Анвар!» ёки «Привет, Анвар!» сингари мурожаатлар нутк одобига зид ھолат саналади, сўзловчининг меъёрий тарбия кўрмаганлигини билдиради. Яхши тарбия кўрган «бамаъни» шахслар тингловчига (адресатга) мурожаат қилганда, биринчидан, уларнинг исмларини тўлиқ ва тўғри айтади, иккинчидан, улар исмига «-бой», «-бек», «-жон»(эрлар жинсига мансуб бўлса); «-хон», «-ой», «-нисо», «-биби», «-пошио» (аёллар жинсига мансуб бўлса) қўшимчаларидан бирини қўшиб, мурожаат қилади. Бундай ھолларда сўзловчи шахс нутк одобига риоя қилган бўлади. «Ўқитувчимиз ھар бир мавзуни мароқли **тушунтиради**» гапи билан «Ўқитувчимиз ھар бир мавзуни мароқли **тушунтирадилар**» гапи прагматик жиъатдан фарқ қилади. Иккинчи гап сўзловчининг одобли нуткқа эгаллигини билдиради. Бу фарқ шу гап кесими(*тушунтирадилар*) таркибидаги «-лар» қўшимчаси туфайли содир бўлаётир.

Нутк одоби «Саломлашиш», «Танишув», «Хайрлашув», «Кечирим сўраш», «Кўнгил сўраш», «Истак билдириш», «Илтимос қилиш», «Маслаҳат сўраш», «Маслаҳат олиш» сингари мавзуларда ўзига хос лисоний воситаларга эга бўлади. Нутк одоби билан боғлиқ ھодисалар тилшуносликнинг **п р а г м а т и к а** (*прагматик тилшунослик* ёки

лингвистик прагматика//лингвопрагматика) деб аталувчи тармоғида ўрганилади.

Нутқ одобини рўёбга чиқарувчи лисоний воситалар шахсинг жинси, ёши, касби, маълумоти ва ھудуди (лаъжа ёки шеvasи) жиъатдан фарқ қилади. Масалан, «айланай», «қоқиндиқ», «онанг//опанг//амманг//холанг ўргилсин» сингари лисоний воситалар аёллар нутқи одобига тегишлидир. Шу лисоний бирликлар эркаклар нутқида кўзга ташланса, ажабтовур кулгили вазият пайдо бўлади. Бу ва бу каби муносабатлар нутқ маданиятининг реал амалларидан биридир.

Нутқ одобининг ھам оғзаки ва ёзма шакллари бўлади. Шунингдек, унинг контактли (**юзма-юз**) ва дистактли (**телефон орқали, интернет тармоғи орқали**) турлари ھам бор.

Хуллас, нутқ маданияти бир қатор масалаларни ўз ичига олган кенг тушунчадир. Шахсинг ўз атрофидагиларга муомаласи, маданияти, фикрини ёзма ва оғзаки шаклларда тўғри, таъсирчан, ибратли ифодалай олиш малакаси ва маъорати ва б. нутқ маданияти доирасига қиради.

55-§. Ўзбек тилининг давлат тили мақоми тарихига доир

1917-йил октябридаги Россиядаги инқилобий воқеа бутун Марказий Осиё ва Закавказия ўлкаларига ھам таъсир қилмай қолмади. Бу ўлкалардаги мамлакатларнинг собиқ СССР таркибига иттифоқдош Республикалар мақоми билан тортилиши шу Республикаларда янги сиёсий тузумга хос тил вазиятини ھам вужудга келтирди. Бунинг оқибатида бошқа миллий Республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ھам ھам рус тилининг ўзбек тилига тазйиқи кучайди. Ўзбек тили XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса, XX асрнинг 20-йилларидан то 80-йилларнинг охирига қадар рус тилининг қаттиқ таъсири остида қолди...

Аслида, ўзбек тилига рус тилининг таъсири 1865-йилдан, руслар Туркистонни истило қила бошлаши биланоқ, бошланган. Ўша даврларда яшаб ижод этган йирик ўзбек мутафаккири Зокиржон Холмуъаммад ўғли Фурқат асарларидаги *гимназия, рояль, виставка, телеграф* каби русча ёки русча шаклдаги сўзларни эслаш кифоя.

Таъкидлаш жоизки, 1917-йил инқилобидан кейин миллий ўлкаларда руслаштириш сиёсатига қаттиқ киришилди. 1918-йилда Туркистон ўлкасининг Асосий Қонуни қабул қилинди. Унда туркий (ўзбек) ва рус тиллари давлат тили деб эълон қилинди.

Туркистон ўлкасининг ўша даврдаги миллий таркиби ачинарли эди. Ўша вақтлардаги аҳоли рўйхатига кўра, ўзбеклар ўлка аҳолисининг 37, қирғизлар 35, тожиклар 17, руслар 7 фоизини ташкил этарди. Бироқ Асосий Қонунда ўзбек тили билан бирга қирғиз ёки тожик тилига эмас, балки ўлкадаги аҳолининг энг оз миқдорини ташкил қилган русларнинг тилига давлат мақоми берилгани ھайратланарли эди. Ҳокимият ва давлат идораларидаги маъмурларнинг аксарияти руслар бўлганлиги учун, давлат тили фақат

биргина рус тилининг ўзи бўлиб қолди. Расмий масалаларда асосан рус тилининг мавқеи устунлик қилди.

Жойлардаги айрим норозиликлар ھисобга олинди шекилли, Коммунистик партиянинг 1921-йилдаги X ва 1923-йилдаги XI1 съездлари иттифоқдош республикалар тилларини шу республикаларнинг давлат тили деб эълон қилди. Шу тариқа миллий республикалар тилларига бир оз «эркинлик» берилгандай бўлди. Бунга асосланиб, Ўзбекистон Жумҳурияти Инқилобий Комитетининг 1924-йил 31-декабрдаги йиғинида **«Ишларни ўзбек тилида юргизиш»** тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин орадан беш-олти йил ўтар-ўтмас, бу қарор амалга ошир-ошмай, бекор қилинди. Грузин, арман ва озарбайжон тилларидан ташқари, бошқа миллий республикаларда уларнинг тилига берилган давлат мақоми ўз кучини йўқотди...

1988-йили ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида ھар соҳанинг етакчи зиёлиларидан иборат нуфузли комиссия тузилди. «СССР халқлари тиллари ھاқида» давлат қонуни лойиھаси ھам эълон қилинди. Унда рус тили СССРнинг барча республикаларида **«миллатлараро расмий тил»**, она тили эса «давлат тили» мақомида қонунийлаштирилди.

Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили ھاқидаги қонун лойиھаси кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, ھиёоят, 1989-йилнинг 21-октябрида Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланди. 21-октябрь **«Она тили байрами»** куни деб эълон қилинди.

1991-йил 31-августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди **1-Сентябрь** мустақиллик байрами сифатида кенг нишонланадиган бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси 1995-йилнинг 21-декабрида янги таърирдаги **«Давлат тили ھاқида»**ги қонун қабул қилди. Бу қонунда республикада давлат тили мақомида расмийлашган ўзбек тилини ривожлантириш чоралари белгилаб берилди.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши зиёлилар олдига муھим амалий вазифалар бажаришга ундовчи масъулият ھам юклади. Бу вазифа шундан иборатки, давлат тили ھاқидаги қонун ва унинг кўрсатмаларини тезкорлик билан амалга ошириш, ўзбек тилини кенг миқёсда ўрганиш, унинг адабий тил меъёрларини ўзлаштириш ва амалда қўллаш зарур. Бунинг учун энг аввало, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа таълимий воситаларни янгилаш, уларни такомиллаштириш шарт. Аъолининг ўзбек тилини ўрганиши учун бундай китоблар сув билан ھاводай зарур эди.

Ўзбекистонда барча этник жамоалар тилларининг эркинлиги ва тенглиги, улар тараққиётининг таъминланишига зарурий шарт-шароитлар мавжуд. Давлат тилини ва бошқа тилларни ўрганиш рағбатлантирилади. Қонунга кўра, раъбар-ходимлар ва хизмат тақозосига кўра аъоли билан бевосита оғзаки муносабатда бўладиган кишилар давлат тилини—ўзбек тилини билишлари шарт. Халқнинг қалбини, дилини билмасдан туриб, унинг меърига сазовор бўлиш мумкин эмас. Ходимларининг меърини, ишончини қозона олмаган раъбар эса ишни юргиза олмаслиги тайин.

Дўстликдай муқаддас тушунча ھам қалб қатида бўлади. Тил эса--ана шу қалбнинг ойнаси. Ҳар куни, ھар соатда бу ойнага қараб туриш кишилар

ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Бунинг устига, киши қанчалик кўп тилни билса, у дунёни шунча турфа кўради. Зеро, мутафаккирлар айтиб ўтганларидай, бир тилнинг бошқа тилдан фарқи турли товуш комплексларидаги фарқда эмас, балки ҳар бир тил дунёни ўзига хос тарзда кўриш ҳамдир. Шунинг учун ҳам «кўп тилни билган кўп билади» дейдилар.

Тилларга давлат мақоми берилиши билан, ижтимоий ҳаётда ўша тилга «имтиёзли эътибор» нуқтаи назаридан ҳар хил қайфиятдаги оқим ва гуруҳлар ҳам пайдо бўлади. Тилни ёт лисоний унсурлардан тозалашга бўлган ҳаракат ана шу «қайфият»лардан биридир.

Ўзбекистонда ҳам давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилиниши билан, она тилини чет сўзлардан тозалаш борасида турли хил ҳатти-ҳаракатлар бошланди. Ўзбек тилини рус тили ва у орқали ўзлашган сўзлардан тозалашга уриниш кучайди. Русча ва европача бошқа сўзлар ўрнига арабча, форсча муқобиллар танлаб, тавсия этиш авж олди, турлича сунъий ясалмалар пайдо бўла бошлади. Ана шу йўналишдаги ишларни тартибга солиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамаси қошида Атамашунослик комитети тузилди ва у Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик институти билан ҳамкорликда бир қатор амалий тадбирлар ўтказди. Рус тилидан ўзлашган сўзларга қарши «кураш» бошланди. Айрим муаллифлар томонидан янги «**Атамалар луғати**» ҳам тузилиб, нашр қилинди (масалан, Ж. Умаровнинг тахминан минг сўзни ўз ичига олган луғати, Қўқон, 1999). Уларда тилимизнинг меъёри ва ҳазмига сиғишмайдиган ажабтовур атамалар тавсия этилди. Масалан, *диктафон* ўрнига *унёзар*, *грампластинка* ўрнига *садобаркаш*, *анархист* ўрнига *бошбошдоқчи*, *макарон* ўрнига *йўғон угра*, *милиционер* ўрнига *тартибпосбон*, *монокультура* ўрнига *якказироатчилик*, *вешалка* ўрнига *чилчўп*, *монолог* ўрнига *якканутқ*, *номер* ўрнига, *белги/рақам*, *откретка* ўрнига *очмахат //ойнахат*, *подвал* ўрнига *ертўла*, *портфель* ўрнига *жузгир*, *робот* ўрнига *темиртан*, *тревога* ўрнига *огоҳсадо*, *программа* ўрнига *маромнома* ва б. Бироқ тавсия этилган янги атамаларнинг кўпчилигини тилимиз «назм» қила олмади, оммавий ва расмий истеъмолни топмади. *Туман/ноҳия* (район), *вилоят*(область), *талаба*(студент), *шифокор*(врач), *муҳандис* (инженер), *йўлланма*(направление), *мураббий*(тренер) сингари юзларча сўзлар эса, ҳозирги ўзбек тили ҳазмига сингишиб, расмий ва оммавий тарзда ўзлашиб кетди.

Шундай қилиб, **Мустақиллик** шарофати билан **ўзбек тили** Ўзбекистонда, шунингдек, ўзбеклар иккинчи ерли аҳоли ҳисобланган бошқа қардош республикаларда (**Қирғизистон**, **Тожикистон**, **Туркменистон**, **Қозоқистон**) ўзининг чин маънодаги ривожланиш йўлига тушиб олди.

56-§. Ўзбек ёзувининг латинлаштирилиши тарихига доир

Ҳар бир тилнинг миллий мустақиллиги кўп жиҳатлардан ёзувга боғлиқ. Ўзбек тилида ҳам, бошқа туркий ва форсий халқларда бўлганидек, асрлар

оша араб графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланиб келинган. Ўзбек ёзма адабий тили ХУ асрдаёқ шаклланган эди. Ўзбек ёзма адабий тилининг бу даври Х - Х1У аср ёзма ёдгорликлари тилидан сезиларли фарқ қилган. ХУ аср эски ўзбек адабий тилида, олдинги давр ёзма ёдгорликлари тилидан фарқ қилган ھолда, араб ва форс тилларидан ўзлашган луғавий бирликлар нињоятда кўп бўлган.

ХУ аср эски ўзбек адабий тилида бадиий поэтик нутқ бадиий прозаик нутққа нисбатан имтиёзли ривожланган эди. Октябрь инқилобига қадар кўп асрлик ибратли анъанага эга бўлишига қарамай, ўзбек адабий тилининг таъсир доираси анча тор бўлган: тил жамоасининг саводхонлиги 3 % га ھам етинқирамаган.

1913-йили Ўзбекистон ھудудида даврий матбуот нашри атиги 44 минг ададда бўлган; ھар хил тилларда, чунончи, рус тилида ھам нашр этилган китоблар нашри 118 минг ададни ташкил қилар эди. Бу каби нохуш вазиятга ёзув ва унга бўлган турли хил ижтимоий муносабатлар сабаб бўлган. Х111 – 1Х асрларга қадар туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи қадимги уйғур ва руник ёзувларидан фойдаланиб келган бўлса, араблар истилоси туфайли ислом динини тарғиб қилувчи араб ёзувига ўтишга мажбур бўлган. Араб алфавити ھукмронликни қўлга олиб, Ўрта Осиё мадрасаларидаги таълим араб алифбоси асосидаги ёзувда олиб борилган. Шу ёзувда ўқув китоблари нашр этила бошлади. 1913-йили Тошкентда татар миллатига мансуб ўқитувчи Исмоил Аловиятнинг «Араб талаффузига мос оъангда қуръоннинг ўқилиши ھақидаги фан» («Наука о чтении корана с соблюдением известной интонации голоса») китобининг ўзбек тилига таржимаси босилиб чиқди.

Ўрта Осиё республикалари Россияга қўшиб олингандан сўнг, нашр ишларида бир оз жонланиш кўзга ташлана бошланди. Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Наманган ва бошқа шањарларида газета, журнал ва китоблар нашр этила бошлади.

Ўзбек зиёлилари араб алифбосининг ўзбек адабий тилининг меъёр ва маромларига мос келадиган ихчамлашган шаклларини ишлаб чиқиш масалаларида бош қотира бошлади. 1918—1922-йилларда «Чиғатой гурунги» араб графикаси асосидаги миллий (ўзбек) ёзувида унли фонемаларни ифодаловчи ھарфлар тизимини таклиф қилдилар. Бироқ бундай ھатти-ھаракатларга «эскиорфографистлар» деб аталувчи гуруьлар тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатар эди. Ёзувга ислоь киритишга уринганлар «янгиорфографистлар» деб аталган. ھар икки тарафга қўшилишни истамаган «бетарафорфографистлар» гуруьни ھам йўқ эмасди.

Араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувининг саводхонликка тўсиқ бўлувчи томонлари ўша даврнинг етук зиёлиси Абдурауф Фитрат томонидан бир неча бор эътироф этилган эди. У 1921-йили январь ойида бўлиб ўтган Тил ва имло қурултойида араб ёзувида савод чикаришнинг қийин ва ноқулай томонлари ھақида куйиниб гапирган. Фитрат араб алифбоси асосидаги ёзувнинг ноқулай томонлари сифатида куйидагиларни таъкидлаган эди: 1) унли товушларни ифодаловчи ھарфларнинг йўқлиги; 2) айрим ундош ва унли

товушлар учун бир шаклнинг мавжудлиги («у», «ў» товушлари билан «в» товуши бир ӧарф билан ифодаланади); 3) ӧар бир ӧарфнинг тўрт шаклда берилиши ва б.

1923-йили октябрь ойида Бухоро шаӧрида Ўрта Осиё ўзбекларининг имло масаласига баӧишланган Биринчи анжуманида «янгиорфографистлар»нинг имло ислоӧи ӧақидаги таклифи қабул қилинди: араб графикаси асосидаги алифбодан 9 ӧарф чиқариб ташланди. Бу лойиӧа Туркистон Наркомпросининг 1923-йил 18-октябрь буйруғи билан тасдиқланди ва у 1930-йилга қадар ўз кучида амал қилди.

Араб алифбосининг ислоӧ қилинган вариантыда таълим жаранида мушкуллик туғдирувчи томонлари, бари бир, барӧам топмаганди. Шу «мушкуллик»ка барӧам бериш йўлида «латинчи»лар гуруӧи пайдо бўлди. Энди араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувидан латин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтиш ӧаракатлари авж олди. 1927-йили ўзбек тили ва имлосига баӧишланган Ўлка съездида латинлаштирилган ўзбек ёзувига ўтишнинг қулай ва афзаллиги масаласи кўрилади. Бироқ съезд делегатларининг кўпчилиги ихчамлаштирилган араб алифбоси асосидаги ёзувни кўллаб-қувватлананлари учун, бу масала ижобий ӧал бўлмади.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми янги латинлаштирилган ўзбек ёзуви билан танишиш масаласида ӧукумат Комиссияси таъсис этади. Бу комиссия зиммасига ўзбек тили ва имлоси билан боғлиқ барча таклиф ва кўрсатмалар билан танишиш вазифаси юкланади. Нихоят, 1929-йили Самарқандда тилшунослар, ўқитувчилар, ёзувчилар ва бошқа зиёлилар иштирокида Орфография конференцияси ўтказилди. Унга Москва, Ленинград шаӧарларидан, шунингдек, бошқа республикалардан таниқли мутахассислар таклиф этилади. Конференция ишида А.Н.Самойловский, Л.В.Шчерба сингари етук академик-олимлар, С.Айний сингари таниқли ёзувчилар қатнашади. Конференцияда ӧар хил тортишувлар асосида 34 ӧарфдан иборат латинлаштирилган биринчи ўзбек алифбоси қабул қилинади. Шундан сўнг ўзбек графикаси ва имлоси масаласи кун тартибига кўтарилади.

1934-йил январида Тошкентда латинлаштирилган биринчи ўзбек алифбосининг амали ва натижаларига баӧишланган Биринчи илмий анжуман ўтказилади. Анжуманда ўзбек алифбосидаги унли товушлар учун белгиланган 9 ӧарф олтига қисқартириш ӧақида қарор қабул қилинади. Шунингдек, анжуманда ўзбек ёзуви ва имлосига алоқадор бошқа масалалар ӧам кўрилади.

Латинлаштирилган ўзбек ёзувида 1932-йили 45 минг ададда «**Қизил Ўзбекистон**», 40 минг ададда «**Колхоз йўли**», 20 минг ададда «**Ёш ленинчи**», 18 минг ададда «**Ишчи**», 30 минг ададда «**Маданий инқилоб**», 11 минг ададда «**Қизил юлдуз**» сингари даврий ва нодаврий нашрлар амалга оширилган.

Агар 1927-йили Ўзбекистонда ислоӧ қилинган араб ёзувида **9 газета, 7 журнал** чоп қилинган бўлса, 1932-йилга келиб, **64 район** ва республика газеталари ва **25 журнал** латин ёзувида нашр этила бошлаган.

Шундай қилиб, лотин графикаси асосидаги ёзув ўзбек ёзувлари тарихида араб графикаси асосидаги ёзувдан кейинги иккинчи босқични ташкил қилади.

57-§. Ўзбек тилшунослигида имло масаласи

Юқорида ҳам айтилганидек, **адабий тилнинг** умуммиллат, умумхалқ мулки сифатида мукаммал шаклланишида **имлонинг, орфографиянинг,** аҳамияти ўта муҳимдир. Ўзбек тилшунослигида имло масалаларида ҳам анча ишлар қилинган ва уларнинг ўз тарихи бор. Чунончи, 1929-йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган Республика имло конференциясида А.Н.Самойлович, Л.В.Шчерба, Б.Чобанзаде, Абдураҳмон Саъдий, Садриддин Айний сингари таниқли тилшунос-олимлар ва ёзувчилар иштирок этганди. Унда 29 пунктдан иборат ўзбек имло қоидаси ҳақида қарор қабул қилинганди. Конференциянинг бу қарори 1929-йилнинг 10-августида Ўзбекистон Халқ Маорифи Комитети томонидан тасдиқланган. Қарорда орфографияда (имлода) сингармонизмнинг акс этиши, кўшма ва такрорий сўзларнинг ёзилиши, бўгин ва бўгин кўчириш, ўзлашмаларнинг ёзилиш қоидалари, апостроф масалалари кўрсатилган эди.

Тавсия этилган қарорнинг амали бўйича жойларда ўрганиш ишлари олиб борилди. Натижада 1933-йилда ўзбек орфографиясининг (имлосининг) янги лойиҳаси тузилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Ниҳоят, 1934-йил январида тил ва имло масалаларига бағишланган Республика съездида ўзбек орфографик қоидаларининг охириги якуний варианты қабул қилинди. Съезд қарори Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг шу йилнинг (1934) 13-мартида тасдиқланди.

1937-йили Ўзбекистон ССР ФА нинг Тил ва адабиёт институти қошида янги ўзбек имло қоидаларини кўриб чиқиш масаласида А.К.Боровков, А.Усмонов, Ф.Камол ва Б.Авезовлардан иборат комиссия ҳайъати ташкил этилди. Комиссиянинг 1939-йилги тавсияси асосида Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1940-йил 8-майида бўлиб ўтган сессиясида рус графикаси асосидаги янги ўзбек имло қоидалари тасдиқланди. Бу қоидалар ҳар хил комиссиялар томонидан турли йилларда бир неча бор қўрилиб, қайта-қайта ўзгартишлар билан, ниҳоят, 1956-йилнинг 4-апрелида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг махсус буйруғи билан тасдиқланди. Ўзбек тилининг бу имло қоидалари ҳозирга қадар Ўзбекистондан бошқа Республикаларда ўз кучини сақлаб келмоқда...

1973-йили Москванинг «Наука» нашриёти «СССР туркий адабий тиллари орфографиялари» («Орфографии тюркских литературных языков СССР») номли илмий мақолалар тўпламини нашр этди. Унда озарбайжон (З.И.Будагова, Г.Г. Исмоилова), олтой (В.Н.Тадыкин), бошқирд (А.А.Юлдашев), гагауз (Е.К.Кольца), қозоқ (С.К.Кенесбоев, Г.Г.Мусабоев, Х.Неталиева), қорақалпоқ (Д.С.Носиров), қарачаева-балқар (А.Ю.Бозиев), қирғиз (С.Кудайберганов), қрим-татар (Б.Г.Гафаров), қумиқ (З.Бамматов), нўғой (С.Калмыкова), татар (Х.Курбатов), тува (Д.А.Монгуш), туркман (

Б.Чарияров), ўзбек (**С.Иброҳимов**), уйғур (А. Т.Кайдаров), хакас (Д.Ф. Патачакова), чуваш (А.И.Андреев), ёкут (Н.Е.Петров) тилларининг орфографияларига оид долзарб масалалар ҳақида маълумот берилади. Тўплам К.М.Мусаевнинг «Совет Иттифоқи туркий адабий тиллари орфографияларини келгусида такомиллаштириш масалалари» («Вопросы разработки дальнейшего совершенствования орфографий тюркских литературных языков Советского Союза») номли бош мақоласи билан бошланади.

Профессор Собиржон Иброҳимов ўзбек орфографиясининг келгуси ҳолати хусусида ёзар экан, унинг қоида ва принцип(омил)ларидаги ҳар хилликлар, уларни муштарақлаштириш йўллари ҳақида тўхтади. Рус тилидан ўзлашган «ъ» белгилари сўзларнинг ёзилишидаги икки хиллик ҳақида гапиради; «ъ» белгиси мавжуд ўзлашмаларни ёзишда «ь» белгисининг ўрнига апострофдан фойдаланиш ва уни расмийлаштириш зарурлигини тавсия қилади.

Туркий тилларнинг бошқаларида орфография масаласи кейинчалик қай даражада ҳал этилганлиги ҳақида, ишончли манбаларга асосланмасдан туриб, бирор нарса дейиш қийин-у, лекин ўзбек адабий тилида Ўзбекистон лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзувига ўтганга қадар, ўзбек адабий тилида орфография қоидаларининг 1956-йилги шакли ва мазмуни ўзгарган эмас.

58-§. Ўзбекистонда рус тилига эътибор масаласи

Шўролар даврида, бошқа барча Иттифоқдош Республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам рус тили ва унинг мавқеи расмий тарзда алоҳида тарғиб қилинар эди.

Рус тилининг мактабларда, касб-ҳунар билим юртларида, олий ўқув юртларида ўқитилиши масаласига ўша давр Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий комитети алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон КП МКнинг 1987-йил 9-сентябридаги бюросида Республикада рус тилининг ўқитилиш савияси асосий масала сифатида кўрилди. Республиканинг марказдан узоқ ҳудудларида, айниқса, ҳарбий хизматда рус тилини меъёрий билиш зарурлиги таъкидланди. «Правда Востока» газетасининг 1987-йил 2-сентябрь сонидан босилган мақолада олий ўқув юртларида рус тили ўқитилишидаги камчиликлар, рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг бўш савияда тайёрланаётганлиги, ўқув масканларида рус тилидан берилаётган таълимнинг сустиги, ерли аҳолининг рус тилини пухта билмаслиги масалалари танқид остига олинган эди Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг рус тилини ўқитиш ва ўрганиш бўйича чиқарган қарорлари қай даражада амалга оширилаётганлиги масаласига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказилди.

Охириги йилларда рус тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида маъаллий аҳоли фарзандларидан

Россиянинг марказий шаъарлари олий ўқув юртларига юборила бошлаган эди.

Рус тилини пухта ўрганиш ва унинг амалий чораларини белгилаш вилоятлар Коммунистик партияси йиғилишларида ҳам бош масала сифатида тез-тез кўриларди. Масалан, Тошкент обком партиясининг бюрolarидан бирида Низомий номидаги Тошкент ҳамда Ангрэн давлат педагогика институтларида рус тили ўқитувчилари тайёрлашнинг қониқарли савияда эмаслиги, унинг олдини олиш чоралари ҳақида қарор чиқарилган эди.

Ўафтанинг бир куни республика миқёсида «Рус тили куни» сифатида расмийлаштирилган бўлиб, унинг амали расмий тарзда назорат қилинарди.

Шу билан бир қаторда, бу даврда, сиёсат нуқтаи назаридан, ўзбек адабий тилига нисбатан эътибор ҳам сусайган эмас. Ўзбек адабий тилини, унинг меъёрларини ўрганиш Ўзбекистон КП МК ва вилоятлар КП нинг ҳар доим диққат марказида бўлиб келди. Негаки юқори маъмурий бошқарув органлари ўзининг миллий адабий тилини, унинг лисоний қонун-қоидаларини пухта билмай туриб, бошқа тилларни, хусусан, рус тилини, унинг грамматик қонун-қоидаларини меъёрий ўзлаштириш мумкин эмаслигини яхши тушунар эди.

Шўролар даврида, бошқа халқлар тилларида бўлганидек, рус тилининг ўзбек тилига, унинг адабий тил шаклига таъсири ниҳоятда кучли бўлди. Бу даврда ўзбек зиёлиларидан ҳам айримлари рус тилига ортиқча имтиёз бериб, унинг ижтимоий мавқеини яна кўтаришга зўр бериб интилдилар. Улар орасида кўзга кўринган тилшунослар ҳам бўлган эди. Шулар қаторида профессор Ё.Абдураҳмонов ва профессор Ф.Абдуллаевларни кўриш мумкин. Улар феълнинг «звонить этди», «звонить қилмоқ», «зайнить қилмоқ», «обсуждать қилмоқ» типидagi аналитик шакллари, ҳатто «а», «раз» сингари ёрдамчи сўзларни, «свежий» типидagi сифатларни ўзбек адабий тилининг ёзма шаклига расмийлаштириш таклифи билан расмий чиқишлар қилишган эдилар. Ваъоланки, ўзбек адабий тилига зўрлаб тиркалаётган бундай «хорижий» лисоний шакллар ўзбек адабий нутқинигина эмас, балки унинг оғзаки жонли нутқини ҳам ғализлаштираётган ёт вульгар лисоний унсурлар эди.

Ўзбекистонда Шўролар даврида, ўзбек тилини эмас, балки рус тилини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб расмий ҳукумат қарорлари қабул қилинди, бир қанча тадбирлар ўтказилди. Маъмурий идораларга кадрларни танлашда ҳам уларнинг рус тилини билиш даражаси ҳисобга олинди. Ҳатто мансабдор шахслар рус аёллари билан қонуний қайддан ўтиб, оила қурдилар. Рус тилига имтиёзли «нурмат», ўзбек тилига беписанл «муомала» ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охиригача давом этди

59-§. Ўзбек тилшунослигида терминология масаласи

Ўзбек тилининг шўролар давридаги ўзига хос томони, айниқса, унинг терминологик тизимида яққол кўзга ташланади. Дарњақиқат, бу даврда ўзбек адабий тили рус тили ва у орқали ўзлашган терминлар ھисобига кенгайиб, ривожланди.

Ўзбек тили терминологик тизимида турли соҳаларга оид атамалар мавжуд бўлиб, уларнинг вужудга келиш жараёни ва тарихий тараққиёти бир хилда эмасди. Чунки халқ турмуши билан қадимдан боғланган баъзи анъанавий соҳаларнинг терминлари шўролар даврида вужудга келган соҳаларникидан анча фарқ қилади. Масалан, ўзбек тилида чорвачилик, дењќончилик, боғдорчилик, ўсимликшунослик ва тиббиёт соҳаларига доир тушунчаларни билдирувчи атамалар қадимдан таркиб топган эди. Аммо машинасозлик, кибернетика, космонавтика, бионика сингари замонавий соҳаларга оид тушунчаларни билдирувчи атамаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ўзбек тилининг асосан шўролар даврига тегишлидир. Қисқаси, ўзбек тилининг илмий-техникавий терминологик тизими шу даврда чин маънода шаклланди. Негаки шўролар даврида ўзбек миллий ھاётида, унинг турмуш тарзида олдинги даврларда бўлмаган кўплаб тушунчалар ўз денотатлари билан пайдо бўлди. Ўзбек ижтимоий ھاёти учун янгилик ھисобланган денотатлар (нарсалар, ھодисалар)ни билдирувчи янги тушунчаларга мос сўз ва иборалар рус тилидан, рус тили орқали Европанинг бошқа халқлари тилидан олинди.

Терминологик тизимдаги ўзгаришлар ھам инсон турмуш тарзида содир бўлиб турувчи ўзгаришлар билан мутаносиб боғлиқдир. Чунончи, ўтган асрнинг биринчи чорагида кишлоқ хўжалигида кам сонли оддий меънат воситалари мавжуд бўлиб, бу соҳадаги лисоний ифодалар ھам оз миқдорда бўлган. Кейинги даврда рўй берган ўзгаришлар натижасида бу соҳа бир қанча мустақил тармоқларга (масалан, *дењќончилик, чорвачилик, паррандачилик*) бўлинди ва ھар бир тармоқ яна ички тармоқларга (масалан, *дењќончилик: пахтачилик, ғаллачилик, шолчилик, пиллачилик, канопчилик, сабзавотчилик* сингари) ажралди. Асрнинг кейинги чоракларида, яъни шўролар даврининг тараққиёт топган даврларида, бу тармоқларнинг ички тармоқлари яна ўз тагтармоқларига ажралди. Ўзбек адабий тилида эса ана шу тармоқ ва уларнинг таг- ва тагтармоқларига хос тушунчаларни билдирувчи янгидан-янги терминлар ва уларнинг тизими шаклланди. Масалан, *студент, аудитория, кафедра, факультет, декан, деканат, ректор, ректорат, аспирант, аспирантура, доцент, докторантура, ассистент, диплом, дипломат; машина, велосипед, экскаватор, проект, конспект, аэробус, телеэкран, телевизор, фронт; цемент, цитрус, плашч, яшик коробка, комбайн фильм, автомобиль* ва ھ.к.

Терминлар ўзича пайдо бўлмайди, балки улар яратилади. Тилда терминларнинг оз-кўплиги тил жамоасининг халқ хўжалиги, фан ва техниканинг тараққиёт савиясига ўлчовдир. Чунки халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги, фан соҳаларидаги ва техникадаги ھар қандай янгилик уларда пайдо бўлган янги тушунчалар билан белгиланади. Янги тушунчалар эса, тилга терминлар орқали кириб келади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ривожланган мамлакатларидан биридир. Демак, ўзбек халқи халқ хўжалиги, фан ва техниканинг барча соҳа ва тармоқларида замонавий ютуқларга эришган этник жамоа ҳисобланади. Буни халқ хўжалиги, фан ва техниканинг турли тармоқларида шаклланган терминологик тизим орқали ҳам билиш мумкин.

Ўзбек миллий терминологиясининг шаклланишида турли соҳаларга қарашли бир қатор зиёлиларнинг хизмати таъсирга арзийди. Чунончи, бу борада Т.Н.Кори-Ниёзий, Т.А.Саримсоқов, М.А. Собиров ва бошқалар математика; Р.Х.Маллин, К.А.Абдурашидов ва бошқалар **физика**; О.Содиқов, З.Н.Саидносирова ва бошқалар **химия**; Т.З.Зоёидов, А.Муҳаммадиев ва бошқалар зоология; К.З.Зокиров, С.С.Саъобиддинов ва бошқалар ботаника; М.Баъодуров ва бошқалар **тупроқшунослик**; О.Аминов, Ҳ.Расулов, Р.А.Абдураҳмонов ва бошқалар **фалсафа, сиёсий иқтисод**; Н.Исмоилов, А.А.Асқаров, А.Ю.Юнусов ва бошқалар **тиббиёт**; Н.Долимов, М.Кориев, Ҳ.Ҳасанов ва бошқалар **география**; М.Мирбобоев ва бошқалар **геология ва минералогия**; А.К.Боровков, Ё. Юнусов, В.В.Решетов, А.Ў.Ўломонов, С.Иброҳимов, Т.Иброҳимов, О.Усмонов, Ф.Камолов, А.Ҳожиёв, Ш.Раҳматуллоев, Л.Решетова ва бошқалар **тилшунослик**; А.Саъдий, А.Фитрат, О.Шарофиддинов, Ойбек, И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, Н.Маллаев, Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова ва бошқалар **адабиётшунослик**; С.Ражабов, Н.Х.Таканаев, Ш.Байбурова, А.Асқархўжаева ва бошқалар **педагогика, логика ва психология**; И.Ақбаров, Ю.Ражабий ва бошқалар мусиқашунослик; Ш.Раҳимий, М.Р.Шамсиев, С.Долимов, К.Аҳмедов, Х.Убайдуллоев ва бошқалар мактабда **она тили ва адабиёт ўқитиш методикаси** соҳалари бўйича ўзбек терминологияси тизимига муносиб ҳисса қўшганлар. Шундай терминологик тизим ўзбек фани ва техникасининг бошқа тармоқларида ҳам вужудга келган.

Хуллас, ўзбек адабий тили Шўролар даврида терминология соҳасида ҳам ўзига хос тараққиёт йўлига кирган эди. Сир эмас, бу даврда ўзбек илм-фани мисли қўрилмаган даражада тараққий этди. Барча соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар етишиб чиқди. Ўзбек миллатига мансуб шахслар инглиз, немис, француз ва бошқа тилларни рус тили воситасида ўргандилар. Бироқ Мустақиллик даврига келиб, рус тилига, уни ўрганувчи фанига билиб-билмай, ҳар хил «тошлар отила бошлади». Рус тили ва у орқали ўзлашган сўзлар ўзбек тилидан «қувила бошланди».

Орадан маълум фурсат ўтгач, рус тилидан ўзлашган ва ўзбек адабий тилида лисоний расмийлашган сўзларга нисбатан ҳам салбий характердаги пуристик муносабат кўрсатила бошланди. Бу, айниқса, собиқ Иттифоқдан ажралиб чиққан Республикалар халқлари тилида кўзга ташланди. Улар мустақилликни пеш қилиб, ўзбек тилини (Марказий Осиёнинг бошқа халқлари тилини ҳам) чет сўзлардан, айниқса, рус тилидан ва у орқали Европанинг бошқа халқлари тилларидан кирган сўзлардан тозалашга ҳаракат қила бошлади.

Бирок бу ھатти-њаракатлар кўпам узокка чўзилмади. Марказий Осиё Республикалари халклари вакилларининг меънат муњожирлиги асосан Россия ъудуди ва унинг шањарлари билан боғланди. Рус тилини астойдил ўрганишга интилиш бошланди. Ўзбек тили лексикасидан четлаштирилган русча сўзлар яна кайтиб ўз жойига кела бошлади.

Россия ъукумати меънат муњожирлиги мақсади билан четдан боровчилар учун рус тили ва унинг имло њамда грамматик қонун-қоидаларидан хабардор бўлишларини талаб қилган расмий синов жорий қилди. Синовдан муваффақиятли ўтганларгина Россияда расман ишлаш ъуқуқига эга бўладилар. Бу ва шунга ўхшаш ижтимоий талаблар рус бўлмаган этник жамоа вакилларининг рус тилини меъерий билишга ундовчи тадбирлардан биридир.

60-§. Марказий Осиё халклари тилларининг рус тилига таъсири

Рус тили дунёнинг энг бой тилларидан биридир. Рус тилининг бошқа миллий тиллар тараққиётидаги ўрни ва мавқеи беќиёс. Шунинг учун њам Марказий Осиё халклари тилининг XX аср ривожини рус тилисиз тасаввур этиш қийин. Бундан ташқари, рус тили миллий тилларнинг Европа халклари тиллари таъсирида бойишида воситачи тил вазифасини њам бажарган. Миллий тиллар лексикасидаги лотин, грек, санскрит ва Европанинг бошқа халклари тилига мансуб луѓавий бирликлар, асосан, рус тили орқали ўзлашган. Бу њеч қандай далил-у исбот талаб қилмайдиган њаќиқат. Миллий тиллар лексикасининг фан ва техникага оид сўзлар қатлами деярли русча ва европача луѓавий бирликлар эвазига шаклланган.

Шуниси њам борки, рус тили бошқа миллий тилларга лисоний бирликлар «тортиќ» қилиш билан чекланмай, балки рус бўлмаган бошқа халклар тилларидан ўзи њам маълум даражада бањраманд бўлган. Шулар ичида Марказий Осиё халклари тилларидан њам тегишли «улуши» бор. Рус тилига миллий тиллардан ўзлашган сўзларнинг кўпи форс-тожик тилига мансуб бўлиб, улар айни ваќтда ўзбек тили луѓат составида њам ўз қатлам луѓавий бирликлари тусига кирган. Бу сўзлар, асосан, рус тилининг ихтисослашган айрим қатламларида учрайди. Масалан, мањаллий дарахт, ўсимлик, мева, полиз, дон экинлари номини билдирувчи *чинар, кайрагач, арча, тал, саксаул, кашнич, янтак, джида, инжир, ананас, амирий, кунджут, тут, хина, умрбаки, урюк, усма, дулана, маш, жугари*; дењкончилик, чорвачилик, чорва мањсулотлари, њайвон номларини билдирувчи *хамтак, канар, кишлак, чабан, арба, чайрикар, сузма, катык, шакал, сайгак, симург, сарай, кетмен, арык, анхар, батрак, ягана, бирюк, кесеф, архар, кулан, джийран, мираб*; кийим-кечак, уй-рўзѓор анжомлари, таом номларини билдирувчи *штани, чалма, кафтан, дастархан, девзира, кебаб, кавуш, бешбармак, аркан, палас, банарас, бархат, паранджи, самса, сумалак, чучвара, хум, шурпа, юпка, катлама, урама, казы, кайла, хальва, казан, каурма, халим, хасип, хашир*;

транспорт ва кўрилишга оид *арба, ишак, караван, айван, шийпан*; спортга оид *кураш, кизкувди, улак, шахмат, чавандаз, шах, сахибкар, топташ, команда, шатранж*; маросим номлари *туй, худайи, чарлар, гап, ифтар, хаит, тахурар*; чалғу асбоблари ва куйга оид *дутар, танбур, чанг, чаргох, шашмакам, газел, чаргох, ушшак, кобуз, карнай, дайра, лапар, ирак, бузрук, дугох, улан*; диний тушунчаларга оид *вакуф, дөрвеш, зикр, джин, домудла, имам, ислам, казий, ураза, рамазан, медреса, аллах, азраил, муфти, мусулманин, намаз, амин, аят, пир, сират, сура, суннат, хутба, кафир, закят, муфтий, махраб, мазхаб* ва бир неча ўнлаб бошқа соҳаларга доир сўзлар шулар жумласидандир. Хуллас, рус тилида миллий тилларга хос бундай сўзлар бир неча юзлаб, ҳатто минглаб учрайди. Улар вақтли матбуот саъифаларида ва илмий матнларда рус бўлмаган миллий халқларнинг турмуш тарзига хос нар хил тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг русча таржимасида асли араб, форс-тожик ва туркий тилларга хос *калам, пиала, айван, бейт, хакан, халат, лал, караван, фирак, раиш, хаджр, дард, алиф, дал, абджет, маснави, галман, гурий, везир, арба, сандал, самшад, рубаи, теши, парча, чинар, тамга, алиф, шах, сардар, сундук, надир, барс, шейтан, гул, башика, қазан, тулпар, джейран, қулан, газель, диван, фирман* сингари юзлаб сўзлар ишлатилган. Бундай хусусият П.Кодиров, Ё.Ўломо, Н.Сафаров сингари ўзбек ёзувчилари асарларидан қилинган русча таржималарда ҳам кўплаб учрайди.

Рус тилидаги аниқ фанлар номини билдирувчи айрим атамалар ҳам аслида рус тилининг ўзиники эмас. Уларнинг кўпи лотинча ва грекча. Шунингдек, араб тилидан ўзлашганлари ҳам бор. Масалан, *алгебра* араб тилидаги *ал-жабр* сўзининг рус тилига ўзлашган шаклидир. *Магазин, алкаголь, алкалоид, калий, альманах* сўзлари ҳам шундай, яъни арабча. Рус тилининг математика ва химияга оид кўпгина сўзлари аслида араб тилига қарашли экан. Қизиғи шундаки, арабча ва форсча-тожикча сўзларнинг кўпи рус тилига туркий тиллар орқали ўзлашган. Улар рус тилидаги шакли билан туркий тилларнинг ўзига яна «қайтиб келган».

Хуллас, келтирилган мисоллардан маълум бўладики, рус ва Марказий Осиё халқлари тилларининг ўзаро контакти бир томонлама эмас, балки икки томонлама бўлган: рус тилининг миллий тилларга таъсири ўз навбатида «жавобсиз» қолмаган.

61-§. Сўз ўзлаштириш

Ўзбек тили ҳам ички манба ҳисобига, ҳам ташқи манба ҳисобига бойиди. Ички бойиш манбаи қўшимчалар ёрдамида сўз яшаш, сўзларнинг қўшилиши воситасида янги сўзларнинг вужудга келиши, бир туркумдаги сўздан иккинчи туркумдаги сўзнинг ҳосил бўлиши, сўзларнинг маъно ва талаффузига кўра тараққиёти натижасида янги бир сўзнинг юзага келиши кабилардан иборатдир. Бунинг устига, тил бойлигида *санамай саккиз дема, ўт юрак, қолипидан кўчган, томдан тараша тушгандай* каби ибораларнинг

бўлиши ҳам ички бойиш манбаи ривожда бир улуш ҳисобланади. Ташқи бойиш манбаи эса, бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришдир.

Сўз ўзлаштириш орқали тил лугат таркиби чет сўзлар ҳисобига бойийди. Сўз ўзлаштириш асосан эроний тиллардан ва рус тилидан деб қаралади. Ўзбек тилига, юқорида ҳам айтилганидай, хитой тилидан ҳам сўз ўзлашган. Бироқ бундай сўзлар бармоқ билан санарли даражада. Умуман, камми, кўпми, сўз ўзлаштириш асосида ҳар қандай тилнинг лугат таркиби икки асосий қатламга ажралади:

а) ўз қатлам;

б) ўзлашган қатлам.

Ўз қатлам шу тилнинг ўзига ва у мансуб бўлган тил оиласига тегишли лугавий бирликлардан таркиб топади. Масалан, ўзбек тили лексикасининг ўз қатлами умумтуркий ва ўзбек тилининг ўзигагина хос сўзларни ўз ичига олади.

62-§. Калькалаш йўли билан янги сўз ҳосил қилиш

Калькалаш йўли билан тушунча ўзлаштирилади. Тил жамоасининг ижтимоий турмушида мавжуд бўлмаган нарса-ҳодисаларнинг номи ўзга тилдан ўз тил лисоний ашёлари воситасида «таржима» қилинади.

Калькалаш ҳам тил лексикасини янги лугавий бирликлар ҳисобига бойитувчи лисоний имкониятдир. У ҳам--сўз ўзлаштиришнинг бир тури. Одатдаги сўз ўзлаштиришдан (ўзича, ўз лисоний шакли билан ўзлашган сўз ва иборалардан) фарқи шундаки, калькалашда ўзлашма ўз тилнинг лисоний бирликлари характерида бўлади: шакл ўзлашмайди, балки унинг маъноси, у ифодалаган тушунча ўзлашади. Масалан, фан ва техника қўлга киритган ютуқлар ва уларга тегишли нарса-ҳодисалар ўзбек тилига фан ва техникаси ривож топган рус этник жамоасидан кириб келган. Ўзлари қаби, шу нарса-ҳодисаларнинг номлари ҳам ўзбек тилида бўлмаган. Масалан, машинасозлик, электротехникага доир кўплаб нарса-ҳодисаларни рус ижтимоий жамоасидан қабул қилинган. Машинанинг энг муҳим деталларидан бирини **мотор** дейлади. Бу сўз ўзбек тилига ўз шакли билан, яъни рус тилидаги номи (мотор) билан ўзлашган. Моторнинг қуввати рус тилида «лошадиная сила» атамаси англатган тушунча билан белгиланади. Бу ном-атама икки сўздан таркиб топган ибора, сўз бирикмасидир: 1) лошадь – от; 2) сила –куч, қувват. Мотор қувватини билдирувчи ном, атама ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган, яъни «от кучи» (лошадиная сила). Энди «от кучи» ўзбек тили лексикаси учун янги лугавий бирлик. У рус тилидан таржима (калька) йўли билан ўзлашди. «Лошадиная сила» атамаси англатган тушунчанинг ўзбек тилининг ўз сўзлари воситасида ўзлашиши **калька** дир. Яна қуйидагилар ўзбек тилига ана шу – калькалаш йўли билан ўзлашган атамалардир: *электр двигатель(электрический двигатель), электр юритма(электропривод), электротехник аппарат(электротехнический аппарат), ярим ўтказгич(полупроводник; чайков бозор(чёрный рынок), узун*

кун(дологий день), узун умр (долгая жизнь); пахта териш машинаси(хлопкоуборочная машина), автоматчи(автоматчик), ярим автомат(полуавтомат), кўп партиялик(многопартийность), темирбетон(железобетон), автоматик бошқариш(автоматическое управление), радиоактив нурланиш(радиоактивное излучение); магнит майдони(магнитное поле), ер йўдоши (спутник земли), дунёкараш(мировоззрение), устқурма(надстройка), ھамдўстлик(содружество), ھамкорлик(сотрудничество), беш йллик(пятилетка), кўролланиш пойгаси(гонка вооружений), синфий кураш(классовая борьба), темир йўл (железная дорога) ва б.

Калькалаш йўли билан тушунчаларнинг ўзлашиши тил тараққиётининг ھар бир даврида шу давр ижтимоий руھига мувофиқ, ھар хил бўлган. Масалан, Улуғ Ватан уруши даврида ўз фонетик шакли билан (ўзича) ўзлашган сўзлар ھам, калькалаш йўли билан ھосил қилинган сўзлар ھам ўша давр (Улуғ Ватан уруши даври) ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-мафкуравий руھи ва унинг хусусиятларини ифодалашга хизмат қилган. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тилига рус тилидан кўйидаги сўзлар ўзича, ўз фонетик қиёфаси билан, ўзлашган: *медсанбат, санчасть, комзвод, медсестра, санинструктор, атака, разведка, генерал, солдат, десант, сапёр, дозор; бомба, граната, пулемёт, миномёт, снаряд, автомат. Радист, дозор, пистолет; взвод, рота, дивизия, корпус; окоп, траншея, блиндаж; капитуляция, гитлеризм, милитаризм, антифашист, оккупация, инвалид, эвакуация, шинель, погон* ва б.

Бу даврда калькалаш йўли билан ھосил қилинган луғавий бирликлар ھам кам бўлмаган. Уларга кўйидагиларни келтириш мумкин: *ўзаро ھаракат (взаимодействие), ўт очиш нуқтаси (огневая точка), мудофаа жанги (оборонительный бой), кўл жанги(рукопашный бой), жанговар вазифа(боевая задача); бош кўмондон(главнокомандующий). ھарбий бошлик(военноначальник), ھарбий асир(военнопленный), ھаво атакаси (воздушная атака), ھаво разведкаси(воздушная разведка)* ва б. «Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси» мавзуси бўйича махсус тадқиқот иши олиб борган И.Расуловнинг гувоҳлик беришича, ўша даврда ўзбек тили лексикасида шу воқеа руھини ифода этувчи мингга яқин луғавий бирлик пайдо бўлган ва вақтли матбуотда ишлатилган.

Хуллас, жамият ھаётидаги муайян бир эътиёж туфайли ўзга тилдан лисоний бирликлар ўзлашади. Лисоний бирликлар тилнинг луғавий таркибига қўшиладиган ھисса эканлиги жиҳатидан тил қурилишига, яъни интралингвистикага дахлдор ھодиса саналса, жамиятда туғилган эътиёжнинг қопланиши жиҳатидан у социолингвистик ھодисадир.

63-§. Ўзлашмаларнинг ўзга тил қурилишига таъсири

Четдан олинган лисоний бирликлар тил қурилишига, унинг қонун-қоидаларига бўйсундирилади. Маълумки, четдан, энг аввало, тилда мавжуд

бўлмаган тушунчаларни ифодалашга хизмат қилувчи сўзлар ўтади. Улар кўпинча, юқорида айтилганидек, терминлар характерида бўлади.

Маълумки, ўзга тил ўз тилдан, луғавий қурилишидан (луғат таркибидан) ташқари, фонетик ва грамматик қурилишига кўра ҳам фарқланади. Бу фарқ, айниса, қардош бўлмаган тилларда аниқ ва яққол кўзга ташланади. Четдан кирган сўз гўё бошқа юртдан келган одамга ўхшайди. Бошқа юртдан келган одамнинг «бегоналиги», бу юрт кишиларига ўхшамаслиги дастлабки вақтда ҳаммага аниқ сезилиб туради. Шунингдек, «ўзгачалик», «ўхшамаслик» четдан кирган одамнинг ўзига ҳам сезилиб туради. Четдан келган киши бир неча муддат яшагандан кейин, унинг «бегоналиги», бу юрт одамларига «ўхшамаслиги» унутила бошлайди. Шунингдек, унинг ўзи ҳам бу юрт кишиларининг феъл-атвориغا «сингишиб», уларнинг урф-одатига кўникади.

Ўзга тилдан кирган лисоний бирликлар--сўз, морфема ва ибораларнинг ҳам «бегона»лиги ҳам дастлабки вақтларда сезилиб туради. У бу тилнинг «табиати»га мослашиш учун унинг қонун-қоидаларига бўйсунди. Четдан кирган сўзлар, энг аввало, унинг учун ўзга саналган тилнинг (яъни лисоний бирликларни четдан қабул қилган тилнинг) фонетик қиёфасига мослашиши зарур бўлади. Бу четдан ўзлашган лисоний бирликнинг бу тилнинг фонетик қурилишига сингишиши демақдир. Масалан, рус тилидан *оттенки, граната, шётка* сўзларининг ўзбек тилига *оттенка, гранат, шётка* шаклларида ўзлашиб, уларга мувофиқ талаффуз этилиши уларнинг ўзбек тилининг фонетик қурилишига мослашишидир.

Рус тилидан ўзбек тилига қоришиқ товушли («ц», «ш» ғарфли) бир қатор сўзлар ўзлашган. Бироқ уларнинг «Ц» товушли сўзларининг айримлари ўзбек талаффузига сингишган (*циркуль, цемент, цех* ва б.) бўлса-да, айримлари ўзбекча «ч» товуши билан интерференциялашган: *черков(шерововь), чоризм (шаризм)* ва б. Худди шундай хусусият «ш» ғарфли айрим сўзларда ҳам мавжуд: *шётка(шётка)*.

Араб ва форс тилларидан ўзлашган айрим сўзлар таркибига хос ундошлар ҳам ўзбек тилида йўқ. Масалан, араб тилига хос «айн» ундоши ва шу ундош таркибида бўлган араб луғавий ўзлашмалари ўзбек тилида шу ундош олдидан келувчи унлини алоҳида тўхтаб билан шўзиб талаффуз қилиш орқали ифодаланади: *маъно, саъва, таъна; «суръат», «журъат»* сингари араб ўзлашмалари эса, шу ундошдан олдин келган ундошдан сўнг кичик тўхтаб билан талаффуз қилинади, айна шу талаффуз ўзбек орфоэпик меъёри сифатида расмийлашган.

Четдан кирган сўзларнинг ўз тил лисоний қурилишига таъсирини рус тилидан ва у орқали ўзбек тилига ўтган сўзлар мисолида кўпроқ кўриш мумкин. Рус тили луғат таркибида Европа халқлари тилларига мансуб жуда кўп луғавий бирликлар мавжуд. Уларнинг маълум бир қисми термин характерида. Грек тилида «нь» ундоши билан бошланувчи айрим терминлар рус тилида шу товушсиз талаффуз ва имло шаклига кирган: *ньомоним-омоним*; айрим терминларда у «г» товуши билан алмашган: *ньипподром-гипподром, ньармон-гермон, ньантел-гантель, ньегемон(ия)-гегемон(ия)* каби.

Четдан ўзлашган сўзлар ўз тилнинг фонетик қолипига мос келмаган тақдирда, юқоридаги каби ўзгартирилади. Улар ўз тилнинг фонетик қолипига мос келса, ўзгаришсиз қабул қилинаверади. Масалан, *машина, банк, танк, совет, трактор, санатория, компресс, камера, резина, резинка* сингари сўзлар ўзбек тилининг фонетик қолипига мос келган.

Четдан ўзлашган сўзлар, умумлисоний қонун ва қоидаларга мувофиқ, ўзга тилнинг грамматик қонун-қоидаларига бўйсунди. Масалан, «*циркуль*» сўзи ўзбекча матнларда ўзбек тилининг ўз сўзларидек грамматик қиёфага кириб, матн талаб этган эгалик ва келишик шаклларида кела олади:

а) келишик шаклларига кириб, уларга хос қўшимчалар билан турланади:

циркуль,
циркулнинг,
циркулни,
циркулга,
циркулда,
циркулдан
ёки

б) отларнинг эгалик категориясига хос шаклларга кириб, уларга хос қўшимчаларни олиб турланади:

<i>циркулим</i>	<i>циркулимиз</i>
<i>циркулинг</i>	<i>циркулингиз</i>
<i>циркули</i>	<i>циркул(лар)и</i>

ёки:

в) отларнинг сон категориясига хос шаклларга кириб, грамматик бирлик ва қўплик маъносини билдиради:

циркуль *циркуллар* ва б.

64-§. Ўзбек тили лексикасидаги рус ва Европа халқлари тиллари ўзлашмаларига нисбатан муносабат нақида

Рус тилининг ўзбек тилига баракали таъсири, у орқали ўзбек тилига қайси тилларнинг сўзлари етиб келганлиги, уларнинг прогрессив аъамияти, бу таъсирнинг қўлами, тематик доираси, соҳалари ва ҳоказолар нақида қўп айтилган ва қўп ёзилган. Бироқ рус тилининг ўзбек тили луғавий бойлиги тараққиётидаги аъамиятини шу билан чеклаб бўлмайди.

Ўзбек халқига Европа цивилизацияси кириб келиши билан бирга, рус тили ўзбек тилига ўз лексик бойлиги билан таъсир эта бошлади. Бу таъсир ҳозирги даврда ҳам сусайган эмас.

Дарњакикат, ўзбек тили луѓат таркибининг ўзлашма катламининг бойишида рус тили муњим роль ўйнади. Ўзлашма катламнинг байналмилал сўзлар гуруњининг шаклланишида њам бу тилнинг ањамияти чексиз бўлган дейиш мумкин.

Рус тилидаги айрим тушунчалар ўтган асрнинг 30-йилларида ўзбек тилининг ўз луѓавий материаллари асосида ўзлашган эди, яъни таржима йўли билан берилган. Халќимизнинг маънавий, маърифий савияси юќорилаб борган сари, рус тили ва у орќали Европанинг бошќа халќлари тилидан олинган сўзлар ўз тилдаги луѓавий шакли билан ўзлаша бошлаган. Буни турли йилларда нашр этилган русча-ўзбекча луѓатларни солиштириш орќали билиш кийин эмас. Масалан, 1934-йили «Тўлик ўзбекча-русча луѓат» (Полный узбекско-русский словарь, Ташкент—Казань, 1934)да *палатка «чодир», параллель «мувозий», партсъезд «партќурилма», пачка «боѓлам», печать «муњр», ракета «мушак», формула «ифода»//«таъриф», хирург «жарроњ», эксперт «синовчи», сейф «ёнмас сандиќ», сумка «жилд», «тўрва», формацевт «доригар», форточка «дарича», эмблема «белги»// «нишон», эталон «нусха»// «ўрнак», этюд «чала расм»* ва њ.к. сўзлар ўзбекча таржимада берилган бўлса, 1950-1955-йилда беш жилдда Тошкентда нашр этилган «Русча-ўзбекча луѓат»да (Русско-узбекский словарь) бу ва шуларга ўхшаш бошќа бир неча ўнлаб сўзлар рус тилидаги шаклида таржимасиз берилган. Бундан ўзбек халќининг маънавий, маърифий савияси орта борганлигини билиш мумкин. Қолаверса, юќорида келтирилган русча сўзларнинг ўзбек тилига тўла ўзлашганидан далолатдир. Яна муњими шундаки, рус тилидан ўзича қабул қилинган бу тип сўзлар эвазига ўзбек тили лексикасининг байналмилал катлами шаклланиб, кенгая борган.

Ўзбек тили лексикаси рус тили лексикаси њисобига бойиб борар экан, у њеч ваќт оддий лексик бирликларни олиб, ўзлаштиришдан иборат бўлмади. Ўзбек халќи њам ўзига яраша заковатли, маданий ва яратувчи халќ. У руслардан нимани қабул қилган бўлса, уни тараќќий эттиришга, ўзгартиришга, унга ўз њиссасини кўшишга, унинг ёнига янгиларини яратиб илова қилишга њаракат қилди. Ўзбек халќининг дунёга танилган арбоблари ва ихтирочиларидан кўз юмиб бўлмайди. Булар њам рус тили лексикасидан ва рус тили орќали Европа тиллари лексикасидан ўзлаштирилган лексик катламларда ўз аксини топмай иложи йўќ.

Ўзбек тили, грамматик қурилишидаги фарќќа қарамай, рус тилидан ва рус тили орќали Европа халќлари тилларидан ўзлашган сўзларни лексик-семантик ва грамматик томондан бутунлай ўзиники қилиб олди. Ўзлашган сўзлар, қайси соњага тегишли бўлишидан қатъий назар, ўзбек тилининг ўз сўзларидай ишлатилаверди. Шу билан бир қаторда, рус тилидан ва у орќали Европа халќлари тилидан ўзлашган луѓавий бирликлар ўзбек тили сўз ясалиши жараёнларида фаол иштирок этиб, ўзбек тили ривожига иккинчи марта ўз ижобий њиссасини кўша бошлади. Масалан, рус тилидан ўзлашган *абстракт, автомат, бронза, брон, вульгар, группа, дезинфекция, декрет, заряд, идеал* сингари бир неча ўнлаб сўзлар асосида *абстрактлашмоќ, автоматлаштириши, бронзаламоќ, вульгарлаштирмоќ, группалаш*

(группаламоқ), дезинфекцияламоқ, декретлаштирмақ, зарядламоқ, идеаллаштирмақ каби бир неча ўнлаб янги ясалмалар ھосил қилинди. Булардан ташқари, рус тилидан ва рус тили орқали Европанинг бошқа ھалқлари тилларидан от туркумига мансуб ўзлашган сўзлар ўзбек тилидаги *олтин куз*, *тилла тиш*, *зумрад киш* бирикмалари андозасида сифат ўрнида ھам ишлатила бошлади: *олмос узук*, *алюмин қошиқ*, *батист кўйлак*, *бриллиант кўз*, *зефир кўйлак*, *десерт вино*, *интеграл ھисоб*, *козир туз* ва бошқалар. Шунингдек, рус тилидан ўзлашган сўзлар иштирокида ўзбекча фраземалар (фразеологик иборалар) ھам пайдо бўлдики, бу билан рус тили ўзлашмалари ўзбек тили фразеологик тизимининг ривожига муносиб ھисса қўшган бўлди. Қиёсланг: *бир винти кам*(«ақли кам»), *тупикка кириб қолмоқ* («иложсиз»), *лекция ўқимоқ*(«беъуда гапирмоқ»), *инкубатордан чиққандай*(«бир хил»), *милиционер қувгандай*(«ранги йўқ»), *яшикка тушмоқ*(«ўлмоқ»), *марсдан тушгандай*(«мутлақо бегонадай»), *телевизорнинг вишқасидай* («новча»), *бир кроватъ* («семиз»), *чўтга ташламоқ*(«ھисобламоқ»), *ахлат яшиги* («ифлос»), *бошга иляпа қилмоқ*(«дўндирмоқ», «бўрттирмақ») ва бошқалар.

Ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзларнинг миқдори даврларга, тилнинг вазифавий услубларига кўра ھар хил ўзгариб борган. Шунингдек, тилнинг оғзаки шакли орқали ўзлашган рус сўзлари миқдори унинг нутқнинг ёзма шакли орқали ўзлашганлари миқдоридан кўп бўлган.

Таъкидлаш жоизки, Совет Иттифоқининг дастлабки йилларида рус ва рус тили орқали ўзлашган сўзларни ўзбек тилидан «тозалаш»га уринишлар ھам бўлган. Масалан, ўзбек зиёлиларидан бири–Элбек «Инқилоб» журналининг 1923-йил, 1-сонидан рус тилидан ўзлашган 550 сўзнинг ўзгартирилган луғатини эълон қилади. Луғатнинг «сўз боши» қисмида асосий мақсад ўзбек тилини чет сўзлардан «тозалаш» эканлиги баён қилинади. Шулардан атиги бирини олсак, масалан, «паровоз» сўзи «*оташ арава*» деб берилади.

Ўзбек тилидан рус тилини четлаштиришга бўлган уриниш ўтган асрнинг 90-йилларидан сўнг, Ўзбекистон Мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда яна такрорланди. Ҳатто ўзбек тилининг ривожланишида рус тилининг таъсирини кўкка кўтарган бир олимнинг ўзи, орадан ھеч вақт ўтмасдан, уни остин-устун қилиб қоралай бошлади. Масалан, таниқли тилшунос, чуқур ва мукамал касбий билим эгаси, профессор М.Миртожиев 1988-йили «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чоп қилинган «Ўзлашган сўз–пайванд куртаги» рисоласида рус тилининг ўзбек тилига самарали ижобий таъсирини кўкларга кўтариб улуғлаган бўлса, 1992-йили проф. Н.Маъмуров билан ҳамкорликда яна шу нашриёт томонидан эълон қилинган «Тил ва маданият» китобида бу тилдан ўзбек тилига ўзлашган атамаларнинг «ноўрин» ва «ноқулай»лиги ھақида қуюниб ёзади.

Олим ўзбек тилини чет сўзлардан, хусусан, рус тилидан ўзлашган атамалардан тозалаш масаласида фикр юритар экан, *ключ* ўрнига *очқич*, *справка* ўрнига *англазма*, *компост* ўрнига *гўнг оқизмаси*, *торт* ўрнига *болишма*, *контакт* ўрнига *туташув*, *импорт* ўрнига *киритув*, *интенсификация* ўрнига *тезлатув*, *контроль* ўрнига *текиширув*, *скрепка*

ўрнига *кистирма*, кнопка ўрнига *кадама*, лимит ўрнига *чеклама*, силос ўргига *кўк ачитма*, драколь ўрнига *тешигич*, мясорубко ўрнига *киймалагич*, импульс ўрнига *туртки*, педаль ўрнига *тепки*, включатель ўрнига *туташиргич*, соковижималька ўрнига *шарбатлагич*, контролёр ўрнига *текиширгич* сингари ва ӛ.к. мукобил вариантларни таклиф қилади. Профессор М. Миртожиев рус тилидан ўз шакли билан ўзлашган атамалар хусусида яна шуларни ёзади: «...Атамаларнинг асосан ўзлашма сўзлардан иборатлиги муомалада кийинчилик туғдиради. Атамалар субъектив бўлиб, уларни ясаи учун ўзбек тили имкониятлари нињоятда кенг. Шунинг учун уларни соф ўзбекчага ўтказиш керак. Бу Ўзбекистон фуқароси бўлган ӛар бир зиёлининг виждоний бурчидир» (Миртожиев М., Маъмурдов Н. Тил ва маданият. –Тошкент: «Ўзбекистон», 70—71-б.)

Келтирилган мулоњазалар сўз ўзлаштириш ва ўзлашган лисоний бирликларга муносабат социолингвистик характердаги лисоний жараёналар эканлигига ишорадир.

65-§. Антропоним ва антропонимиянинг социолингвистик асослари

Кишиларнинг исми, насаби, фамилияси ва лақабини билдирувчи сўзлар фан тили билан антропонимлар дейилади. Уларнинг мажмуасига ва тил фанининг шу мажмуани ўргануви соњасига нисбатан антропонимия атамаси ишлатилади.

Киши исмлари, фамилия ва насаблари, гарчанд этнолингвистиканинг антропология тармоғи объекти саналса-да, унинг социолингвистикага алоқадор томони ӛам йўқ эмас. Чунки кишиларга кўйиладиган исмлар ва уларнинг нолисоний асослари инсоният тарихининг ӛар бир даврида ўзига хос ижтимоий томонлари билан фарқ қилади. Унда болага кўйиладиган исмда хар бир даврнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-руњий олами инњикос этади. Чунончи, кишини номлашнинг энг қадимий шакли уруғ ва қабилаларнинг номлари бўлган.

Дунёга келган инсон фарзандига уни бошқа шахслардан фарқлаб ажратиш мақсадида исм кўйилган. Бу жањоннинг барча халқлари учун урфга айланган одатдир. Исм куйиш эњтиёжи ва исмларнинг пайдо бўлиши билан бирга, ӛар бир халқда уларнинг моддий ӛамда маънавий шароитларига мос равишда исм кўйиш одатлари, расм-русумлари, удумлари ӛам туғилган. Исмлар ӛар бир даврнинг ӛаётий талабларини, интилиши ва орзуларини, шунингдек, фалсафий ва диний ақидаларини ўзида инњикос этган. Чунончи, ибтидоий жамоа ва уруғчилик даврларида берилган исмларда мардлик, қанрамонлик, абжирлик тушунчалари, илоњийлаштирилган турли тушунчалар тасаввурлар ўз ифодасини топган. Масалан, бу даврда туркий халқларда *Ойариғ*(*нурли ой*), *Ойданариғ*(*ойдек нурли*), *Ойкун*(*ёруғ кун*), *Ойқанот*(*ой қаноти*), *Кучбарс*, *Алак*, *Айас*, *Алп Ая*, *Али Эр Тунга*, *Кутлуғ тагин*, *Чағрибек*, *Чуғлан*, *Тангрикул*, *Тангриберди*, *Бўри*, *Бўрибой* сингари исмлар кўйиш мода бўлган.

Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этгунга қадар қўйилган исмларда гўзаллик, ўқтамлик, чеварлик тушунчалари акс этган. Кишиларга қўйилган *Эшбой, Уйтўл, Тўртой, Улғай, Унсун, Турсун, Ариғ(гўзал маъносида), Ойариғ, Ойхон, Эрдон, Туркаш, Эргаш, Толмас, Тотлик, Тошбек, Тўхтамиш, Тилов, Қувондиқ, Илаш, Суюн, Улуғжон, Ўсарбой, Қанотбой, Ойгул, Алпон, Йўлбарс, Юрсин, Юрсиной, Кумушой, Оппоқ, Ойюз, Қиличбек, Бургутбой, Лочин* ва бошқалар бунинг далилидир.

Араблар истилосидан кейин Ўрта Осиё халқларининг туркийча маъаллий номлари «исломона» арабча исмлар билан алмаштирила бошлади. Ислонда чақалоқни номлашга оид баъзи қонун-қоидалар ва кўрсатмалар мавжуд бўлиб, чақалоққа исм қўйишда уларга рия қилиш шарт саналган. Шулардан бири бола қулоғига АЛЛОҲ номи билан азон айтиш бўлган. Қолаверса, ислом ақидасига кўра, болага «Аллоҳнинг гўзаллиги» каби гўзал исм танланиши талаб қилинган. Исмлар ислом илмидан яхши хабардор мулла ва эшонлар томонидан танланган ва у азон билан бола қулоғига етказилган. Ислонда кишиларга қўйиладиган лақаблар, кулгили ва ношаърий номлар қораланган ва ман этилган. Чунки ислом дини шахснинг номи кишининг Ҳаёти ва тақдирида муҳим роль ўйнайди, яхши исм одамга омад, «хунук» ва номақбул исм эса бахтсизлик келтиради, деб Ҳисоблаган...

Ислон дини ва унинг ақидалари асрлар давомида Ўрта Осиё халқларининг маданий ва маънавий Ҳаётига чуқур сингиб борди. Бу Ҳол болага исм қўйиш жабуҳасида Ҳам устуворлик қилди. Болага ислом динининг муқаддас, хосиятли ғояларини ифода этувчи қуйидаги исмларни қўйиш урфга айланди:

Сайид, Сайидбек, Сўфи, Сўфиқул, Сўфиқиз, Вали, Валия; Шайх, Шайхулла, Хўжа, Хўжабек, Хўжанисо; Ҳожид, Ҳожидбой, Ҳожинисо; Қори, Қория, Қорияхон; Эшон, Эшонхўжа, Эшоной; Махсум, Махсума; Имом, Имомқул, Имомназар, Имомиддин; Ислон, Ислониддин, Ислонқул; Аълам, Дарвеш, Дарвешали; Шоҳид, Шоҳида; Қаландар, Муслмон, Муслмонқул; Ғози, Ғозибой, Ғозихон; Тиловатхон, Туморхон; Зоҳид, Зоҳида; Девона, Девонақул; Зикриё, намоз, Намозбой, Намозбуви; Уммат, Умматқул, Умматали, Тавфиқ, Жаннат, Жаннатой, Жаннатхон; Кавсарой, Кавсархон,; Малина, Арофат ва бошқалар.

Юқорида исм қўйишнинг давр руҳи билан боғланиши Ҳақида сўз юритилди. ДарҲақиқат, шундай. Шўролар даврида, айниқса, ўтган асрнинг 30- ва 40-йилларида ўзбек исмлари тизимида ўша давр руҳини акс эттирувчи *Коммуна, Совет, Венера, Марс, Тельман, Эрнст, Мельс (Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин), Света, Светлана, Герой, Комиссар* сингари «замонавий» номлар пайдо бўла бошлаган эди.

УЧИНЧИ ҚИСМ.

СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ МАСАЛАСИ

66-§. Социолингвистик метод ва методлар масаласи

Ҳар қандай фаннинг ўз текшириш методлари бўлади. Методсиз бирор-бир мустақил фаннинг бўлиши мумкин эмас. Хусусан, тилшунослик фани унинг методлари ишлаб чиқулганга қадар, мантиқ, фалсафа доирасида ўзига хос соъа сифатида қаралган. XIX асрда киёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланиши ва амалий фаолияти туфайли унинг методлари ҳам ишлаб

чиқилган: тилшунослик мантиқ ва фалсафа доирасидан мустақил фан сифатида ажралиб чиққан.

Ўозирги даврда кийесий-тарихий тилшунослик (ёки Ўинд-Европа тилшунослиги) анъанавий тилшунослик сифатида қаралади. Бу тилшуносликнинг бир қатор янги замонавий методлари вужудга келган ва улар асосида тил қурилиши нар хил аспектларда ўрганилади.

Социолингвистика, юқорида нар айтилганидек, тилшунослик фанлари тизимида янги сонар, янги фан. Бу фаннинг айрим тушунчаларида, хусусан, мундарижасида ўозирча бир хиллик, муштараклик йўқ. Шунинг учун унинг методлари масаласи хам тугал ишлаб чиқилмаган. Тилшунослик(соф лингвистика)нинг турли дарслик ва қўлланмаларда берилган турлича методлари мавжуд. Бирок уларнинг бирортаси нар социолингвистиканинг тадқиқот методлари бўла олмайди. Чунки социолингвистика—бу чин маънодаги соф «тилшунослик» эмас.

Социолингвистика фанининг методи ва методлари лингвистик циклдаги бошқа фанларнинг метод ва методларидан моъиятан фарқ қилади. Чунки социолингвистика икки нар хил фаннинг туташ нуқтасида вужудга келган янги сонадир: а) ижтимоий фанлар; б) лингвистиканинг интралингвистика деб аталувчи тармоғи (микролингвистика ёки имманент лингвистика). Шу боис социолингвистиканинг методларида ижтимоий ва лингвистик фанларга хос методлар уйғунлашмоғи керак.

Социолингвистика фан сифатида камида уч нуқтаи назар асосида талқин этилади.

Улардан бирига(биринчисига) кўра, социолингвистика лингвистик фандир. Бу нуқтаи назар В.А.Авроринга қарашли бўлиб, лингвистиканинг текшириш методлари социолингвистикага нар дахлдор деб кўрсатилади.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, социолингвистика оралик зонада вужудга келган фан бўлиб, у лингвистлардан ташқари, жамиятшунослар, тарихчилар, психологлар, этнографлар, педагоглар томонидан ўрганилиши керак. Бу фанни текшириш методлари нар жамиятшунослик, тарих, психология ва этнография фанларини текширадиган методлар билан мувофиқлашиши зарур. Масалан, Р.Гроссе ва А.Нойбертлар(Германия Демократик Республикаси) ўозирги талқиндаги социолингвистикани **социолингвистика** нармда **тил социологияси** номлари билан иккига ажратадилар. Шу асосда бу икки тармоққа хос методларнинг фарқ қилиши нарқида фикр юритилади.

Учинчи нуқтаи назарга кўра, социолингвистика, ўз ўрганиш объекти, предмети, назарий асослари ва текшириш методларига эга алоғида, мустақил фан сифатида талқин этилади.

Социолингвистиканинг мустақил ва муштарак фан сифатида шаклланиши олиб борилаётган ва олиб борилиши зарур бўлган жиддий илмий-тадқиқот ишларининг натижасига боғлиқ, албатта. Олиб борилган ва олиб борилиши зарур бўлган илмий-тадқиқот ишлари муайян методларга асосланади.

Метод—бу илмий-тадқиқот усули. Илмий тадқиқотлар туфайли фанлар шаклланади, «мустақиллик»ка эга бўлади. Янги ва замонавий методлар

њисобига ривожланади. Њар бир фаннинг дастлабки шаклланиш босќичида методлар кам бўлади. Масалан, тилшунослик фани дастлаб тасвирий ва ќиёсий деб аталувчи икки метод асосида шаклланган ва ривожланган. Кейинчалик тил ќурилиши математик, моделлаштириш методлар асосида њам ўрганила бошланди. Шунингдек, систем-структур, дистрибуция, трансформация сингари замонавий методлар тил ќурилишини ўрганишда ќўлланаётир. Тасвирий ва ќиёсий методлар эса, њозир тилшунослик фанининг традицион методлари характерини касб этган. Б.Н.Головиннинг «Тилшуносликка кириш» («Введение в языкознание», -М.: «Высшая школа», 1983) асарида лингвистик тадќикотларнинг тасвирий, ќиёсий-тарихий, тарихий, солиштирма, структур, стилистик, микдорий, автоматик таълил сингари саккиз тури њаќида маълумот берилган.

Њозирги ваќтга келиб, бошќа барча фанларда кузатилганидек, тилшуносликка, жумладан, социолингвистикага њам њали чин маънода оммалашмаган ва расмийлашмаган **синергетик** метод кириб келмоќда. Бу **янги** метод **пиджин, креоль** деб аталувчи «**ќурамалашган**» маъаллий тилларни ва бошќа социолингвистик њодисаларни ўрганишда ќўл келади.

Хуллас, фан ривожланган сари, унинг текшириш методлари тизими њам янгидан-янги методлар њисобига кенгайиб боради.

Социолингвистиканинг тадќикот методлари њам тилшунослик, жамиятшунослик, этнография ва бошќа фанларга хос тадќикот методлари андозасида яратилган. Шу асосда социолингвистик тадќикотларнинг дастлабки икки методи ажратилади:

- 1) **ашёвий материаллар йиѓиш методлари;**
- 2) **илмий таълил методлари.**

Бу икки метод бири бошќаси билан узвий боѓлиликда бўлиб, биринчисида социолингвистик характердаги материалларни йиѓиш йўллари њаќида сўз юритилса, иккинчисида йиѓилган материалларни системалаштириш ва соъама-соъа тасвирлаш њаќида фикр юритилади.

67-§.Социолингвистик ашёвий материал йиѓиш йўллари

Социолингвистик ашёвий материалларни йиѓмай, уларни амалий тушунмай туриб, социолингвистиканинг бирор-бир жабъасига хос њодисаларни шарълаб, илмий хулосага келиш мумкин эмас. Шунинг учун ўрганилаётган социолингвистик њодисанинг илмий савияси шу њодисага оид йиѓилган материал ва унинг њажми ва характерига боѓлиќ. Демак, ашёвий материалларни йиѓиш йўл ва усуллари социолингвистик тадќикотлар учун муъим аъамият касб этувчи дастлабки босќичдир.

Социолингвистик ашёлар йиѓиш диалектологик материаллар йиѓишга ўхшайди. Шу боис бу маќсаднинг амалга ошишида тадќикотчи муайян мамлакатда вилоятма-вилоят, ноъияма-ноъия, ќишлоќма-ќишлоќ, њатто маъаллама-маъалла юриши зарур бўлади. Диалектолог-тадќикотчи ўзига керак материалларни индивидуал ва оммавий тарзда йиќќани каби, социолингвист њам ўзига керак материални вилоятма-вилоят, ноъияма-

ноъия, кишлокма-кишлок, ьатто маъаллама-маъалла юриб индивудуал ёки оммавий тарзда йиғиши керак.

Социолингвистик характердаги материаллар йиғишнинг энг кўп тарқалган оммавий усулларига куйидагилар киради:

- 1) кузатиш;
- 2) анкета тарқатиш;
- 3) интервью олиш;
- 4) фактик материаллар манбаини таълил қилиш;
- 5) эксперимент ўтказиш ва б.

Социолингвистик материалларни ўрганишнинг кузатиш усули индивудуал тарзда амалга ошади. Бунда социолингвист, юқорида айтилганидай, диалектолог тутган йулдан боради. Жойлардаги икки ва кўп тиллилик вазиятларини ўз кўзи билан кўради. Унинг сабабларини аниқлайди. Икки ва кўп тиллилик туфайли тил ички курилишида юз берган лисоний ўзгаришларни аниқлайди, уларга сабаб бўлувчи ижтимоий ва лисоний қонуниятларни шарълайди. Бу жараёнда тадқиқотчи диктафон, магнитофон, сингари турли хил техник асбоблардан фойдаланиши мумкин.

Социолингвистик ашёларни бевосита кузатиш йўли билан йиғилганда, информантларнинг ёши, жинси, маълумоти, касб-кори, ижтимоий шароити, ота-оналари ва уларнинг касб-кори, туғилиб ўсган жойи ва бошқа бир қатор жиъатлари ьисобга олиниши зарур бўлади.

Социолингвист материал йиғишга киришишдан олдин ўз мақсадини рўёбга чиқарувчи пухта режага эга бўлиши зарур.

Материал йиғишнинг қулай ва муваффақиятли усулларидан яна бири—бу анкета усулидир. ЮНЕСКО маълумотларининг гувоълик беришига қараганда, анкета усули социологлар, шунингдек, социолингвистлар фаолиятининг ўндан-тўққизида кўл келар экан. Анкета йўли билан материал йиғиш социолингвистик ашёлар йиғишнинг оммавий кўриниши ьисобланади. Бу усул, биринчидан, социолингвистга тез материал йиғишда кўл келса, иккинчидан, йиғилган материални осон системалаштиришда қулайликка эга бўлади. Анкета йўли билан материал йиғишнинг афзал ва қулайлиги СССР Фанлар академияси Тилшунослик институти томонидан ўтказилган бир қатор тадбирларда ьам ўз исботини топган.

Анкета йўли билан материал йиғиш индивудуал тарзда материал йиғишнинг аъамиятини пасайтирмайди, албатта. Чунки савол-жавоб йўли билан индивудуал тарзда материал йиғишда тадқиқотчи социолингвистик характердаги фактларни бевосита, реал тарзда аниқ ва ишонарли йиғади.

Материал йиғишнинг анкета усули олдиндан тузилган саволномалар ёрдамида амалга оширилади. Саволномада ьам унга жавоб қайтарувчи шахснинг ёши, жинси, маълумоти, ижтимоий шароити, оилавий аъволи, касби, яшаш жойи ва унинг этник таркиби, қизиқиши, ижтимоий келиб чиқиши сингари бир қатор масалалар акс этиши талаб қилинади.

Анкета усулида социолингвистик далиллар йиғиш собик Шўролар даврида бир неча бор тажрибадан ўтказилган. Уларнинг материаллари асосида коллектив монографиялар ёзилган. Масалан, 1974-йили Москванинг «Наука»

нашриёти томонидан эълон қилинган «**Русский язык по данным массового обследования**» китоби ана шундай тавсифда вужудга келган. Шунингдек, жойлардаги рус ва бошқа миллий тиллар икки тиллигини аниқлаш ва ўрганиш мақсадида Озарбайжон ССР, Эстония ССР, Литва ССР ва Бурятия АССРда анкета усулида материаллар йиғилган. СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимига қарашли Тарих, филология ва фалсафа институти томонидан Сибирнинг бурят, якут, тува, юкагир сингари ерли аборигенларида тил вазияти бўйича ўтказилган тадбирда Сибирнинг 58 минг аҳолисидан анкета асосида маълумот олинган.

Интервью йўли билан материал йиғиш. Бу тадбир ҳам олдиндан пухта тузилган режа асосида ўтказилади. Бу тадбирнинг ўзига хос томони шундаки, социолингвист материал берувчи объект (шахс) билан юзма-юз контактда бўлади. Материал сунъий, яъни турли техник йўллар билан эмас, балки бевосита ва жонли суъбат жараёнида олинади.

Ўужжат манбааларини таълил қилиш. Бу тадбир ёзма ва техник воситалар ёрдамида олинган материаллар билан танишиш ва уларни системалаштириш орқали амалга ошади. Шунингдек, аҳоли рўйхати, ЗАГС материаллари, хўжалик ва уй ўужжатлари (домовая книга), турли хил расмий ва шахсий ёзишмалар, ыисобот, протокол, буйруқ ва шунга ўхшаш норасмий ва расмий ўужжатлар билан танишиш, улардаги социолингвистикага дахлдор жиъатларни аниқлаш, уларни системалаштириш сингари амалий тадбирлар ҳам расмий ва норасмий ўужжатлар манбааларини таълил қилишга киради.

Социолингвистик характердаги материаллар йиғишнинг яна бир усули—бу экспериментдир. Бу йўл билан йиғилган материал тақиқотчининг синчков текширувидан ўтказилади: материалнинг яроқли ва яроқсизлари ажратилади.

Эксперимент йиғилган материални илмий таълилга бошловчи илк қадамдир. Эксперимент туфайли синовдан ўтган, сараланган, социолингвистиканинг муайян бир ыодисаси табиатига мос келувчи материалларгина таълил объектига айланади.

68-§. Социолингвистик таълил усуллари

Юкорида ҳам такрор-такрор айтилганидай, социолингвистика – мураккаб фан. У ижтимоий фанлар билан лингвистиканинг туташ зонасида вужудга келган. Шу боис у соф лингвистик фан ҳам эмас, соф жамиятшунослик фани ҳам.

Социолингвистик ыодисаларни таълил қилишда лингвистик тақиқотлардаги таълил усули ҳам, жамиятшунослик фанларидаги тақиқот усулларида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Акс ыолда, таълилнинг бир томонлама бўлиб қолиши турган гап. Ю.Д.Дешериев «социолингвистика икки тарафлама табиатга эга. Унда ижтимоий ва лисоний хусусиятлар ўзаро қоришиб кетган. Лингвистик хусусият ҳам

табиатан ижтимоийдир» деб айтганда, социолингвистик тадқиқотларнинг ана шу томонини назарда тутган бўлиши эътимолдан холи эмас.

Социолингвистика учун шундай нолисоний хусусиятлар ва уларнинг характери зарурки, бунда тил жамоасининг демографик, ижтимоий, ижтимоий-касбий, ھудудий таркиби муھим роль ўйнайди. Масалан, ер шарида эрамизнинг бошида аҳоли 230 млнни ташкил этган бўлса, ўнинчи аср охирларига келиб, у 275 млнга; ўн бешинчи аср охирларида 440 млн; 1800-йилда 952 млн; 1900-йилда 1,656 млн; 2000-йилда, ЮНЕСКО нинг башоратига кўра, 7 миллиардга етган. Шаъар аҳолиси, 1979-йилги аҳоли рўйхатига кўра, ер юзининг 62 фоизини ташкил қилар экан.

Ёзув ва унинг тарқалиши, адабий тил, давлат тили, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, уларда таъсил оладиган ўқувчи ва талабаларнинг сони, уларнинг этник гуруҳлари; икки тиллилик ва унинг характери, она тили ва ўзга тилни билувчиларнинг процент ھисоби сингари ва яна бошқа хусусиятлар ھам социолингвистик тадқиқотларнинг таълил объекти саналади. Масалан, 1970-йили СССРда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотига қараганда, рус тили, русларнинг ўзидан ташқари, 61,3 млн қайри рус шахсларнинг она тили сифатида қайд қилинган. Мана шу нолисоний далиллар олиб борилган ва амалга оширилган социолингвистик тадқиқотлар натижаси ھисобланади.

Социолингвистик таълил методи асосида тил структураси ва унинг ижтимоий асос ва моҳиятлари ھам ўрганилади. Тадқиқотлар туфайли маълум бўлишича, французлар бир минутда 350; японлар 310; немислар 250; Полинезия, Меланезия ва Микронезия аҳолиси эса, 50 бўгин талаффуз қилишар экан. Шунингдек, инглиз психологи Майкл Арчилнинг кузатишига қараганда, мулоқот жараёнида финлар бир, италялар 80, французлар 120 имо-ишорадан фойдаланса, мексиканлар мулоқотида 180 имо-ишора унга ھамроҳлик қиларкан.

Социолингвистик таълил туфайли тилда пайдо бўлган янги сўзлар, уларнинг нолисоний асослари, тил этник таггуруҳларига муносабати, табу ва эвфемизм, жаргон ва арго, уларнинг лисоний ва нолисоний асослари каби бир қатор масалалар ўрганилади.

Социолингвистик таълил намуналари сифатида рус тилшунослигида И.Ф. Протченко томонидан ёзилиб, нашр этилган **«Лексика и словообразование русского языка советской эпохи»** (-М, 1975) монографиясини келтириш мумкин. Монографиянинг мазмунини рус тили умумий луғавий фондининг вужудга келиш жараёнлари, рус тилининг октябрдан кейинги луғавий, сўз ясашиш имкониятлари, айрим сўзлар тарихи, спорт ва физкультурага оид сўзлар, сўзларнинг субстанция йўли билан пайдо бўлиши, шахс номлари ва янги луғавий-сўз ясашиши каби масалалар ташкил этади.

Бундай характердаги ишлар ўзбек тилшунослигида ھам кам эмас. Хусусан, профессор К. Хоназаровнинг барча ишлари социолингвистик аспектда яратилган. Профессор Г.Абдураъмонов томонидан яратилган «Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи» (Тошкент, 1962), «Источник обогащения» (Тошкент, 1988); профессор Ф.Абдуллаевнинг «Тил қандай ривожланади?»

(Тошкент, 1972); профессор И.Расуловнинг «Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси» (Тошкент, 1977); профессор М.Миртожиевнинг «Ўзлашган сўз-пайванд куртаги» (Тошкент, 1988), «Тил ва маданият» (Тошкент, 1996), «Товушлардаги маънолар» (Тошкент, 1982); доцент Г. Муъаммаджонованинг «Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари» (Тошкент, 1982); доцент Н.Ўуломованинг «Русские лексические заимствования в узбекском языке»(Ташкент, 1985); профессор А.Нурмонов ва профессор Н.Маъмуровнинг бир қатор ишлари ва б. социолингвистик таълилниги ибратли намуналари нисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдураъмонов Ё. Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи.-Тошкент: «Фан», 1962.
2. Абдурахманов Г. Источник обогащения. –Ташкент: «Фан», 1989.
3. Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? –Тошкент: «Фан», 1972.
4. Баскаков Н.А. О периодизации литературного языка «тюрки» // Лингвогеография, диалектология и истории языка. –Кишинёв,1973.
5. Бегматов Э. Ўзирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: «Фан», 1985.
6. Бертагаев Т.А. Билингвизм и его разновидности в системе употребления // Проблемы двуязычия и многоязычия. _М.: «Наука», 1972.
7. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. –М.: «Просвещение», 1987.
8. Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари.-Тошкент: «Фан», 1982.
9. Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. -Тошкент: «Ўзбекистон», 1988.
10. Гельб И.Е. Опыт изучения письма. Основы грамматиологии. –М., 1982.
11. Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Ташкент: «Фан»,1985.
12. Двуязычие: типология и функционирование. –Казань, 1990.
13. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. –М.: «Наука», 1977.

14. Муъаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. –Тошкент: «Фан», 1982.
15. Расулов И. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси. – Тошкент, «Фан», 1977.
16. Раъмонбердиев К. Ўзбек тил контактлари. –Тошкент: 1989.
17. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. –Ленинград: «Наука», 1972.
18. Еремина К.Н. К проблеме языковых контактов. Европеизме в современном персидском языке.-М.: «Наука», 1980.
19. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари. – Душанбе: «Ирфон», 2011.
20. Гафуров А. Имя и история. –М., 1987.
21. Двужычие: типология и функционирование. Казань, 1990.
22. Дешериев Ю.Д. Закономерности развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху. Развитие общественных функций литературных языков. –М. 1976.
23. Журавлёв В.К. Внешние и внутренние факторы языковой эволюции. –М.: «Наука», 1982
24. Закиев М.З. Введение: к паритетности двуязычия //Двужычие: типология и функционирование. Казань, 1990.
25. Каримов Б., Муталов Ш. Ўртатурк тили. –Тошкент: «Меънат», 1992.
26. Камолов Фахри. Њозирги замон ўзбек тили. Шу номдаги курснинг кириш қисми учун материаллар. -Тошкент: Ўз ССР Фанлар академияси нашриёти, 1953.
27. Кондратов А. Земля людей – земля языков. –М., 1974.
28. Маъмуродов Н.М. Тил ва ёзув. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1987.
29. Нутқ маданиятига оид масалалар. –Тошкент: «Фан», 1973.
30. Проблемы двуязычия и многоязычия. –М.: «Наука», 1972.
31. Проблемы внутренней и внешней лингвистики. –М., 1978.
32. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент: «Ёш гвардия», 1987.
33. Умаров Ж. Атамалар луғати. Тўлдирилган иккинчи нашри, Кўкон, 1992.
34. Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социолингвистику. –М.: «Высшая школа», 1978.
35. Филин Ф.П. Современное общественное развитие и проблема двуязычия // Проблемы двуязычия и многоязычия. –М.: «Наука», 1972.
36. Филин Ф.П. Очерки по теории языкознания. –М.: «Нвука», 1982.
37. Хоназаров К.Х. Коммунизм қуриш даврида ўзбек тили ривожланишининг умумсоциологик аспектилари //Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган Республика тилшунослик конференцияси. –Тошкент: «Фан», 1969.
38. Холмогоров А.И. Конкретно-социологические исследования двуязычия // Проблемы двуязычия и многоязычия. -М.: «Наука», 1972.
39. Панов Е.Н. Знаки.Символи.Языки.- М., 1983.
40. Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. 1-Республика терминология конференцияси материаллари. –Тошкент: «Фан», 1986.

41. Кўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1992.
42. Орфографии тюркских литературных языков СССР. –М.: «Наука», 1973.
43. Пётр Ян. К.Маркс, Ф.Энгельс и славянские языки. Перевод с чешского. – М.: «Высшая школа», 1984.
44. Тошалиев И. Умр мазмуни. –Тошкент, 2015.
45. Нурмонов А., Раъимов А. Лингвосинергетикага кириш.-Тошкент: «академнашр», 2013.
46. Степанов Г.В. Типология языковых состояний и ситуаций в странах романской речи. –М.: «Наука», 1976.
47. Будагов Р.А. История слов в истории общества. –М.: «Просвещение», 1971.

М у н д а р и ж а

Сўз боши

КИРИШ

БИРИНЧИ ҚИСМ

Социолингвистиканинг умумназарий масалалари

Социолингвистика-тилшунослик циклидаги мустақил фан сифатида

1-§.Тилшуносликнинг – тил ҳақидаги фан эканлиги

2-§.Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги

3-§.Тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилиш асослари

4-§.Тилни ўрганиш оиладан бошланади

5-§.Тил-семиотик ҳодиса сифатида

6-§-.Социолингвистиканинг лингвистик тармоқ сифатида пайдо бўлиш асослари

7-§.Тилшуносликда социолингвистик йўналишнинг пайдо бўлиши

8-§.Социолингвистиканинг асосий масала ва тушунчалари

9-§.Тил контакти ҳақида маълумот

10-§.Тил контакти тушунчасининг кенг ва тор маънодаги талқини

11-§.Тил контактининг турлари

 Проксимал тил контакти

 Дисталь тил контакти

 Бевосита тил контакти

 Билвосита тил контакти

- 12-§. Тил контакти туфайли вужудга келувчи социолингвистик ӧодисалар
- 13-§. Икки ва кўп тиллилик социолингвистиканинг муъим масалалари сифатида
- 14-§. Икки тиллиликнинг турлари
- 15-§. Фаол икки тиллилик
- 15-§. Нофаол икки тиллилик
- 16-§. Меъёрий икки тиллилик
- 17-§. Бир томонлама меъёрий икки тиллилик
- 18-§. Икки томонлама меъёрий икки тиллилик
- 19-§. Номеъёрий икки тиллилик
- 20-§. Мақсадли икки тиллилик
- 21-§. Кундалик одатий икки тиллилик
- 22-§. Индивидуал икки тиллилик
- 23-§. Оилавий икки тиллилик
- 24-§. Координатив ва субординатив икки тиллилик
- 25-§. Интерференция ва унинг турлари
- 26-§. Тилнинг этник гуруълари
- Этнографик гуруъ
- Элат ёки халқ
- Этник уюшма

ТИЛНИНГ АМАЛИЙ ШАКЛЛАРИ

- 27-§. Адабий тил ва унинг шакллари
- 28-§. Оддий сўзлашув шакли
- 29-§. «Пиджин» тили ӧақида
- 30-§. Креоль тили ӧақида
- 31-§. Койне ӧақида
- 32-§. Ӣудудий ва маъаллий тиллар
- 33-§. Тилнинг ижтимоий таг гуруълари
- 34-§. Тилга бериладиган «давлат» мақоми ӧақида
- 35-§. Четдан сўз олиш – социолингвистик ӧодиса сифатида
- 36-§. «Олинма» ва «ўзлашма»лар

ЁЗУВ ВА ТИЛ МУНОСАБАТИ

- 37-§. Ёзув ва унинг ижтимоий-тарихий турлари ӧақида
- 38-§. Ӣарф ва товуш муносабати
- 39-§. Пунктуация ва унинг лисоний-ижтимоий аъамияти
- 40-§. «Тил ӧолати» ва «тил вазияти» тушунчалари

СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ АСОСИЙ ТАРМОҚЛАРИ

- 41-§. Умумий социолингвистика
- 42-§. Хусусий социолингвистика
- 43-§. Синхрон ва диахрон социолингвистика
- 44-§. Амалий (прикладной) социолингвистика

ИНТЕРЛИНГВИСТИКА

- 45-§. Халқаро табиий тиллар
- 46-§. Халқаро сунъий тиллар
- 47-§. Киёсий социолингвистика

- 48-§. Социолингвистика, стилистика ва нутқ маданияти
49-§. Терминологик лексиканинг социолингвистик асослари

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЎЗБЕК СОЦИОЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

- 50-§. Ўзбек тил контактлари тарихидан
51-§. Шўролар даври ўзбек социолингвистикаси
52-§. Ўзбек тил контакти тадқиқи тарихига бир назар
53-§. Ўзбек адабий тили ва унинг тараққиёти
54-§. Ўзбек нутқи маданиятининг ижтимоийлиги
55-§. Ўзбек тилининг «давлат тили» мақоми тарихига доир
56-§. Ўзбек ёзувининг латинлаштирилиши тарихига доир
57-§. Ўзбек тилшунослигида имло масаласи
58-§. Ўзбекистонда рус тилига эътибор масаласи
59-§. Ўзбек тилшунослигида терминология масаласи
60-§. Марказий Осиё халқлари тилларининг рус тилига таъсири
61-§. Сўз ўзлаштириш
62-§. Калькаш йўли билан янги сўз ھосил қилиш
63-§. Ўзлашмаларнинг ўзга тил қурилишига таъсири
64-§. Ўзбек тили лексикасидаги рус ва Европа халқлари тиллари ўзлашмаларига муносабат ھақида
65-§. Антропоним ва антропонимиянинг социолингвистик асослари

УЧИНЧИ ҚИСМ.

СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ МАСАЛАСИ

- 66-§. Социолингвистикада метод ва методлар масаласи
67-§. Социолингвистик ашёвий материал йиғиш методлари
68-§. Социолингвистик таълил йўллари
Фойдаланилган адабиётлар

Бердиалиев Абдували. **Узбекская синхронная социоллингвистика**, Учебное пособие для бакалавров и магистрантов специальности узбекского языка и литературы филологических факультетов университетов и педвузов. -Хужанд, 2015. 150 с. (на узбекском языке).

Ответственный редактор:

доктор филологических наук,
профессор ШОКИРОВ Т.

Рецензенты:

кандидаты филологических наук,
доценты ТУРДИБОЕВ Т.,
ХИДИРОВ Р.

Технический редактор:

Корректор:

Х у ж а н д – 2 0 1 5

Фотосурат

Филология фанлари доктори, профессор Абдували Бердиалиевнинг илмий-педагогик фаолияти 1966-йилдан С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат педагогика институтида (hozir akademik Bobojon Gafurov номидаги Хужанд давлат университети) оддий ўқитувчиликдан бошланган.

Олимнинг олий ўқув юртлири филология факультетлари талабалари учун **«Ўзирги ўзбек адабий тили»** курсининг синтаксис, лексикология, фразеология, лексикография, морфемика, сўз ясалиши, морфонология бўлимларини ўз ичига олган бешта дарслиги; **«Ўзбек ва тожик лисоний алоқалари»** (Душанбе: «Ирфон», 2010), **«Основы сопоставительной грамматик узбекского и русского языков»** (Хужанд, 2012), **«Основы синхронной нормативной гамматики узбекского и русского языков»** (Бишкек, 2014) кўлланмалари нашр этилган. Шунингдек, унинг ташаббуси ва бош муаллифлигида Тожикистон Республикаси ўрта умумтаълим мактабларининг У—Х1 синфлари учун **«Ўзбек тили»** дарслик-кўлланмалари чоп этилган.

А.Бердиалиевнинг бевосита раъбарлигида ўттиздан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари нимога қилинган; йигирмадан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий накамлик қилган.

Олимнинг илмий маъсули қирққа яқин монография, рисола, ўқув қўлланма ва уч юзга яқин илмий, илмий-оммабоп мақолаларни ўз ичига олади.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА

(Билет саволлари)

1. Социоллингвистика – тилшунослик циклидаги мустақил фан сифатида.
2. Социоллингвистиканинг объект ва предмети.
3. Социоллингвистиканинг турлари: диахрон социоллингвистика.
4. Синхрон социоллингвистика.
5. Хусусий социоллингвистика.
6. Умумий социоллингвистика.
7. Диахрон ва синхрон социоллингвистиканинг ўзаро муносабати.
8. Социоллингвистиканинг нолисоний асослари.
9. Социоллингвистика ва тил сиёсати, давлат мафкураси.
10. Социоллингвистиканинг интралингвистика билан алоқаси.
11. Тил контактлари социоллингвистиканинг бош масаласи сифатида.
12. Тил контакти тушунчасининг компонентлари: адресант, адресат, тил.
13. Тил контактининг асосий турлари.
14. Проксимал тил контакти ھақида.
15. Дистал тил контакти ھақида.

16. Тил контакти ва билингвизм.
17. Тил контакти ва полилингвизм.
18. Билингвизм ва полилингвизмнинг нолисоний асослари.
19. Билингвизм ва полилингвизмнинг диглоссия ва полиглоссияга муносабати.
20. Билингвизм ва интерференция ӈодисаси.
21. Тил вазияти ӈақида тушунча.
22. Билингвизмнинг тиллар тараққиётига таъсири.
23. Икки ва кўп тиллилик бир неча фанлар ўрганувчи объект сифатида.
24. Икки ва кўп тиллиликнинг тил ривожланишидаги ижобий ва салбий томонлари.
25. Тожикистонда тил вазияти.
26. Конвергенция ва адстрат, суперстат тушунчалари.
27. Дивергенция ва ассимиляция, диссимиляция тушунчалари.
28. Тил ривожланишининг ички ва ташқи омиллари.
29. Тил ривожланишининг ташқи омили – социолингвистика объекти сифатида.
30. Социолингвистика ва сўз ўзлаштириш.
31. Сўз ўзлаштиришнинг бевосита ва билвосита усуллари.
32. Сўз ўзлаштиришнинг лексик ва семантик турлари.
33. Тилдаги ўзга тил луғавий бирликлари ва пуризм.
34. Пуризмнинг ижобий ва салбий йўналишлари. Уларнинг тил тараққиётига таъсири.
35. Калька – сўз ўзлаштиришнинг усулларида бири.
36. Сўз ўзлаштиришнинг тарихий ва диахрон босқичлари.
37. Тожикистонда тил вазияти.
38. Тилнинг вазифавий гуруҳлари.
39. Халқаро, миллалараро ва зонал тиллар.
40. Миллий тил ва унинг шаклланиш асослари.
41. Адабий тил ва диалектлар.
42. Адабий тил шакллари.